

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ХОРЕОГРАФИЯ АКАДЕМИЯСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК: 811.512.133:791(575.1)

**ХОЛМУРОДОВА МЕҲРИНСО ИБРОҲИМОВНА**

**ЭРКИН АЪЗАМ КИНОҚИССАЛАРИ ТИЛИНИНГ  
СОЦИОПРАГМАТИК АСПЕКТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун тайёрланган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Андижон – 2021

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ. ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....</b>	<b>4</b>
<b>I БОБ. ЭРКИН АЪЗАМ КИНОҚИССАЛАРИДА НУТҚНИНГ ИЖТИМОЙ ИХТИСОСЛАШУВИ</b>	
1.1. Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг прагматик хусусиятлари.....	14
1.2. Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг грамматик жиҳатдан ўзига хослиги.....	25
1.3. Эркин Аъзам киноқиссаларининг социопрагматик тавсифи.....	37
Боб бўйича хулоса.....	47
<b>II БОБ. ЭРКИН АЪЗАМ КИНОҚИССАЛАРИДА БАЪЗИ ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАР ВА НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТИ</b>	
2.1. Эркин Аъзам киноқиссаларида айрим лисоний бирликларнинг прагматик хусусиятлари.....	48
2.2. Киноқиссаларда новербал воситалардан фойдаланишнинг социопрагматик хусусияти.....	60
2.3. Эркин Аъзам киноқиссаларида новербал воситаларнинг прагматик тавсифи.....	71
Боб бўйича хулоса.....	77
<b>III БОБ. ЭРКИН АЪЗАМ КИНОҚИССАЛАРИДА ГРАММАТИК МАЪНОНИНГ НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИДА ПРАГМАТИК ОМИЛЛАР</b>	
3.1. Киноқиссаларда грамматик воситаларнинг нутқий воқеланиши.....	79
3.2. Эркин Аъзам киноқиссаларида ёрдамчи сўз туркумларининг прагматик воқеланиши.....	94
3.3. Эркин Аъзам киноқиссаларида алоҳида олинган сўзларнинг социопрагматик хусусиятлари.....	104
Боб бўйича хулоса.....	119

<b>УМУМИЙ ХУЛОСА .....</b>	<b>120</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>123</b>

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида амалий тилшуносликнинг турли соҳалари ривожланиб бормоқда. Матннинг тўлақонли тушуниш уни миллий менталитет ифодаси сифатида талқин этишда социопрагматикага эҳтиёжни туғдиради. Киноқисса жанрига оид асар матнида нутқнинг ижтимоий ихтисослашувини социопрагматик аспектда ўрганиш, нутқий актларда адресант ва адресат муносабатларини очиб бериш, талқин қилиш барча тил ва маданиятларда долзарб аҳамият касб этади.

Дунё замонавий тилшунослигида ижодкорларнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини махсус тадқиқ этиш замонавий тенденциялар қаторига киради. Зеро, ҳар бир халқнинг тили унинг бадиий асарлари орқали ривожланади, асардан асарга томон бойиб боради. Мазкур жараённи тасаввур этиш учун тил тараққиёти учун муҳим бўлган бадиий асарлар лисоний аспектларда ўрганиб борилади. Замонавий ўзбек насрининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган истеъдодли ёзувчи Эркин Аъзам кўплаб киноқиссалар муаллифи сифатида ўзбек халқининг бугун унутилиб бораётган қадриятлари улуғланган, юксак инсоний туйғулар тараннум этилган ноёб асарлари билан ўзбек маънавиятининг бойишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳар қандай бадиий асар матнида лисоний воситаларнинг ўзига хос нутқий воқеланишини кузатиш мумкин, шунингдек, киноқисса ва драматик асарларда новербал воситалар орқали ҳам фикр, туйғу ва муносабат ифодаланади. Эркин Аъзам қиссаларида тасвир ва таъсир ноанъанавийдир. Бу ёзувчининг киноқиссаларини социопрагматик аспектда ўрганиш долзарб эканини кўрсатади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда “давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш вазифаси”<sup>1</sup>нинг белгиланиши ўзбек тилининг интернет тизимидан мустаҳкам ўрин олишига қўмаклашиш билан боғлиқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/4561730>

изланишлар олиб бориш муҳимлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, “...давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш; давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш<sup>2</sup>” бугунги кунда ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб вазифадир. Шу боисдан ҳозирда тилшунослик фанида киноқиссалар тилининг тадқиқи масалаларининг когнитив, социопрагматик, лингвистик қўлланиш меъёрини белгиловчи семантик, матний хусусиятини таҳлил қилиш зарурати пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада риволантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>

йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида бадий матннинг лингвистик таҳлили, хусусан, унга прагматик ёндашувлар сезиларли ривожланди. Ўзбек тилшунослигида ҳам прагмалингвистика, социолингвистика, когнитив тилшунослик каби бир қатор замонавий соҳалар юзага келди. Лисоний ҳодисалар, матн ва унинг таъсири, нутқий актлар, адресант ва адресат, нутқий вазият каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, унинг мулоқот маданиятига таъсири жаҳон ва ўзбек тилшунослари томонидан турли контекстда, асосан, бадий асарлар мисолида ўрганилган<sup>3</sup>, лисоний ҳодисалар лингвостилистик<sup>4</sup>, социолингвистик<sup>5</sup> нуқтаи назардан атрофлича тадқиқ қилинган. Мутахассислар томонидан систем тилшуносликда гап қолипларини белгилашнинг турли усуллари қайд этиб келинаётганлиги маълум. Хусусан, тилшунос Д.Лутфуллаева ўз тадқиқотида ушбу масалага махсус тўхталиб ўтади ва гап қурилиш қолипларининг воқеланиш масаласини текшириш нутқий ҳосиланинг бевосита кузатишда кўзга ташланмайдиган ички табиатини аниқлашга имкон беришини ўринли таъкидлайди<sup>6</sup>. Тилшунос

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 71; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 94; Ҳақимов М. Кўрсатилган тадқиқот иши. – Б. 108; [http://www.myfilology.ru/Zherebilo\\_T\\_V\\_slovar\\_lingvisticheskikh\\_terminov.pdf](http://www.myfilology.ru/Zherebilo_T_V_slovar_lingvisticheskikh_terminov.pdf) Хорижий филология. №4, 2016.

<sup>4</sup> Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонининг тили ва стили: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 1949; Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1969; Шомақсудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Т., 1970; Қўчқортоев И. Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1975; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1979; Абдиев Э. Язык и стиль драм Камила Яшина: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982; Чориев Т. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2001; Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2006; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2000; Қўчқорова М. Абдулла Қаҳҳор адабий-танқидий публицистикасининг мавзувий таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, – № 2. – Б. 52-55.

<sup>5</sup> Мирзаев И.К. Проблем лингвопоэтической интерперетации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Т., 1991; Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. – № 4; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2004; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисан ат-тайр”. – Т., 1982; Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2000.

<sup>6</sup> Лутфуллаева Д. Гапнинг семантик-синтактик қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат (ўзбек тилидаги йўқлик-мавжудлик белгилари асосида зидланувчи гаплар мисолида): Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 7.

олима бу ўринда назарда тутган ҳодисаларидан бири бу, шубҳасиз, бадий асарлар тилининг социопрагматик талқини масаласига ҳам алоқадордир.

Ш.Тошхўжаева Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикасини монографик планда тадқиқ этган<sup>7</sup>. В.Холматова ўз тадқиқотларида “прагматика” тушунчасига, “прагматика” термини, “прагматик маъно”, “прагматик ахборот”, “прагматик вазифа” каби бирикмаларга изоҳ беради<sup>8</sup>. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини масаласини тадқиқ этган М.Ҳакимов нутқий актда умумий ҳолда сўзловчи, тингловчи, нутқ объекти – фактик материал ҳамда нутқий вазият компонентлари иштирок этишини қайд этади<sup>9</sup>. М.Қурбонова болаларга хос нутқий актнинг амал қилиши учун зарур бўлган компонентлар борасида тадқиқотлар олиб борган<sup>10</sup>. Эркин Аъзам киноқиссаларининг тили социопрагматик аспектда таҳлил қилинмаган, тилнинг ижтимоий ихтисослашуви, уни ифода қилувчи лексик-грамматик воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида илмий текшириб кўрилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат хореография академиясининг “Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Эркин Аъзам киноқиссалари матнидаги адресант, адресат ҳамда нутқий вазиятга ижтимоий муҳитнинг таъсирини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон ва ўзбек тилшунослигида насрий асарларнинг социопрагматик ўрганилишини таҳлил қилиш, тадқиқот аспектига кўра таснифлаш;

киноқиссалар тилининг прагматик хусусиятларини аниқлаш;

<sup>7</sup> Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Фарғона, 2017.

<sup>8</sup> Холматова В. Прагматика тушунчасининг талқини ҳақида // Хорижий филология. Самарқанд, 2019. – Б. 45-49.

<sup>9</sup> Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 94.

<sup>10</sup> Қурбонова М. Болаларга хос нутқий акт турларининг прагмалингвистик таҳлили // Хорижий филология. – Самарқанд, 2016. 4-сон. – Б. 96-97.

Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг лингвостилистик хусусиятларини таҳлил қилиш;

Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг прагматик ва социопрагматик хусусиятларини аниқлаш;

киноқиссалар тилининг социопрагматик жиҳатдан ижтимоий ихтисослашуви сабабларини аниқлаш;

киноқиссаларда ўзаро мулоқотнинг тушунарли бўлишини таъминлаш учун тилнинг вербал ва невербал воситаларининг қўлланилиш нисбатини очиб бериш;

киноқиссаларда грамматик маънонинг нутқий воқеланиши, грамматик воситаларнинг социопрагматик муносабатни юзага чиқаришдаги иштирокини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси”, “Пақананинг ошиқ кўнгли”, “Хонадон эгаси”, “Тангрининг тоши” номли киноқиссалари тили олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** киноқиссалар тилида грамматик маънонинг нутқий воқеланиш имкониятлари, грамматик воситаларнинг социопрагматик муносабатни юзага чиқаришдаги ўрни ва тилнинг ижтимоий ихтисослашувида лисоний восита ва имкониятлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий таҳлил, зидлаш, таснифлаш, суҳбат, контекстуал, дистрибутив, структурал ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Эркин Аъзам киноқиссаларида лисоний воситаларнинг бадиий матнлардаги яширин прагматик имкониятлари, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқотга нутқий вазият, нутқий шароитнинг таъсири билан боғлиқ маданий социопрагматик жиҳатлар аниқланган;

киноқиссаларда содда гаплардан, тўлиқсиз, бир бош бўлакли гаплардан, киритмалардан, зарур ўринларда шева элементларидан унумли фойдаланиш



ўзаро мулоқотнинг самарадорлигини таъминлаши, сўзлар, умуман, матн тили ижтимоий жиҳатдан киноқиссага мослашиши далилланган;

от ва отлашган сўзларда сон категорияси, жумладан, кўплик шакли нутқий вазиятларда ундов ва модал сўзлар каби ўз грамматик маъносидан ташқари ижобий ва салбий баҳо муносабатларини ифодалашга хизмат қилиши Эркин Аъзам киноқиссалари мисолида очиб берилган;

киноқиссаларда грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний воситаларнинг қаҳрамон руҳий ҳолати, дунёқараши, ижтимоий ҳолати, воқеликка муносабати, нутқий вазият, замон ва макон таъсирида сўзловчининг ўз ички муносабатларини ифодаловчи морфологик ва синтактик воситалар аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тил лисоний имкониятларидан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда бадиий матннинг социопрагматикасига доир дискурсив асослар шакллантирилган;

нутқ вазиятининг лингвистик хусусиятларидаги ўзгаришлар, сўз тартибининг киноқиссалар матни билан алоқадор услубий-экспрессив ҳодисалари аниқланган;

киноқиссаларда учрайдиган модал маънони ифодаловчи сўзларнинг прагматик муносабатлари аниқланган;

асар матнида юкламаларининг ҳар бири алоҳида лисоний имконият, прагматик муносабатни юзага чиқарувчи қулай восита эканлиги далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган тадқиқот усуллари ва илмий-назарий маълумотларнинг расмий манбаларга алоқадорлиги, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг натижаларидан прагмалингвистика, когнитив тилшунослик ва социопрагматикага доир изланишларда,

шунингдек, грамматика, стилистика, социология, адабиётшуносликка доир илмий тадқиқотлар учун илмий манба бўлиб хизмат қила олиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Эркин Аъзам киноқиссалари тил мисолида амалган оширилган соціопрагматик таҳлиллар олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Матн таҳлили”, “Адабиётшуносликка кириш”, “Таҳлилий ўқиш”; магистратура ихтисосликларида “Соціолингвистика”, “Прагматик тилшунослик”, “Соціопрагматика” каби фанлардан маъруза матнлари тузишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг соціопрагматик аспектда тадқиқи юзасидан эришилган илмий натижалар сирасига:

Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг соціопрагматик хусусиятларини аниқлашда ва уларнинг таҳлилинини ёритиш хулосаларидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ф.ф.н., доцент Г.Ашурова раҳбарлигидаги 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги амалий лойиҳанинг хулосалари ва айрим бобларида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 24 июндаги 01/11-03/03-871-сонли маълумотномаси). Натижада, лисоний воситаларнинг прагматик имкониятлари, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқотга нутқий вазият, нутқий шароитнинг таъсири, вербал ва новербал воситаларнинг прагматик имкониятларини аниқлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Нутқ жараёнида сўзловчи томонидан мулоқот самарали бўлишида новербал воситаларнинг ўрни ҳамда грамматик воситаларнинг прагматик имкониятларидан фойдаланишга оид хулосалардан 2018–2019-йилларда Ўзбекистон давлат хореография академиясида ф.ф.н., профессор Р.Жомонов

раҳбарлигида бажарилган “�збек рақс санъати терминологияси” мавзусидаги ПЗ-20170930188-рақамли тадқиқот лойиҳасида соҳага тегишли терминлар ва уларнинг такомиллашуви, ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги мақомини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 16 июндаги 02-12-10-2952 -сонли маълумотномаси). Натижада, киноқиссаларнинг лингвистик тадқиқи ўзбек тилининг халқаро нуфузини ошириш, прагмалингвистика, социолингвистика, когнитив тилшунослик каби бир қатор замонавий соҳаларни ривожлантиришга доир хулосаларни ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари ва материалларидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ф.ф.д., профессор Л.Раупова раҳбарлигида 2020–2022-йилларда бажарилиши режалаштирилган “Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш” мавзусидаги АМ-ФЗ-201908172-рақамли тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 24 июндаги 01/11-03/03-871-сонли маълумотномаси). Натижада, ўзбек тилининг бугунги сўзлигини қамраб олган электрон дарслик, кўп тилли сўзлашгичлар ва ўзбек тилининг бошқа тилларда эквиваленти бўлмаган, таржима қилинмайдиган лексик birlikлари – миллий-маданий сўзларнинг изоҳи берилган глоссарий, ўзбекча тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантиришга қаратилган аудио ва видеоматериаллар ҳамда мобил илова қамраб олинган мультимедиа маҳсулотлари мажмуасини яратишда фойдаланилган.

Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг социопрагматик хусусиятларини аниқлашда ва уларнинг таҳлилини ёритиш материалларидан Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги томонидан суратга олинаётган кинофильмларнинг сценарийларини тайёрлашда, ҳар қандай мулоқотнинг муваффақияти ижрочи ва тингловчи суҳбатининг ишончлигини таъминлаб беришда намоён бўлувчи ўзига хос хусусиятларига оид илмий хулосалардан 2018-2019-йилларда Ўзбекистон давлат хореография академиясида ф.ф.н.,

профессор Р. Жомонов раҳбарлигида бажарилган “Ўзбек рақс санъати терминологияси” мавзусидаги ПЗ-20170930188-рақамли тадқиқот лойиҳасида, бажарилиши 2020-2022 йилларда Ўзбекистон давлат хореография академиясида ф.ф.н., профессор Р. Жомонов раҳбарлигида амалга оширилаётган “Хореография санъати орқали имконияти чекланган болаларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш” мавзусидаги С-202003161-рақамли тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг 2021 йил 24 июндаги 01-05/08-1033-сонли маълумотномаси). Натижада Киноқиссалар асосида яратилаётган кинофильмларда актёрлар ижросида жест(одат)лари ва манера(тана ҳаракат)лари алоҳида аҳамият касб этиши, ўзаро мулоқот жараёнининг аксарияти новербал воситалар ёрдамида алмашилиши, унинг намоён бўлиши омилларига тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, мазкур тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг “Адабий жараён”, “Она тили сабоқлари”, “Тил зийнати” сингари кўрсатувларида, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларида фойдаланилган (ЎзМТРК. 2020 йил 10 декабрдаги 01-16/141-сонли маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон телерадиоканали ДУК. 2021 йил 8 июндаги 04-25-984-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 3 та республика анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий иш нашр этирилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация

комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, 4 та хорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Умумий ҳажми 134 саҳифани ташкил этади.

# **I БОБ. ЭРКИН АЪЗАМ КИНОҚИССАЛАРИДА НУТҚНИНГ ИЖТИМОЙ ИХТИСОСЛАШУВИ**

## **1.1. Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг прагматик хусусиятлари**

Лингвистик тадқиқотлар тобора ривожланиб, тил ҳодисаларини тадқиқ этишнинг янги соҳалари пайдо бўла бошлади. Когнитив тилшунослик, корпус лингвистикаси, психолингвистика, нейролингвистика, прагматингвистика каби соҳалар бугунги кунда дунё ва ўзбек тилшунослигида жадал суръатларда тараққий этмоқда. Шу ўринда прагматика ва социопрагматикага доир изланишларнинг ҳам дунё миқёсида фаол амалга оширилаётган бир пайтда ўзбек тилшунослигида ушбу йўналишларга нисбатан кам эътибор берилаётганлигини таъкидлаш лозим. Прагматика тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини ўрганувчи соҳаси, яъни муайян белгилар тизимини ўзлаштириб, ундан фойдаланувчи субъектларнинг айти шу белгилар тизимига муносабатини ўрганувчи фан тармоғидир.

Прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида қамраб олувчи нутқ жараёни, муайян алоқа вазияти орқали намоён бўлади. Лингвистик прагматика аниқ шакл, ташқи кўринишга эга эмас; унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувдаги ўзаро муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ кўплаб масалалар киради. Масалан, нутқ субъекти билан боғлиқ ҳолда қуйидаги масалалар ўрганилади: баённинг ошқора ва яширин мақсадлари (бирон-бир ахборот ёки фикрни етказиш, сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, узр сўраш, табриклаш, шикоят ва б.); нутқ тактикаси ҳамда нутқ одоби турлари; суҳбат, сўзлашиш қоидалари; сўзловчининг мақсади; сўзловчи томонидан адресатнинг умумий билим жамғармаси, дунёқараши, қизиқишлари ва бошқа хислатларига баҳо берилиши; сўзловчининг ўзи баён қилаётган хабарга муносабати кабилар. Прагматикада нутқ адресати, ўзаро алоқага

кирувчиларнинг муносабатлари, муайян алоқа вазияти сингари омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳам кўплаб масалалар ўрганилади. Прагматика ғоялари эвристик (йўналтирувчи) дастурлаш, машина таржимаси, ахборот-қидирув тизимлари ва бошқаларни ишлаб чиқишда қўлланилиши билан ҳам бугунги кунда ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Тилшунос Ш.Сафаровнинг таъкидлашига кўра, прагматика америкалик олим Чарльз Пирс томонидан барча билим соҳаларини бирлаштирувчи фан сифатида қаралган семиотика доирасида юзага келган ва ривожланган<sup>11</sup>. Прагматикани семиотиканинг алоҳида соҳаси сифатида қараш ҳақидаги фикрни биринчилардан бўлиб Ч.Моррис маълум қилган. Лисоний белгилар таснифини яратган бу олим семиотикани уч мустақил қисм, яъни лисоний белгиларнинг предметга нисбатан муносабатини ўрганадиган семантика, белгиларнинг бир-бири билан муносабатини тавсифловчи синтактика ҳамда белгиларнинг улардан фойдаланувчи шахсларга бўлган муносабатини ўрганувчи прагматикага ажратишни таклиф қилди<sup>12</sup>. Кейинги йилларда ушбу йўналишлардан семантика ва синтаксис жадал тараққий қилган бўлса, прагматикага эътибор сустроқ бўлганини таъкидлаш лозим. Ўтган асрнинг охири чорагига келибгина прагматика тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида шакллана бошлади.

Илк нашрларда прагмалингвистиканинг объектини аниқлашда бир томонлама ёндашув устувор бўлиб, уларда тил бирликларининг таъсир кўрсатиш имкониятлари олдинги ўринда турган эди. Г. Солганик лисоний воситалар танловини прагматик ҳодиса сифатида қайд этади<sup>13</sup>. Шунингдек, В.Л. Наер нутқий тузилманинг прагматик хусусиятини “сўзловчининг онгли равишда, мақсадли таъсир кўрсатиш истаги”<sup>14</sup>, деб изоҳлайди.

---

<sup>11</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 31.

<sup>12</sup> Арутюнова Н.Д., Падучева Е.В. Истоки, проблемы и категории прагматики // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. – С. 3-47.

<sup>13</sup> Солганик Г.Я., Милых М.К., Вомперский В.П. Стилистика газетных жанров. – М., 1981. – С. 78.

<sup>14</sup> Наер В.Л. Стилистика в терминах теории вербальной коммуникации: (стилистические аспекты вербальной коммуникации). – М.: МПГУ, 2008. – С. 112.

Тил бирликлари воситасида ўқувчига таъсир кўрсатиш механизмлари Т.А. Дейкнинг тадқиқотларида келтирилган. Унинг талқинича, прагматик назариянинг асосий тамойили сўзловчининг тингловчи руҳий ҳолатига таъсир ўтказиши билан боғлиқ. Лекин олим прагматиканинг тор маънода талқин қилинишига қарши бўлган, у прагматика – тилнинг вазиятли кўлланиши тўплами, прагмалингвистика – тил эгасига нутқий тузилмалар каторини маълум контекст билан боғлаш имконини берадиган қодалар тизимини қолиплаштириш эканини таъкидлаган<sup>15</sup>. Ван Джейк, шунингдек, прагматикани социолингвистика ва психолингвистикадан фарқлаш лозимлигини ҳам тушунтириб беради. Бундан ташқари, тавсифий прагматикада тилдан фойдаланишнинг амалий қодалари шакллантирилса, назарий, “мавҳум” прагматикада эса кузатувлар асосида умумий категориялар ажратилиб, уларнинг ўзаро алоқаси ўрганилади.

Таъкидлаш лозимки, “Синтаксис ва семантика” сериясининг 3–9-жилдлари мазкур масалага бағишланган. Ж.Остин, Ж.Сёрль<sup>16</sup>, Ж.Саддок, Х.Грайс, Д.Вандервекин, В.В.Богданов, И.В.Кобозева каби кўплаб олимларнинг ишларида нутқий акт назариясининг асосий тамойиллари атрофлича баён қилинган<sup>17</sup>.

Сўзнинг номланаётган нарса-ҳодиса билан боғлиқ бўлмаган қўшимча маъноси прагматикага тегишлидир. Нутқий актлар масаласида, матн тилшунослигида бўлгани каби, матн мазмуни ва берилаётган ахборот мазмунининг қайси қисми доимийлигини ёки муаллиф мақсадига боғлиқ ҳолда шаклланганлигини ажратиш осон эмас. Ҳар ҳолда, муаллиф мақсадининг нутқий тузилмада воқеланиши семантиканинг иштирокисиз кечмайди. Шу сабаб, семантика ва прагматикани “объектив мавжудлик – муаллиф томонидан киритилганлик” қарама-қаршилигида фарқлаш

---

<sup>15</sup> Dijk T.A. Van Discourse and manipulation // Discourse and society. - L., 2006. - Vol. 17, N 2. - P. 359-383.

<sup>16</sup> Сёрль Дж.Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17: Теория речевых актов. – М., 1986. – С. 88-89.

<sup>17</sup> Демьянков В.З. Доминирующие лингвистические теории в конце XX века // Язык и наука конца XX века. – М., 1995. – С. 239-320.



мураккаблашиб боради. Натижада, мазкур масала билан қизиққанларнинг хулосалари хилма-хил кўринишда бўлади. Ван Дейк, Г.Камп, А.Кашер, Г.Г.Почепцев, В.В.Богданов кабилар нутқий актлар назариясини прагматика соҳасига тегишли деб ҳисоблайди. Айримлар семантика ва прагматикани нутқий формулалар қўлланишининг доимийлиги ёки фавқулодда эканлигига нисбатан чегаралаш йўлини излайди. Бу эса нутқий актларнинг муайян турларга бўлинишини келтириб чиқаради. Шунингдек, прагматикани кенг маънода англаш лозимлиги, у тилшуносликнинг семантика ва синтаксис соҳаларида ўрганиладиган масалаларни ҳам қамраб олиши ва ўзига хос умумлаштирувчи йўналиш вазифасини ўташи, шунга нисбатан, прагматик назария сўзловчи ва тингловчининг гап ёки матн пропозициясини бир хилда қабул қилишини эътиборга олиши ҳам таъкидланган<sup>18</sup>.

Тадқиқотчи В.Холматованинг прагматика тушунчасига доир қарашлари, таҳлил ва талқинлари эътиборга лойиқ. Дарҳақиқат, тилнинг жамиятда бажарадиган муҳим вазифаларидан бири – мулоқот воситаси ролини ўташдир. Прагматик билим, ўз навбатида, инсон фаолияти давомида тўпланган тажриба натижасидир, ахборот алмашинуви жараёнида ушбу билим лисоний воқеланади ва шу йўсинда онгда сақланади<sup>19</sup>. Лекин ҳар бир алоҳида нутқий мулоқот пайтида лисоний белги янгича мазмун ифодалай олиши мумкин. Прагматикага оид муаммолар ҳозирги пайтда бошқа соҳаларга тегишли ишларда ҳам муҳокама қилинмоқда.

Лингвосоциопсихология соҳаси вакиллари прагматикани икки йўналишда, яъни матн – муаллиф ва матн – адресат муносабатларида тавсифлашни маъқул кўрадилар. Натижада, ахборотни узатувчи ҳамда ахборотни қабул қилувчи прагматикалари фарқланмоқда. Улардан биринчиси “статик” характерга эга, чунки матн фақат биргина талқинга, яъни муаллиф талқинига эга, адресат талқини эса, аксинча, динамик характердадир, зеро “матнни қабул қилувчилар сонига қараб, талқинлар ҳам

---

<sup>18</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 39.

<sup>19</sup> Холматова В. Прагматика тушунчасининг талқини ҳақида // Хорижий филология. – Самарқанд, 2019. – Б. 45-49.

давомсиз бўлиши кутилган ҳол”<sup>20</sup>. Муаллифларнинг эътирофича, матн сатҳида бу масала муҳим бўлмасдан, балки уларнинг фаоллашуви ўзаро боғлиқликда кечади.

Прагматиканинг узатилиши ва қабул қилинишига нисбатан тақсимооти турли йўналишдаги тадқиқотларни умумий соҳа атрофида бириктиришга имкон яратади. Ч.Моррис берган таърифдаёқ прагматиканинг социолингвистика ва психолингвистикадан узоқ турмаслиги аён бўлган эди. Чунки инсонга таъсир кўрсатишнинг лисоний механизмлари тадқиқи бу йўналишларнинг барчаси учун бирдек хосдир. Уларнинг барчаси ягона бир прагматик муносабатнинг турли жиҳатларини ўрганади. Матннинг прагматик имкониятларини билиш, ўз навбатида, бошқа мундарижадаги прагматикани, яъни ахборот ёки хабар прагматикасини юзага келтиради. Мазкур йўналишда, биринчидан, тадқиқ объекти матн бўлиб, тил бирликларининг матнда қўлланишида ҳосил бўладиган маъно хусусиятлари таҳлил қилинади. Албатта, бу матн прагматик хусусиятлари ва алоҳида луғавий бирликлар прагматик имкониятларнинг бир хил талқин қилинишига олиб келмаслиги керак. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам таҳлил методлари умумий бўлиши мумкин.

Прагматикага оид тадқиқотларда асосий таҳлил бирлиги тўлиқ шаклланган матн ёки бошқа турдаги нутқий, дискурсив тузилмалар бўлади. Зеро, лисоний бирликларнинг прагматик имкониятлари фақат уларнинг матн, дискурс шароитида фаоллашувида намоён бўлади. Маънонинг контекстдан ташқаридаги ҳар қандай таҳлили тўлиқ эмас ва лисоний бирликнинг туб моҳиятини аниқлашни қийинлаштиради.

В. Холматова прагматика тушунчаси ҳақидаги мақоласида тил бирликлари воситасида бажариладиган таъсир ҳақида гап кетганида тадқиқотчилар “прагматика” терминиға мурожаат қилишга одатланганлигини ва “прагматик маъно”, “прагматик ахборот”, “прагматик вазифа” каби бирикмалар орқали ифодаланаётган бу тушунчага изоҳ

---

<sup>20</sup> Дридзе Т.М. Язык и социальная психология. – М.: Высшая школа, 1980. – С. 224.

беришни ҳам ҳеч ким ўйлаб ўтирмаслигини таъкидлайди<sup>21</sup>. Прагматика тушунчаси, одатда, таъсир кўрсатиш имконияти билан боғлиқ ҳолда қаралиб, мулоқот шароитида юзага келадиган мазмун орқали англашилади. Шунга биноан, прагматиканинг тил ва унинг алоҳида бирликларининг, нутқий тузилмаларнинг адресатга таъсир ўтказиш хусусияти сифатини талқин қилиш мақсадга мувофиқ.

Ёзувчи Эркин Аъзамнинг киноқисса жанрига оид асарлари матнини социопрагматик таҳлил қилиш орқали муаллифнинг ўқувчига таъсир кучини аниқлаб олиш имкони пайдо бўлади. Асардаги нутқий актлар таҳлили қаҳрамонларнинг сўз билан ифодалаб бўлмайдиган хусусиятларини, унинг инсонга кўз илғамас даражадаги таъсирини намоён қилади. Мазкур замонавий таҳлил йўли орқали асарларнинг бадий қимматини, лисоний воситаларнинг кенг имкониятларини ҳам теранроқ англаш имконияти пайдо бўлади.

Муаллифнинг “Анойининг жайдари олмаси” қиссаси киноасар бўлгани боис ундаги нутқий актлар, матнлар шунга ихтисослашган. Масалан, мазкур киноқиссанинг бошланишини кузатамиз: *// У ҳар йили худди бир пайтда – ердан қор кетиб, тентак шамоллар эса бошлаган кўклам кунларида келарди; шамолларга қўшилиб, шамолдек тўполон билан кириб келарди. Тўсатдан. Елкасида – ҳа, қўлида эмас, елкасида – икки тарафига ҳам “Барнаул” деб ёзилган пачоқ чамадон, чап кўзини қисинқираганча қаршингизда беўхшов тиржайи-иб туради. Сўнг, чамадонини кераксиз буюмдек бир четга улоқтиради-да, қулочларини кенг ёзиб, болалигингизни ёдга соладиган, болалигингиздек шўх, болалигингиздек беғам овозда ҳайқиради:*

*– Чантриморэ-э!!<sup>22</sup> (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).*

Муаллиф матн киноқисса жанрига мансублигидан келиб чиқиб ўқувчидан ташқари, томошабин кузатувчини ҳам, кинорежиссёрни ҳам эсдан чиқармайди, ўқувчи ўқиб, ўзига керакли таассуротни олаверади, томошабинни ишонтириш учун кинорежиссёр ва уни ижро этувчилар ҳам

---

<sup>21</sup> Холматова В. Прагматика тушунчасининг талқини ҳақида // Хорижий филология. – Самарқанд, 2019. – Б. 45-49.

<sup>22</sup> Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Т., 2001. – Б. 69.

теран, аниқ ва тиниқ англашларига имкон берадиган ифода зарурлигини муаллиф диққат марказида ушлаб туради. “... *Елкасида – ҳа, қўлида эмас, елкасида – икки тарафига ҳам “Барнаул” деб ёзилган пачоқ чамадон, чап кўзини қисинқираганча қаршингизда беўхшов тиржайи-иб туради.*” (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*) ифодаси фикримизни далиллайди. Асар қаҳрамонини нафақат ташқи кўриниши, балки бор ички олами билан кўз олдингизда ёрқин гавдалантира олади. Бу ҳолатнинг роман ёки оддий қиссадаги матндан анча фарқ қилиши аниқ.

*“Сиз эса – уни кўрганингиз заҳоти гам босиб, ташвишга чўмасиз: хайр энди, осуда кунларим! У ҳали шундай гала-говурга кўмиб юборадик! Бироқ айни дамда, ҳар иккалангиз учун қадрли, шартли бу галати таомилни бузишга ҳаққингиз йўқ.*

*– Каламакаторэ, – дейсиз истар-истамас. – Яна келдингми? Яна ўқишгами?*

*– Сенгинанинг жонгинангга тегушга! – дейди у ва баттар гашингизни кўзгамоқчидек, белингиздан маҳкам кўтаради, айлантиради. – Ҳа, жўрамдан-да, жўражонимдан-да!”* (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*.) Муаллиф матн орқали адресатга қаҳрамонга кўшиб унинг атрофидаги оламни ҳам тилнинг ифода имкониятларидан усталик билан фойдаланиб ёрқин тасвирлаб беради. Айрим насрий матнларда маълумот – ахборот, воқелик муҳим ҳисобланади. Муаллиф мақсади, унинг ўқувчига таъсир кучи маълум муддатдан сўнг, баъзан асар сўнгида ойдинлашади. Киноқиссада эса барчаси параллел олиб борилиши керак: *“Уйга кирилгач, эгасидек бетайин – қулфланса, очилмайдиган, очилса, қулфланмайдиган антиқа чамадон минг бир амал-тақал билан очилади. Хона кузаки олмаларнинг ҳидига бурканади. Бир ёғи қирмизи, бир ёғи хол-хол, бандининг туби қизил қумга тўлган олмалар; кўримсиз, жайдари олмалар. Болалигингиз олмалари, болалигингиз ҳидлари. Бошингиз айланиб кетади. Кўп нарса бирдан эсингизга тушади, энтикасиз.”* (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Мана бу тасвир ҳам ўқувчига кўришиб турган воқеликни, энг муҳими, бош қаҳрамоннинг инсонийлик қиёфаларини

намоён қилади. Қуйидаги мисолда муаллиф адресатга ўзбек бўлмаган кишилар англай олмайдиган, ўзбекона менталитетни намоён этувчи сахна тасвирини тил бирликлари орқали чизиб беради: *“Шу тобда уни қучоқлаб олгингиз, “Жўражон!” дегингиз келади. Аммо, нимадир – бояги гашиликми, гурурми йўл бермайди, ижирганиб сўрайсиз:*

*– Нимага келдинг, Рамазон? Барибир киролмайсан-ку?!*

*– Кирсам-чи? – дейди у яна чап кўзини қисинқираганча тиржайиб. – Кирсам-чи?*

*– Киролмайсан! Худога ҳам, бандасига ҳам аён!*

*– Майли, жўра, буям бир гап-да. Мана, сен ўқияпсан-ку, бўлади-да менга шу.” (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).* Ёзувчи Рамазон содда, беғубор, самимий, оқкўнгил, даллиғули йигит эди, деб таърифлаб қўйса ҳам бўларди. Бу ўқувчига маълумот сифатида етарли бўлар эди. Бироқ муаллиф адресатга куруқ хабарни эмас, оддий одатий суҳбатни ўз ўрнида мақсадли қилиб усталик билан келтирмоқдаки, ўқувчи матнда ёзилмаган маълумот ва ҳиссиётларни дарҳол англайди. Рамазоннинг: *“– Майли, жўра, буям бир гап-да. Мана, сен ўқияпсан-ку, бўлади-да менга шу”* деганининг ўзи барчасини ифода этади.

Ёки кейинги матнни кўздан кечирамиз: *“Қўй-э, манави олмаларга қарасанг-чи! Бунақаси Боғи Эрамда ҳам битмайди! – Сўнгра у чамадонини титкилаб, ўн қават дагал қозоғга ўралган алланимани чиқаради: – Мана буни энанг бериб юборди, сузма-чакки. “Чалоб қилиб ичсин, чанқоғи босилади, – деди. – Шаҳарлик қизларди кетидан югуравериб томоққиналари қақраб кетгандир болагинамнинг”, деди.” (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).* Муаллиф ўқувчига ўзбек оналари жуда меҳрибон, фарзандлари ҳақида доим қайғуриб юради ёки онаси ўғлига дўстидан чакки бериб юборибди, деб тасвир баёнини келтириш йўлидан бормасдан, кўриниб турганидек, жўнгина қилиб жайдари дўстининг тилидан тушунарли қилиб ифодалади-қўйди. Тўғри, матнда она фарзанди фойдали ёки фойдасиз ишлар билан машғул бўлиб юрса

хам, барибир ташвиш чекади, фарзанди ҳақида тинмай қайғуради деб айнан ёзилмайди, лекин матндан бу ҳолат англашилади.

Муаллиф Рамазоннинг тилидан оммабоп нутқ шаклида айрим маъумотларнинг худди радиодан айтилаётгандек қилиб ифодалайди. Бу – матннинг коммуникативлик қийматини янада оширишга хизмат қилади. Матнда киритма гаплар, изоҳловчилар ва ажратилган гап бўлақларидан маҳорат билан фойдаланилади: *“Ашур кал эскилик сарқити сифатида носдан воз кечиб, замонавийликка интилиб сигаретга ўтибди (“Кошки фойдаси бўлса, телпакни ташлаб, ишпа кийганида ҳам барибир ҳаммага маълум: боши ялтироқ кал!”); ўзининг бобоси кўкнорнинг кайфида момоси билан гижиллашиб, аммасининг чорбоғига кўчиб кетибди (“Мени бошқа нарса ўйлантиради. Уккагар бобонинг бир сандиқчаси бор. Бошининг остига қўйиб ётарди доим. Гап кўп-да унда. Олиб кетди! Ўшандан умид катта эди.”); Эсонбердиев, ўша гўддайдан “Эсонбердиев-ҳукумат”, Бойсун тарихидаги баттол милиса, истеъфога чиққач, Қўрғончадаги нафаси ўткир мулладан бир ой эскича сабоқ олиб, дастор ўраб қайтибди, ҳозир хатми қуръону чилёсингача усиз ўтмас эмиш (“Бир куни худойига кетаётиб, бошида салла, қўлида асо, милисахона олдидан ўтганда честь бериб юборибди”)...” (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).*

Муаллиф қуйидаги матнда адресатга асар қаҳрамонларининг ўзига хос эътиқоди борлиги, эшитган-билганларини англаши, урф-одатларга риоя этиш ҳақидаги тасаввурларини уқтирмоқчи бўлган бўлиши мумкин: *“Рамазоннинг ҳангамаларини тингларкансиз, Бойсун оралаб юргандек, ажабтовур одамлар тўдасига кириб қолгандек бўласиз.*

*– Тур энди, кўча айланайлик, – дейди у “янгиликлари”ни айтиб тугатгач. – Сени би-ир лағмонга тўйдирай, тўрт тийинлик “думба-жигар” сомсадан еявериб ошқозонинг калла-почага тўлиб кетгандир. Менга қара, тўрт тийин-тўрт тийин йигиб, шу сомсачига бир ҳайкал қўйсаларинг-чи, а? Маслаҳат-да буюм. Бешёгонинг ў-ўртасига! Татиган тузингга товон-да.” (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси.)* Айнан нон-туз ҳурмати мазмуни халқнинг ҳали

Ўқишга “кирмаган” оддий, жайдари бир вакили тилидан, яна оддий жумла орқали эмас, халқ мулкига айланган мақол орқали баён қилинади. Инсон тафаккури, ҳаёт тарзи келажак умидлари, ҳаётдан мақсади муаллифлар томонидан адресат – ўқувчи – тингловчи – томошабинга турлича талқинда етказиб берилади. Эркин Аъзам ўз киноқиссаларида у билан мулоқотга киришувчига – ўқувчига бироз киноя, бироз ҳазил аралаш айтмоқчи, англамоқчи бўлганларини ифодалаб бераверади: *“Рамазон туриши-турмуши билан шаҳарга ярашмайди, шаҳарга сизмайди. Унга қўшилиб кўчага чиққани ҳам уяласиз. Юрган йўлида лакалов қилиқлар қилиб, ҳаммани ўзига қаратиб, шангиллаганча алланималарни вайсаб кетаверади. Лугати ҳам антиқа: трамвайни “уч тийинлик” дейди, таксини – “пулютар”, ресторани – “регистрон”.*” (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Мазкур матндаги ифодалар, сўзларнинг жайдари изоҳи Рамазоннинг ички олами, тасаввурини яққол тасвирлашга хизмат қилдирилади. Бу ўринда ҳам муаллиф ўқувчиларига Рамазон ресторан сўзини айтолмасди деб таърифлаб ўтирмайди. Аслида, таксининг пулютар эканлиги Рамазон ва унга ўхшаганларнинг таърифи, бу транспорт ўзига тўқ, айрим жамиятнинг интеллегент кишилари учун қулай, жуда маъқул улов бўлиши мумкин.

Матн муаллифи ўз қаҳрамонининг нақадар содда эканлигини турли сифатлар, бежирим жумлалар билан ҳам бунчалик тиниқ ифодалай олмаслиги мумкин эди. Мана бу тасвир ниҳоятда ҳаяжонли ва ўқувчига тез таъсир кўрсата олади: *“Худо денг, йўлда суратхона учрамасин – тилла топган тентакдек қичқириб юборади у:*

– *Ана-а!.. Юр, жўражон, бир портретга тушайлик!*

– *Портретни нима қиласан?*

– *Эсдаликка-да. Бир куни катта одам бўлиб, бурнинг кўтарилиб кетса, “Мана, икковимиз жўра эдик”, деб ўзингга кўрсатаман.*

– *Кўрсатсанг нима бўлади?*

– *Уялиб, бурнинг яна... жойига тушади.*” (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Матн жуда таъсирли, мулоҳазакор ва ибрат бўларли мазмунга эга.

Шу ўринда айтилган “Эсдаликка-да. Бир куни катта одам бўлиб, бурнинг кўтарилиб кетса, “Мана, икковимиз жўра эдик”, деб ўзингга кўрсатаман.” жумласи инсоннинг келажакдаги орзу-умидлари, бироз ишончсизлик кайфияти, қачонлардир дўстида ҳозирги муносабатларни унутиб юборишга мойиллиги борлигига ишора қилмоқда. Асар матнида муаллиф ҳар бир инсоннинг ўз қарашлари бошқалар учун арзимас бўлиб кўринса-да, ўз орзу-умидлари борлигини, интилишларини тасвирлайди: “ – Хўш, қандай турмоқчилар суратда?

*Рамазон кўчанинг ўртасида томоша ясаб, завқ билан тушунтира бошлайди:*

*– Сен ўтирасан, тўғрига қараб. Мен тепангда тик тураман, мана бундай. Ўнг қўлим сенинг елкангда, кўзим чап билагимдаги соатда бўлади. Икки жўра! Қалай, зўр-а?*

*– Кўйсанг-чи, – дейман, уйлариинг тўрига осизлиқ – отаси қуролдош оғайниси билан худди шундай ҳолатда тушган сурат кўз олдимга келиб. – Бобом замонидан қолган поза-ку бу!” (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).*

Мазкур матннинг прагматик хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, ёзувчи – Эркин Аъзам ўз ўқувчисига – адресатга асар қаҳрамони Рамазоннинг тўпори, кўнглида кири йўқ, ҳали қишлоққа хос соддаликлари тарк этмаган бир жайдариликни мазкур диологлар орқали ифодалаб бермоқда. Муаллифнинг ўқувчига айтмоқчи бўлган гаплари асосан, матн ортида жойлашади.



## 1.2. Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг грамматик жиҳатдан ўзига хослиги

Тилнинг тараққиёти халқнинг шоир ёки ёзувчи-ижодкорлари, олимлари саъй-ҳаракатларига бевосита боғлиқ. Тадқиқотчилар тилнинг назарий асослари билан шуғулланишса, ижодкорлар ундан фойдаланиш мобайнида янгича ифода усуллари, шунингдек, айрим воситаларни яратишга ҳам муваффақ бўлади. Ҳар бир ижодкор тилдан ўзига хос тарзда фойдаланади. Хусусан, ёзувчи Эркин Аъзамнинг ҳам ўзига хос ёндашуви бор. Бунинг амалдаги ифодасини “Анойининг жайдари олмаси”, “Хонадон эгаси” асарлари адабий сценарийсини таҳлил қилиш орқали кузатишимиз мумкин. “Анойининг жайдари олмаси” киноқиссасида шундай ўринлар бор: *“Нонуштадан кейин мен ўқишга жўнайман, Рамазон кўча айлангани чиқади. Гоҳо шу бўйи уч-тўрт кун бедарак кетади. Бир куни дарсдан келсам – мушшайганча қотган нон кавшаб ўтирган бўлади.*

– *Қаёқда эдинг?*

– *Э, юрибмиз-да.*

*Сўнг, ўтириб-ўтириб Барнаулга жўнамоқчи бўлади, алдаб-сулдаб йўлдан қайтараман.*

– *Нима қилай бўлмаса, жўражон, айт?*

– *Уйга жўна.*

– *Қандай кетаман?*

– *Қандай кетардинг – билет оласану поездга чиқасан.*

– *Текин билет керак-да менга.*

– *Ие, пулинг кўп эди-ку?*

– *Энди йўқ-да, жўражон, нима қилай?” (Эркин Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).*

Аввало, Эркин Аъзамнинг тилдан фойдаланишдаги энг муҳим ўзига хос жиҳати бу – унинг содда гап турларидан самарали фойдаланиш маҳоратида. Айрим ижодкорлар бадиий асарда узундан узоқ бир неча эргаш гапли

мураккаб кўшма гапларни қўллайди, натижада фикр чалғийди. Эркин Аъзам содда гаплардан унумли ва мақсадли фойдалана олади:

*“ – Акангнинг сафари қариди, жўражон!*

*– Кетганинг рост бўлсин! Энди келиб овора бўлиб юрма!*

*– Келаси баҳор кутаверасан!*

*Ана шундай бизнинг Рамазон!” (Анойининг жайдари олмаси).*

Матнда асар қаҳрамонларининг асли яшаш худудини кўрсатиш мақсадида уларнинг нутқида айрим шева элементлари ҳам сақлаб қолинади:”*Рамазоннинг жўраси эканим – гўллим, соддалигим башарамга битилган шекилли, терговчи – сарғишдан келган, кўккўз киши мени кутилмаган дағдага билан қарши олди:*

*– Сизни қамоққа оламиз, огайни!*

*Кўз олдим қоронгилашиб кетди. Ишга кирганимга бир йил ҳам тўлгани йўқ, Малика билан тўйимиз ўтган ёзда бўлган, у ҳозир уйда ўтирибди – ўғилми, қизми кутяпмиз. Шундай бир пайтда... Нега? Нима сабабдан?” (Анойининг жайдари олмаси).* Адабий тилда, бадий асарлар матнида асосан, “дўст” сўзи қўлланилади, бироқ муаллиф атайлаб бу сўзнинг “жўра” синонимини ишлатмоқда. Бу ҳам алоҳида услубий маъно касб этмоқда.

Эркин Аъзам бир бош бўлакли содда гаплардан кўп фойдаланади. Бу ўзбек тили нутқ табиатиган мос ҳолатдир. Бошқа флектив тилларда эга мавжуд бўлмаса, кесимнинг ўзи гапни ташкил қила олмайди. Ўзбек тилида эса кесимнинг ўзи гапни ташкил қилаверади, нутқ вазиятига кўра фикр ифодалай олади: *“Дастлабки терговнинг кўрсатишича, қочган чайқовчи – ишибоши. Ўша мен эмишман!*

*– Ким айтди, ким? Исботланг! – дея жойимдан туриб кетдим.*

*– Ким айтарди, шеригингиз – Ҳайдаров!*

*Лаънати Рамазон! Ўзинг тушган чоҳга мени ҳам тортмоқчи бўлибсан-да? Номард, чайқовчи!*

– **Чақиринг! Юзлаштиринг!** – Шоша-пиша ёнимни кавлаб, хизмат гувоҳномамни терговчининг олдига отдим: – Мана, **кўринг!**” (Анойининг жайдари олмаси).

Матннинг ўқувчига тушунарли ва таъсирчан бўлиши матннинг морфологияси билан ҳам бевосита боғлиқ. Муаллиф асар матнида бу вазиятда нисбатан олмошлардан кўпроқ фойдалангани кузатилди: “**Терговчи унга анчайин бир кўз ташлади-ю қайтиб қўлимга тутқазди, синовчан тикилиб сўради:**

– *Огайнингиз аввал ҳам чайқовчилик билан шуғулланармиди?*

**Шунда** *огзимдан чиққан гап учун ўзимни ҳеч қачон кечирмасам керак:*

– *Шуғулланган бўлса бордир, мен қаёқдан билай? У огайним эмас, шунчаки ҳамқишлоқ, ҳамшаҳармиз.*

– **Шунақами? У сизни** *огайним, яқин огайним, деди-ку?! Ҳозир олиб келсам, огайним эмассан, деб юзига айта оласизми?”* Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, ажратиб кўрсатилган сўзлар олмош сўз туркумига мансуб бўлиб, ўзига хос маъно ва вазифа бажаришга хизмат қилган. Сўз туркумларининг қўлланилиш частотаси, бизнингча, нутқ вазияти ва фикр мавзуси билан бевосита боғлиқ бўлади.

Диологик нутқ акс этган матнларда олмошларнинг нисбатан кўпроқ ишлатилиши табиий, масалан:

“ – *Бўпти, сизга рухсат, – деди терговчи чақирув қоғозига имзо чекиб бераркан, совуққина бир оҳангда. – Иложи бўлса, уйдагиларга хабар қилиб қўйсангиз – келаси жумада суд. Ҳа, шошманг. У сиз ҳақингизда ҳеч нима дегани йўқ. “Огайним бўлади, икки кеча уйда ётдим”, деди, холос. Мен терговчига анқайиб қарадим.*” (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).

Сўзловчининг ўз фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари ифодаланган матнларда олмош сўзлар деярли иштирок этмайди: *Ота кўрган одамига нуқул бир гапни такрорлайди:*

– *Тўйдан қочиб келиб эди. Тоғасининг қизига кўнгли йўқми, тўйдан гап очдингиз – ўқишни баҳона қилиб, Тошкандга жўнайди. Армиядан қайтганидан*

бери **шу** аҳвол. У ёқда энаси оғир ётибди, “Улимнинг мавридгинасини кўрмай кетадиган бўлдим-да”, деб чирқиллагани чирқиллаган. Бозор бормоқ туғул оғзидагини элаб ютолмайдиган боланинг **бу** ишини қаранг энди! (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).

Киноқисса жанрига мансуб асарлар, айниқса, Эркин Аъзам қиссалари матнида юкламалардан модал муносабатларни ифодалашда усталик билан фойдаланилади:

*Тажангроқ аканинг баттар тажанглиги тутади:*

– Шунингизни ўзи бошдан эркалатиб юбордингиз-да, ота! Оёғига кишан уриб бўлса **ҳам**, тўйни бошлаш керак эди. Бу муттаҳамга нима етишимасдики, бизни бундай шарманда қилиб ўтирибди!

*Ота туриб-туриб мендан нолий кетди:*

– А, жиянжон-а, сиз-ку ўқиган, эслироқ эдингиз, жўрангизни йўлдан қайтармабсиз-да! Нима касофат урдик... Ажратиб кўрсатилган тил бирликларидан англашилиб турибдики, демак, суҳбат тарзидаги нутқий вазиятларда юкламаларнинг фаол қўлланилиши алоҳида прагматик мазмуннинг таъминланишига хизмат қилади.

Тавсифий-тасвирий матнларда эса сифат сўз туркумига доир сўзларнинг кенг ва фаол ишлатилиши ҳам ўзига хос прагматик мақсадга эришувнинг муҳим омили саналади.

*Судья – кўзойнак таққан, ўрта ёшлардаги барваста аёл – йигирма йил шу соҳада ишлаб, бундай антиқа судни ҳам, бунақа галати судланувчини ҳам кўрмаган бўлса керак ... Сочи тап-тақир олинган, эғнида – ётган жойидаги аллакимнинг ола-була, ёқаси очик бачкана кўйлаги, қўлларини орқага қилганча бурчакда алланечук кулгили тарзда қўққайиб турибди. Кузатилганидек, тавсифий характердаги матнларда муаллиф матн орқали адресатга ўз қаҳрамонининг ички ва ташқи сифатларини белги билдирувчи сўзларни ўз ўрнида мақсадга мувофиқ тарзда қўллай олиш орқали табиий ва таъсирчан тасвирлаб беришга эришган.*

Кузатувимизни Эркин Аъзамнинг “Хонадон эгаси” киноқиссаси матни доирасида давом эттирамиз. Хусусан, тасвирий матн орқали ўқувчини вазият, шароит билан яқиндан таништириш кўзланган нутқ парчасига эътибор қаратамиз: ... **Каттакон серҳашам** хонанинг тўрини эгаллаган шифт баробар шкаф-сервант. **Ялтироқ** буюмлар, идиш-товоқ, чойнак-пиёла. Алоҳида тоқчага зич қилиб китоб ҳам териб қўйилган...; ...кейин шундай қўл кўпайиб кетади: эркак кишининг **бақувват** чангали, **кекса** одамнинг **серажин**, **қалтироқ** қўли, **нозик заифона** бармоқлар, **ёш** боланинг **чалчўндек** панжалари... Мазкур матн ҳам тавсифий характерда бўлгани сабабли, юқорида таъкидланганидек, сифат сўз туркумига доир сўзлар фаолроқ бўлади. Бу эса ўқувчи – адресатга аниқроқ тасаввур бериш имкониятини яратади.

Киноқиссаларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда тавсиф ва тасвирийлик анча устун бўлади. Бу каби ҳолатларда ёзувчининг аниқловчи ва изоҳловчи сўзларга мурожаат қилиши талаб қилинади. Рассом чизмоқчи бўлган манзарасига рангларни танлаб олгани каби бадиий матн муаллифи ҳам шу нутқий вазият, шу нутқий актга монанд тил бирликларни танлайди, тафаккурда уларни саралайди, қайси сўз қайси нозик маънони англата олишини чамалайди, ниҳоят, коммуникатив мақсадга мувофиқ жумла тузади. Натижада асар муваффақиятли чиқса, ўқувчи ундан таъсирланади, керакли хулосаларни чиқара олади, мулоҳаза қилади. Ўқувчи мулоҳаза, мушоҳада қилиши учун у тасаввур қила олиши керак. Киноқиссалар адресатга худди шу имкониятни яратиб беради, бу ўринда ўқувчи сўзи кенг маънода тушунилиши керак, матнни ўқувчи мактаб ўқувчиси бўлиши, умуман, китоб ўқувчи, режиссёр ёки ролни ижро этувчи актёр бўлиши мумкин, шунинг учун сўзловчига, ёзувчига осон бўлмайди, асар муваффақиятли чиқиши учун мазкур адресатларнинг ҳаммасини назарда тутиши, уларга тушунарли бўладиган тил воситаларини қўллаши, муҳим нутқий актларни ярата олиши лозим бўлади.

Матнларда турли туркум сўзларининг фаол ва ўз ўрнида қўлланилиши ҳам алоҳида коммуникатив ва прагматик мақсадларнинг таъминланишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, аниқловчи вазифасида деярли барча мустақил сўз туркумлари кела олади, бироқ қайси бири қайси ҳолатларда таъсирчан ифодани таъминлаши мавҳум. Шу ўринда қуйидаги матнга диққат қиламиз: *Бир тарафи – ажабтовур ромли-панжарали замонавий қўшқават иморат, бир тарафида одмироқ, аммо дид билан тикланмиш уйлар қад ростлаган ободгина ҳовли. Ўртада сершоҳ, сермева олма дарахти соя солиб турибди. Унинг тагида панжаралари нақшин, санъаткорона ишланган баҳайбат ёғоч чорпоя; хонтахтаси бир ёнга сурилиб, устига кўрна-ёстиқ ташлаб қўйилган. Сўри четидаги супрасимон тўшамада бир қучоқ қамишу толчивиқ, катта-кичик қайчилар, аллақандай бўёқ идишлари, чўткалар қалашиб ётибди. Чеккароқда тайёр маҳсулот – мева-чева солинадиган бежиримгина сават-саватчалар. Ажратиб кўрсатилган сўзлар, таъкидлангани каби, сифат сўз туркумига мансуб бўлиб, биргина ўринда ҳаракат белгисини ифодаловчи равиш сўз иштирок этмоқда. Мисолдан аёнки, хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар тавсифий матнларда кўпроқ қатнашиши ва узатилаётган ахборотнинг таъсирли бўлишини таъминлаб бериши табиий.*

Муаллиф тасвирий мақсаддан бошқасига ўтганда сўз туркумларининг нутқда иштирок этиш кўлами, частотаси ҳам ўзгариб боради: *Сўрига яқин жойдаги ногиронлар аравачасида қийшайиб ўтирган майкачан, бошланг киши – уста Зухриддин, тиззасида пешбанд, қаншарига “сиртмоқли” кўзойнак қўндириб олиб, чандастлик билан сават тўқимоқда.*

*Сўри қиргогидаги кўҳна транзистордан қадимий бир наво таралади, ҳозирча бизга яширин бассейн тарафдан эса сувнинг шалоп-шулупи, болаларнинг шовқин-сурони эшитилади. Мазкур матнда ҳолатни ифодаловчи тил бирликларининг фаоллашгани кўзга ташланади. Муаллиф транзисторга нисбатан атайлаб кўҳна сифатини қўлламоқда. Агар эски транзистор дея*

таърифлаганда матннинг таъсирчанлиги, нутқий вазиятнинг ифодаси муайян даражада ўзгарар эди.

Шу ўринда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқот жараёнида тил бирликларининг иштирокини мисоллар орқали таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз: *Ш е р з о д. Бува, бува! Бунингиз чўмилгани қўймайпти. “Бассейн бизларники, биринчи бўлиб мен сакрашим керак”, дейди, қаранг!*

*У с т а У кимнинг боласи?*

*Ш е р з о д (ҳайрон бўлиб). Дадасининг, Фахриддин акамнинг.*

*У с т а. Фахриддин аканг сенга ким бўлади, Шерзодбой?*

*Ш е р з о д. Ўзингиз биласиз-ку, тоғам-да!*

*У с т а. Ҳа, баракалла! Бунинг ойиси, Латофат сенга ким, қани?*

*Н о д и р (тумшайиб). Дадамнинг сингиллари.*

*У с т а. Аммам десанг-чи, тиллатиш! Хўш, айт-чи, ўша амманг кимнинг қизи?*

*Н о д и р. Сизнинг!*

*У с т а. Даданг-чи, даданг кимнинг ўғли?<sup>23</sup>*

Мазкур матнда нутқ вазияти қариндошлар ўртасида қондошлик масаласидаги мунозарага бағишланган, шу сабабли бу ерда от сўз туркуми бошқа сўз туркумларига қараганда кўп, айниқса, шахс отлари. Мулоқот шакли диолог бўлгани сабабли матнда отлардан кейинги фаоллик олмошларга, кейинги ўрин феъл сўз туркумига тегишлидир. Демак, мазкур вазиятда ҳаракат эмас, шахс ёки шахсият муҳимроқ.

Энди киноқиссада нутқ вазияти – фикр мавзуси ўзгармоқда. Шу ўринда, қиссалар матнида сўз тартиби масаласини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Зеро гапдаги сўзлар тартибининг ўзгариши ҳам кўплаб услубий-экспрессив ўзгаришларга олиб келади. Фикрнинг муайян нуқтаси урғуланса, матн мазмуни бошқа тарафга ўзгариши ҳам мумкин.

*У с т а (у томон бир кўз ташлаб олиб). Демак, ҳамманг меники, шундайми? Демак, ўша бассейннинг ҳам эгаси – мен, тўғрими?*

---

<sup>23</sup> Эркин Аъзам. Хонадон эгаси. Киноқиссалар. – Т., 2001. – Б. 31.

*Н о д и р (бошини кўтариб). Дадам қурганлар уни!*

*У с т а. Оббо-о, ҳозиргина нима дедим-а бунга?! Дадалари қурганмиш!*  
(Андак тин олиб.) *Агар мен сенларга баравар бува бўлсам, бувангнинг бассейни ҳам ҳар иккалангга бирдек тегишли-да, а, лаббай? (Э.Аъзам, Хонадон эгаси).* Алоҳида белгилаб кўрсатилган жумлалар таркибида гап бўлақларининг одатдаги тартиби ўзгармоқда. Дастлабки жумлада мантикий урғу эгага тушмоқда (*Демак, ўша бассейннинг ҳам эгаси – мен, тўғрими?*) ва у гап охирида келиб таъкидлаб айтилмоқда. Бу ўқувчига предметга эгаликни кучлироқ тасвирлаш орқали тушунтириш имконини беради. Уста мен бассейннинг эгасиман, деганда уни болакайнинг отаси яъни чолнинг ўғли қургани бу эгаликка ишончсизлик уйғотарди. Бу бассейннинг эгаси менман, дейиш устага даъво қилиш мақомини бермоқда ва сўзловчи (уста) мулоқотнинг кейинги босқичларида фикрини, даъвосини асослаб беради.

Асар матнида болаларни авайлаб уларни эркалаброқ койиш маъносини ифодаловчи тил бирликлари қўлланилган. Бу ҳам муаллифга хос бўлган муҳим бир устунликдир:

*Н о д и р (Шерзодга ёвқараш қилиб). Ўзи сузишни билмайди-ю!..*

*У с т а. Ўрганади. Билмаса – ўргатасан! Жонажон аммангнинг ўғли, ўзингнинг жигаринг бўлса бу!.. Ўша зормондага бирин-кетин ташласанг ёки бараварига сакрасанг, нима, суви камайиб қоладими? Хе, шалпангқулоқлар! Қани, боринглар энди, ишдан қолдирдинг одамни.* Сўзловчи болаларга нисбатан қўллаган “шалпангқулоқлар” лексемаси турли матнларда турлича, аксариятида салбий маънода қўлланилади, бироқ уста уни шундай самимий айтдики, болаларни эркалашдан ортиқ маъно кўринмади.

Киноқиссанинг навбатдаги қисмида тил бирликлари ота ва қиз ўртасидаги самимий мулоқотни таъминлашга хизмат қилади. Қизнинг ҳам, қари отанинг ҳам сўзлайдиган нутқлари расо, муаллифнинг мақсадини аниқ, тиниқ ифодалаб турибди. Таъкидлангани каби, асар нафақат ўқувчи, томошабин, кинорежиссёр, рол ўйновчи актёрга ҳам аниқ тасаввур бера



олиши керак. Қуйидаги парчани лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бу ўринда асосий эътиборни драматик асарларда бўлгани каби киритмаларга қаратиш тўғри бўлади: *Даҳлиз. Латофат тошойна олдида қовоқларини ишқалаб турибди...*

*Одми уйлар томондан кафти билан кўзларини арта-арта хонаки либосда Латофат кўринади.*

*Л а т о ф а т. Невараларингиз тагин қози қидириб юришибдимми, дада?*

*У с т а. Кўявер, бола-да. Уришади – ярашади... Қовоқларинг ишишгандекми, ҳа?*

*Л а т о ф а т. Қачон ўша хонага кирсам, расмларига кўзим тушиб...*

*У с т а. Кирма-қўй! Ажаб иш қилди-да раҳматли. Бу ёқда мен қолиб, олдин кетди-юборди!*

*Л а т о ф а т (кўзлари яна ёшовсираб, отасининг кифтидан қучаркан). Энди сиз ҳам шундай деяверманг, дадажон! Биз нима қиламиз кейин, биз?*

*У с т а. Нима қилардинг – онангга чидаган отангга ҳам чидайсан-да! “Атоси ўлмаган ким бор, аноси ўлмаган ким бор...” Бориб учрашдингми?*

*Л а т о ф а т (сўрининг холи четига омонат ўрнашаркан). Бордим, бордим. Яхши мактаб, ободгина. Лекин узоқ-да, дада. Шаҳарнинг ҳув бир гадойтопмас қавагида! Учта транспорт билан борилади. Берадиган маошини биласиз... (Э.Аъзам, Хонадон эгаси).*

Ажратиб кўрсатилган тил бирликлари – киритмалар ўқувчига Латофатнинг табиати ҳақида ишончли маълумотлар беради. Латофатнинг “Невараларингиз тагин қози қидириб юришибдимми, дада?” деган жумласидаги *тагин* сўзи орқали бу можаро болалар ўртасида доимий содир бўлиб туриши англашилади. Бундан ташқари, *қози* сўзи ҳам мазкур вазиятда муросага келтирувчи маъносини ифодалашга хизмат қилдирилган. Асл луғавий маъносида “ҳукм қилувчи” маъносини англантиши инобатга олинса, ҳаммаси тушунарли бўлади. Энди (*кўзлари яна ёшовсираб, отасининг кифтидан қучаркан*) киритмасига келсак, бу ҳолат барча ота ва қиз ўртасида

содир бўлмайди. Аслида, ўзбекча менталитетда турмушга чиққан, фарзандлари бор бир аёлнинг отаси елкасидан қучиши кўпчилик томонидан маъқулланмайдиган ҳолат. Шундай бўлса-да, муаллиф бу ҳолат орқали адресатга ота ва қиз муносабатлари аввалдан жуда самимий, эркин бўлган деган маълумотни англатади. Қиз ва ота муносабатида қизнинг ҳаракат ва ҳолатлари кўнгилдагидек тасвирланиши учун муаллиф томонидан зарур тайёргарлик кўрилган, грамматик воситаларгача мазкур нутқий вазиятнинг тўла ифодаланишига хизмат қилдирилган:

*У с т а (ташвиш ичида). Ҳай, эски мактабингда туратурсанг-чи?..*

*Л а т о ф а т. Ўша томонларга оёқ босгим келмай қолган, дада, биласиз-ку! Мулоқот мазмуни англатиб тургани каби қиз бироз тантироқ. Буни устанинг ўзи ҳам таъкидламоқда:*

*У с т а. Сен ҳам жуда-а...*

*Л а т о ф а т (хижолатомуз илжайиб). Бундай кунларга қолишимизни ким билибди, дада?! (У баланд иморат зинасидан тушиб келаётган Нигора келинга сирдошларча қўл силкиб қўяди-да, тагин отасига юзланиб.) Куёвингиз уйнинг тараддудида. Наримон акам балки озроқ ёрдам қилар, нима дедингиз?*

*У с т а (бехос қизишиб). Уни қўй! Уни тинч қўйинглар!*

Асар матнларида ёрдамчи сўз туркумларидан ҳам самарали фойдаланилган. Қуйидаги парча мисолида муаллифнинг ёрдамчи сўзлардан фойдаланиш маҳоратига гувоҳ бўламиз, асарнинг бадиий қимматини оширишда, бадиий ниятнинг ўқувчига тушунарли тарзда бўлишини таъминлашда ёрдамчи сўзларнинг матн таркибидаги ўрни ва аҳамияти масаласига тўхталсак. Ажратиб кўрсатилган сўзларга диққат қаратамиз:

*Л а т о ф а т. Акамиз-ку **ахир**, туғишган акамиз! Пули сероб, Нигорахоннинг айтишича, ана, икафида қалашиб, очиқ-сочиқ ётармиш. Берсин-да бошқаларга **ҳам**!*

*У с т а. Аканг, аканг... Қай бирингга бўлсин у?! Кечагина жиянингнинг мебелига қарашиб юборди... Инсоф **ҳам** керак, қизим!*

*Н о д и р (қичқуриб). Мана, туш, туш – дарров бувамга йиглаб боргунча!*

*Ш е р з о д. Ўргат, дедилар-қу бувам...*

*Н о д и р. Ҳар ким ўзи ўрганади буни, билдинг!*

Эътибор берилса, матнда ёрдамчи сўзлардан фақат юкламалар қўлланилган. Кўмакчи ҳам боғловчи ҳам қўлланилмаган. Юкламалар нутқ жараёнида бошқа ёрдамчи сўзларга нисбатан фаол қўлланилади. Таъкидлаш керакки, кўпчилик юкламалар нутқ жараёнида эрка қиз томонидан отасига нисбатан ишлатилган. Прагматик муносабатларнинг аксарияти ҳам шу юкламалар орқали юзага чиқарилган, чунки улар тахмин, гумон, сўроқ, таажжуб, таъкид, тасдиқ, айириш ва чегаралаш, ўхшатиш каби бир қатор модал маъноларни юзага келтиради. Шу жиҳатдан ҳам бу ўринда мазкур ёрдамчи сўз тури аҳамиятлидир. Бизнингча, матнни бириктирув боғловчиларисиз тасаввур қилиш мумкин, аммо нутқнинг шаклланиши ва фикрий ифодалар қўшимча маъно ва муносабатларни ифодаловчи юкламаларни тақозо қилиб туради.

Қиссада грамматик воситалар сўзлашув услубига мос тарзда берилади:

*У с т а (Латофат нари кетгач, изидан ўйчан тикилиб мингирлайди).*

*Тўрва осган лўлининг ўзгинаси бўпти-қопти!*

Қиссада асар қаҳрамони қайси касбда фаолият кўрсатса, ўша соҳага доир атамалар ҳам фаол иштирок этади, бу эса бу каби асар матнларида от сўз туркумига доир сўзларнинг устуворлик касб этишини таъминлайди. *Саройдек келадиган баҳайбат бино. Павильон. Баланд шифтга яқин гирд-айлана катта-катта деразалардан мўл-кўл ёруғ тушиб турибди. Болга, электр арра, кавшарлагич каби ускуналарнинг баравар шовқинидан қулоқ қоматга келади. Бир ёнда – турли узунлик ва йўгонликдаги уюм-уюм темир-терсак (арматура, прут, угольнигу профиль деганлари); бурчакка бўй баробар қилиб қалин тунука (лист) тахланган. Бўялган-бўялмаган ҳар хил тайёр эшик-дераза ҳам шу ерда. Бу тавсифий характердаги матн бўлгани сабабли отлар билан бирга сифат туркумига доир сўзлар ҳам иштирок этмоқда. Умуман, қиссада нутқ вазиятига қараб турли ўринларда турли*

морфологик бирликлар фаол қўлланишда бўлганлиги кузатилади. Бу ҳолат эса сўз туркумларининг қўлланилиш частотасига доир тадқиқотларнинг янада асосли хулосалари учун хизмат қилади, яъни қайси сўз туркумлари қайси нутқий вазиятда уюшганроқ, фаолроқ бўлиши ҳақида муайян хулосаларни тақдим қилади.

### 1.3. Эркин Аъзам киноқиссаларининг соціопрагматик тавсифи

Матн ўзига хос лингвистик ҳодиса сифатида алоҳида ёндашув ва тадқиқни тақозо қилади. Матн ташқи нутқни ички, ички нутқни тафаккурга ва аксинча, ички фикрга, ички нутқни ташқи нутққа айлантириш белгиси бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараёнларнинг ҳар бири ўзига хос семантикага эга, шунинг учун матннинг семантик тузилиши учта асосий тузилишни ўз ичига олади: инфор­мацион структура (ташқи нутқнинг тузилиши), ақлий тузилма (ички нутқ тузилиши), когнитив структура (фикрлаш тузилиши).

Нутқ объекти унинг денотатив-предикатив маъноси билан ифодаланиши мумкин. Сўзловчи матннинг маъносини куриш мантиғига жавобгардир. Тингловчилар матннинг маъносини қадр­лашади. Бундай маънони аксиологик деб аташ мумкин. Ва ниҳоят, яратилган матн унинг маъноси рамзи сифатида ишлайди.

Ўзбек халқининг сеvimли ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси”, “Пақананинг ошиқ кўнгли”, “Хонадон эгаси”, “Тангрининг тоши” киноқиссалари матннинг соціопрагматик хусусиятларини ўрганиш кейинги йилларда ўзбек тили имкониятларининг бадий нутқ таркибида воқеланиши билан боғлиқ ҳолатлар хусусидаги тасаввурларни муайянлаштиришга хизмат қилади. Ёзувчи ўз ижодида ўқувчини зериктириб кўймаслик мақсади доирасида меъёр даражасидаги юмор ва кулгуга мурожаат қилиши табиий. Муаллиф деярли барча асарларида енгил киноядан фойдаланади. Ўз киноқиссаларида асар қаҳрамонларининг орзу-умидлари, мақсадлари, ҳавас ва армонларини шунчаки таърифлаш, тавсифлаш йўлидан бормасдан, балки тилнинг кенг ва самарали имкониятидан моҳирона фойдаланиб, бадий-ижодий ниятига лисоний бирликларни ўринли қўллаш орқали эриша олган. Ёзувчи ҳар бир қаҳрамонининг ички дунёсини, ўтмиши ва келажагини уларнинг ўз нутқи орқали очиб беради, кутилган тасвир атов гап, сўз-гап, тўлиқсиз гап шакллари воситасида тўла ва ишончли тарзда таъминланган. Фикримизни асослаш учун қуйидаги матнга диққат қаратамиз:

*Ёз кечаси, ойдин. Алламаҳал.*

*Сукунатни бузиб телефон жиринглайди, чўзиқ-чўзиқ.*

*Адоғи қайинзорга туташ мактаб майдончаси. **Танаффус маҳали.***

*Майдон бўйлаб қийқириқ янграйди:*

*– Федька! Федька абжир! **Қочинглар!!!** (Э.Аъзам, Тангрининг тоши).*

Ёзувчи томонидан маҳорат билан ёзилган “Анойининг жайдари олмаси” киноқиссаси матнининг социопрагматик хусусиятлари сўзловчи ва тингловчи, матн муаллифи ва адресат ўртасидаги муносабатлар доирасида яққол намоён бўлишини кузатиш мумкин: *Судга икки кун қолганда – куядори ҳиди анқиб турган костюмига уруида олган медалларини тақиб Рамазоннинг отаси ва совхозда шофёрлик қиладиган акаси етиб келди.*

*Ота кўрган одамига нуқул бир гапни такрорлайди:*

*– Тўйдан қочиб келиб эди. Тоғасининг қизига кўнгли йўқми, тўйдан гап очдингиз – ўқишни баҳона қилиб, **Тошкандга** жўнайди. Армиядан қайтганидан бери шу аҳвол. Уёқда **энаси** оғир ётибди, “**Улимнинг** мавридгинасини кўрмай кетадиган бўлдим-да”, деб чирқиллагани чирқиллаган. Бозор бормоқ тугул оғзидагини эплаб ютолмайдиган боланинг бу ишини қаранг энди! (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).*

Кўринадикки, асар қаҳрамонининг ижтимоий ҳолати, тафаккури, дунёқараши ҳақида маълумотлардан иборат тафсилотга сира ҳожат қолмаган, ҳар бир қаҳрамон ўз нутқи орқали кимлигини, жамиятдаги ижтимоий мавқеини рўй-рост намоён қилмоқда. Рамазоннинг отаси ўз нутқида жонли тил элементи ҳисобланган шева сўзларидан фойдаланётгани, ўзбекча, эски урф-одатларнинг ота-она орзусига боғлиқлиги суҳбат мазмунидан англашилиб турибди. Муаллиф адресатга онаизор ҳолатининг яққол тасвирини бериш учун отанинг тилидан “*чирқиллагани чирқиллаган*” феълени қўллайди. Фарзандининг ҳаёти билан яшаётган, унинг келажагидан қайғураётган, боласининг тақдиридан хавотир олаётган онанинг ташвишу ғамларини тўла ёритиб бера олиш учун биргина шу бирикманинг қўлланиши

етарли бўлган. Бу эса ижодкорнинг маҳорати, ижодий тафаккур кучининг юқорилигидан далолат беради.

Мулоқот инсон тафаккури фаолиятининг маҳсули бўлиб, бу жараёнда нутқ эгалари томонидан турли мақсадларга йўналтирилган ранг-баранг нутқий тузилмалар (нутқий актлар) ҳосил қилинади. Нутқий акт жамият аъзолари томонидан қабул қилиниб, нутқ хулқи қоидаларига мувофиқ тарзда амалга ошириладиган, муайян мақсадга йўналтирилган нутқий ҳаракат ҳисобланади. Нутқий акт назарияси илк бор инглиз философи Ж.Остин томонидан илгари сурилди. Нутқий акт назарияси асосчилари Ж.Остин, Ж. Серль<sup>24</sup>, Ж. Россларнинг қарашларига кўра муайян мазмунни ифода этувчи, тилнинг қонун-қоидаларига асосланган ҳолда баён этилган элементар нутқий ҳаракат нутқий акт ҳисобланади. Хусусан, Ж.Остин нутқий актда қуйидагилар амалга ошишини қайд этади: умумэйтироф этилган тил кодига мансуб аниқ товушларни талаффуз этиш; ушбу тилга мансуб сўзлардан грамматик қоидалар асосида жумла тузиш; жумлани мазмун, референция ва бошқалар билан таъминлаш; нутқий қўлланишларни ҳосил қилиб, воқелик билан мувофиқлаштириш; нутқий қўлланишларни иллокутив актга айлантирувчи муайян мақсадга йўналтириш; керак бўлган натижага эришиш, адресат онгига ёки хулқига таъсир кўрсатиш, янги нутқий вазиятни яратишдан иборат.<sup>25</sup> Т.В. Жеребилонинг қайд этишича, нутқий акт психофизик жараён бўлиб, сўзловчи (адресант) ва тингловчи (адресат) ўртасидаги нутқий алоқани акс эттиради ва қуйидаги компонентлардан ташкил топади: 1) сўзлаш (ёзиш); 2) идрок этиш; 3) нутқ (матн)ни тушуниш<sup>26</sup>.

Тадқиқотчи М.Ҳакимовнинг фикрича, нутқий акт тушунчаси одамлар ўртасидаги алоқа-аралашув жараёнида содир этилувчи ўзаро маъно актлари муносабатининг баёнидир. Таърифлардан маълум бўладики, нутқий акт

---

<sup>24</sup> Серль Дж.Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17: Теория речевых актов. – М., 1986. – С. 88-89.

<sup>25</sup> Остин Дж.Л. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17: Теория речевых актов. – М., 1986. – С. 55-59.

<sup>26</sup> Жеребило Т. В. Словарь лингвистических терминов / Т. В. Жеребило. – Назрань: Пилигрим, 2005. – 376 с.

нутқий мулоқот доирасида амал қилади, сўзловчи ва тингловчидан иборат нутқ иштирокчилари, нутқий вазият, тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, нутқ иштирокчиларининг тил билими ва кўникмалари билан боғлиқ ҳолда шаклланади.<sup>27</sup> М.Ҳақимов нутқий актда умумий ҳолда қуйидаги компонентлар иштирок этишини қайд этади: сўзловчи, тингловчи, нутқ объекти – фактик материал ҳамда нутқий вазият.<sup>28</sup> М. Қурбонова нутқий актнинг амал қилиши учун зарур бўлган компонентлар қаторига нутқ иштирокчиларининг умумий тил билими ва тил кўникмасини ҳам киритиш лозимлигини таъкидлайди<sup>29</sup>.

Дарҳақиқат, агар нутқ иштирокчилари умумий тил билимига эга бўлмаса, нутқий акт нафақат томонларга тушунарсиз, балки амалга ошиши даргумон бўлиб қолади. Нутқий акт сўзловчининг муайян коммуникатив мақсадига бўйсундирилгани боис унинг турли кўринишлари фарқланади. Хуллас, киноқисса матнидаги нутқий фаолиятларида муайян мақсадга йўналтирилган нутқий актнинг бевосита ва билвосита турларидан унумли фойдаланадилар. Уларнинг нутқида қўлланган билвосита нутқий акт турларида қуйидаги икки хил ҳолат кузатилади: а) синтактик структуранинг бирламчи маъноси сақланиб қолади, унга қўшимча синтактик маъно юкланади. Бошқача айтганда, айни синтактик структура орқали у фойдалашга хосланган ахборот ва қўшимча ахборот баён этилади. Бунда айни синтактик структуранинг семантик кўлами кенгаяди; б) синтактик структуранинг бирламчи маъноси буткул йўқолади, унинг ўрнини ўзга синтактик маъно эгаллайди. Бошқача айтганда, айни синтактик структура орқали сўзловчи мақсади билан боғлиқ тарзда ўзга ахборот баён этилади: *Тажсангроқ аканинг баттар тажсанглиги тутади:*

---

<sup>27</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 94.

<sup>28</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 95.

<sup>29</sup> Қурбонова М. Болаларга хос нутқий акт турларининг прагмалингвистик таҳлили // Хорижий филология. – Самарқанд, 2016. 4-сон. – Б. 96-97.



– Шунингизни ўзи бошдан эркалатиб юбордингиз-да, ота! Оёзига кишан уриб бўлса ҳам, тўйни бошлаш керак эди. Бу муттаҳамга нима етишимасдики, бизни бундай шарманда қилиб ўтирибди!

Ота туриб-туриб мендан нолий кетди:

– А, жиянжон-а, сиз-ку ўқиган, эслироқ эдингиз, жўрангизни йўлдан қайтармабсиз-да! Нима касофат урдики... (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Ушбу нутқий вазиятда сўзловчи – адресант адресатга ўзининг ундан норози эканлиги ҳақидаги хабар актини ва ўғлини бу йўлдан қайтариши мумкин бўлган танбеҳни ифода қилмоқда.

Асар давомида сўзловчи томонидан моҳиятни аниқлаштирувчи, мавзунини ойдинлаштирувчи саволлар берилади:

– Айбланувчи Ҳайдаров Рамазон, олдин ҳам шу иш билан шуғулланганмисиз? – деб сўрайди судья.– Мен, Ҳайдаров Рамазон, 1950 йили Бойсун районида туғилиб эдим. Кейин... – дея тутилиб қолади.

– Айбланувчи Ҳайдаров, ҳеч ким сиздан туғилган йилингизни сўраётгани йўқ. Олдин ҳам чайқовчилик қилганмисиз, деяпман?

– Кейин мактабни битириб, Совет Армияси сафида хизмат қилиб эдим. Кейин бўлсам... (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Мазкур нутқий актда адресатнинг берган муҳим саволларига адресант чалкаштирувчи мавзуга алоқаси бўлмаган жавобларни бермоқда. Бу нутқ вазиятига боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ижтимоий муҳит нутқий шароит Рамазонни шундай маълумот беришга мажбур этгани кўриниб турибди.

Киноқиссаларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, воқелик, асосан, адресант ва адресат ўртасидаги мулоқотлар орқали маълум бўлиб боради:

– Менга қаранг, Ҳайдаров, уч чамадон ва икки қути билан қўлга тушгансиз-ку? Қолганлари кимники эди бўлмаса?

– Демак, улар бошқа шахсга тегишли бўлган. Орган одамлари кузатаётганини сезиб, у сизга ташлаб қочган, шундайми? А, Ҳайдаров?

– Шундай... Э, йўқ-йўқ, меники эди, меники!

– Айбланувчи Ҳайдаров! Эсингизни йиғиб олинг. Ё тоб-побингиз йўқми? Қаерингиз оғрияпти, айтинг, суд мажлисини тўхтатайлик.

– Эби, нимага? Соппа-созман. (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Адресат сўзловчининг бераётган саволларини аниқ-тиниқ тушуниб турган бўлса-да, унга мантиқли жавоб бермайди. Мазкур нутқий акт мазмунидан Рамазоннинг ниманидир айтгиси келмаётгани, кимнидир ҳимоя қилиб айбни ўз бўйнига олмоқчилиги англашилади.

Сўзловчи адресатга унинг мақсадини билиб олиш учун оддийроқ саволларни бериб, мантиқни ўзи топмоқчи бўлади:

– Бўлмаса айтинг: бунча узуму анорни кўтариб қаёққа кетаётган эдингиз? Нима мақсадда?

– Шундай, айланиб келгани. Барнаул – хизмат қилган жойим. Зўр жой, оғайниларим кўп у ерда.

– Шунча нарсани оғайниларингизга олиб бораётган экансизлар-да?

– Йўз-э, мен уларга тўрттагина олма олган эдим, бўлди. Қуруқ бормайин деб.

– Узум билан анор-чи? Уларни сотмоқчи бўлгансиз-да?

– Нега сотаман? Ахир у... Биласизми, мен Барнаулга...

– Э, Барнаул, Барнаул!.. Олмани қаердан олдингиз?

– Қаерингиз нимаси? Чорбоғдан-да. Кузда боринг, чорбоғимизда тўлиб ётади, ерга тўкилиб. (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Шу ўринда адресант тингловчиси-судланувчининг хулқига доир маълумотларга эга бўлиш учун ҳам турли саволлар бериб кўрди. Адресатнинг сўнгги жавоби у ҳақдаги айрим ҳақиқатларни ойдинлаштиради. Аммо саволлар тингловчига кетма-кет берилишда давом этаверади. Сўзловчи ўзига керакли маълумотни, иқрорни олмагунига қадар илмоқ саволлар берилаверади:

– Ўша ёқдан олма кўтариб келиш шартмиди? Совғага экан, Тошкентдан олақолсангиз бўларди-ку?

– Бу ернинг олмаси бўлмайди-да, тахир, дорининг таъми келади. Бизда шундай бир олма бор, Бойсуннинг олмаси, “жайдари олма” деймиз. Бошқа

жойларда битмайди унақаси. Ўзи кўримсизроғ-у, лекин шундай ширин, шундай ширин, есангиз... Мазкур нутқий акт судланувчининг нақадар содда эканлигини ифодалаб турган бўлса-да, Рамазоннинг жайдари олмага берган мазмунли таърифи судьяни қизиқтирмайди.

Нутқий вазият сўзловчига сўзларни танлаб нутқ сўзлашни тақозо қилади. Суд жараёни расмий мақомга эга нутқий шароит бўлса-да, сўзловчи – судья айбланувчини ўзига яқинроқ олиб, унинг руҳияти, ижтимоий муҳитидан келиб чиқиб гапиради, аммо нутқий шароит, вазият талабларига мос келмай қолади:

– *Ука, тушунсангиз-чи, биз сизга ёрдам қилмоқчимиз. Яхшилаб ўйлаб, тўғриси айтинг. Тақдирингиз ҳал бўляпти, ахир!*

– *Опажон, бир марта кечиринг!*

– *Мен сизга “опажон” эмасман!*

– *Ўзингиз “ука” деяпсиз-ку, мен нима дейин сизни? Отингизни билмасам, фамилиянгизни билмасам...*

– *Отимни билишингиз шарт эмас. Мен сиз учун – гражданин судьяман!*

– *Мен ҳам гражданинман.*

– *Йўқ, сиз энди – айбланувчисиз, айбдорсиз!*

– *Мен... айбдорман?! Айбдорман, кечиринг... (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).* Маълум бўлдики, сўзловчи – адресант, яъни судья адресатга “ука” дея мурожаат қилди, бироқ судланувчи ҳам унга шу оҳангда жавоб қайтарган эди, сўзловчи ва нутқ вазияти учун ғайриодатий ҳолат содир бўлди. Демак, мулоқот шарти, мазмуни ва қиймати нутқий вазиятга бевосита алоқадор саналади.

Киноқиссаларда нутқнинг турли шаклларида фойдаланилади. Айниқса, ички монологлардан. Эркин Аъзам ҳам ўз киноқиссаларида асар қаҳрамонлари руҳиятини очиш учун шундай монологларга ҳам ўрин ажратади: *Рамазоннинг қамалганига беш ой бўлди. Беш ойдирки, юрсам ҳам, турсам ҳам – ичимда бир тугун, қаттиқ, озорли тугун. Жоним чиқади, Рамазонни сўкаман, сўкаман-у, ажабо, кўргим келади уни, кўргим! Унинг*

олдида ўзимни айбдор сезаман. Тўғри, у кўп зашимга теккан, мени кўп залваларга қолдирган; балки муттаҳамдир, чайқовчидир, лекин барибир – жўрам! Жўрам ётибди. Қамоқда. Қанақа жой экан у? Хабар, тафсилот, кечинма шаклидаги мазкур нутқий акт сўзловчининг инсонийлик қиёфасини очиб беради. Бу Рамазоннинг кадрли инсон эканлигини (ёзилмаган бўлса-да) ифодалаб турибди.

Эркин Аъзамнинг исталган киноқисса жанрига доир асарини ўқиган кишида ҳаққоний тасвир кўз ўнгида намоён бўлади. Жумладан, “Тангрининг тоши” асарида ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин. Мазкур киноқиссада сўзловчи ўз тингловчисига илтимос қилаётгани акс этган нутқий вазият ўрин олган:

*М а р ж о н я н г а (собиқ ўқувчисини таниб). Зиёдуллаев, ўзингмисан? Ҳозирча туриб турса бўлармиди...*

*Зиёдуллаев (кулимсираганча яқин келиб). Келишганмиз-ку, Марина Григорьевна. Савдомиз аллақачон пишган бўлса! Ҳозир десангиз ҳозир келтириб бераман пулингизни!*

*М а р ж о н я н г а. Намунча тиқилинч қиляпсан-а, Шайдулла? Ё мени тезроқ кетсин дейсанми?*

*Ш а й д у л л а. Э, йўғ-э, йўғ-э! Таълим бергансиз ахир, кўзим кўр бўлади-я!<sup>30</sup> (Э.Аъзам, Тангрининг тоши). Ўзаро мулоқотдан ҳам кўриниб турибдики, адресант адресатга илтимос мазмунида талаб қўймоқда, адресат эса харидор бир пайтлар устози бўлганини инобатга олиб унинг сўзини икки қила олмасанда, шароитни тушунтиришга ҳаракат қилмоқда.*

Суҳбатнинг кейинги ўринларида сўзловчи ва тингловчининг ички олами бирин-кетин очилиб боради. Шогирд ҳарф ўргатганлигини эътироф этади, аммо унинг амалдаги ифодасини намоёйиш эта олмайди. Бу вазиятда устоз унинг аввал айтган гапларини эслатади. Қисқаси, уни инсофга чақиради:

*Ш а й д у л л а (совуққина). Мен иш одамиман, Марина Григорьевна, вақтим зиқ! Рухсат берсангиз бугуноқ бузиб ташлайман.*

---

<sup>30</sup> Эркин Аъзам. Тангрининг тоши. Киноқиссалар. – Т., 2001. – Б. 37.

*М а р ж о н я н г а. Нимани бузмоқчисан ўзи? Дўкон қиламан деяётувдинг-ку?*

*Ш а й д у л л а. Кўча деворни бузмасдан дўкон очиб бўладими?!*

*М а р ж о н я н г а. Бу ахир менинг уйим-ку, мусулмон! Ҳозирча яшаб турибман!..*

*Ш а й д у л л а. Яшаб тураверинг. Иккинчи қаватда. Кейин барибир менга сотасиз-ку! Мен ҳоқимга сўз берганман, мустақиллик байрамигача дўконни очишим шарт!*

Эркин Аъзамнинг “Пақананинг ошиқ кўнгли” киноқиссаси ҳам бадиий жиҳатдан жуда пухта ёзилган, эстетик жиҳатдан ҳам ўқувчини ўзига жалб қилувчи асарлардан. Асардаги воқеалар қатори қаҳрамонларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам диолог шаклида ёрқин тасвирланган:

*Д а д и л (хахолаб кулиб). Бало экансан. Тўғриси, бунинг ҳеч қандай давоси йўқ, ҳеч нарса фойда ҳам бермайди. Масалан, менинг қилмаган илму амалим қолмади: укол ҳам олиб кўрдим, ҳовучлаб витамин ҳам ичдим, турникка ҳам осилдим, қоплаб сабзи ҳам еб кўрдим... Фойда қилган-қилмаганини, мана, ўзинг кўриб турибсан! Уни буни қўй, қанчасан? Биру эллик бўлсанг кераг-а?*

*Ш а м ш о д. Биру эллик бир!*

*Д а д и л. Жа-а, опқочасан-а? (Шамшоднинг туфлисига ишора қилиб) Пошна ҳисобига бўлса керак-да?*

*Ш а м ш о д. Буни қўшса-а, биру эллик бешларга бориб қолар-ов.*<sup>31</sup> Асарнинг номидан ҳам маълумки, асосий масала бўйга боғлиқ. Сўзловчининг ҳам тингловчининг ҳам катта муаммоси бор бу – бўйнинг калталиги. Мазкур матнда нутқий акт хабар мазмунида адресант ҳам, адресат ҳам мазкур нутқий вазиятга мос. Уларнинг бир-бирига айтмоқчи бўлган гаплари қисқа жумлаларда ҳам тушунарли бўлади. Агар у матндаги адресант ўзининг тингловчисидан бошқа яна бирор киши билан шу мавзуда мулоқотга киришса, икки томон бири-иккинчисини тушуниши учун кўпроқ вақт ва

---

<sup>31</sup> Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ кўнгли. Киноқиссалар. – Т., 2001. – Б. 13.

кўпроқ сўз ишлатилади. Бу ўринда ҳам нутқий шароит ёки мавзуга руҳан яқинлик масаласи муҳим бўлиб қолади:

*Д а д и л (ҳазил аралаш кесатиб). Ҳа, яна бир ғайрат қилсанг, баскетболчи ҳам бўлиб кетасан!.. Ие, нега тумшайяпсан? Хафа бўлма, оғайни, гап фақат бундамас-ку! Мана, мен – биру қирқ тўққизман, ўлиб қолганим йўғ-у! (Бекатнинг бир чеккасида турган аллақандай новча йигитга ишора қилиб) Ҳўв анови найновни қара! Худо бўйдан бериб, ақл бермаган! Бори ҳам бўйга уриб кетган-да... Мана, ҳозир қараб тур. (Дароз йигит томонга қараб) Ҳўв найнов, бу ёққа ке!*

*Н а й н о в (ажабланиб). Менми? Адресант бир пайтнинг ўзида адресатга айланиши ва, аксинча, бўлиши мумкин, бундай шароитда мулоқотни бошқараётган шахс адресант – сўзловчи, орада нутқ сўзлаётган бўлса-да, иккинчи киши адресат – тингловчи бўлиб қолади. Асарда ўз номи билан Дадил нутқ вазиятини бошқарувчи, у мавзунини истаган томонга бура олади ва суҳбатдошидан ўзи айтганларга муносабатини сўрайди. Шамшод тингловчи – адресат. Унинг суҳбат мавзусига доир фикрлари сўзловчига жуда муҳим эмас, фақат маълумот сифатида қабул қилади, бироқ ўзи айтган ҳар бир фикрни суҳбатдошига уқтиришга, бажартиришга даъват қилади. Эркин Аъзам қиссаларида тилнинг ижтимоий ихтисослашуви масаласи ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлган. Ёзувчи тилнинг барча лисоний имкониятларидан самарали фойдалана олган. Шунингдек, киноқиссаларда адресант ва адресатнинг ички ва ташқи оламини ёрқин тасвирлаб бериш учун фақат вербал воситаларнинг ўзи камлик қилади, мазкур жанрдаги асарларнинг муваффақияти новербал воситалардан ҳам фойдаланишни тақозо этади.*

## Боб бўйича хулоса

Эркин Аъзамнинг бир қатор киноқиссалари тили лингвостилистик, прагматик ҳамда социопрагматик жиҳатдан таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Эркин Аъзамнинг киноқиссаларида нутқнинг ҳамма учун тушунарли бўлишини таъминловчи лингвостилистик воситаларидан фойдаланилган. Асар матни кенг маънодаги ўқувчига мўлжалланган, яъни ўқувчи, тингловчи ва томошабин. Бундан ташқари, адресат мазкур қиссалар орқали кинорежиссёр ва актёр сўзловчи ва тингловчи сифатида мулоқотга кириша олиши керак. Оддий ўқувчи тушуниши учун ўзига хос тарзда тасаввур қилиши етарли. Аммо, кинорежиссёр ва актёр уни аниқ ва тиник тасаввур эта олиши назарда тутилади. Матндаги бадий тасвир воситалар шунга кўра танланиши лозим.

2. Эркин Аъзам киноқиссаларида содда гаплардан, тўлиқсиз, бир бош бўлакли гаплардан, киритмалардан, зарур ўринларда шева элементларидан унумли фойдалана олгани сабабли ўзаро мулоқотнинг самарали бўлишига эришган. Асарда сўзлар, тил ижтимоий жиҳатдан киноқиссага мослашгани кузатилади.

3. Киноқиссада нутқий актлар таҳлил қилинганда, асосан, хабар бериш, сўраш ва буюриш мазмуни, адресант ва адресат муносабатида мулоқотни бошқарувчи сўзловчи ва нутқий вазият устуворлик касб этади.

4. Киноқиссалар тилини когнитив, лингвопоэтик таҳлил қилиш – матн мазмунини теранроқ англашга, лисоний ҳодисаларнинг прагматик имкониятларини янада кенгроқ очишга шароит яратади.

5. Эркин Аъзам киноқиссалари лисоний ҳодисаларнинг воқеланиши, бажарган прагматик вазифалари нуқтаи назаридан, бошқа насрий асарлардан фарқ қилади. Унда тилнинг социопрагматик жиҳатдан ижтимоий ихтисослашуви кузатилди.

## II БОБ. ЭРКИН АЪЗАМ КИНОҚИССАЛАРИДА БАЪЗИ ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАР ВА НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТИ

### 2.1. Эркин Аъзам киноқиссаларида айрим лисоний бирликларнинг прагматик хусусиятлари

Нутқий мулоқот кўп қирралидир. Унинг бир қирраси психолингвистик, яна бир қирраси социоллингвистик, бошқа бир қирраси эса прагматик хусусиятлар билан боғлиқдир. Нутқнинг маълум бир мақсадни йўналтиришга хизмат қилувчи, салбий субъектив муносабат ифодаловчи шундай воситалари борки, у инсоннинг ҳис этиш, идрок этиш қобилияти ҳамда руҳий ҳаракатлари билан уйғунликда намоён бўлади. Демак, эмоция ёки ҳиссий туйғуларнинг лисоний воқеланиши кинояда ўз ифодасини топади. Киноя ёзувчининг индивидуал услубини белгилашда муҳим ўрин тутса, ушбу тасвирий восита тилшунослик аспектида шахс ёки сўзловчининг тил белгиларига муносабатини ўрганувчи прагматик омил сифатида қаралади. Бу ҳақида М.Ҳақимов ўзининг тадқиқот ишида шундай ёзади: “киноя ва унинг кўринишларини тўғридан-тўғри олиб уни прагматика соҳаси билан боғламай туриб, ундаги яширин мазмун кўринишларини аниқламай туриб, у ҳақда фикр юритиб бўлмайди.”<sup>32</sup>

Эркин Аъзам киноқиссаларида қўлланган лисоний бирликларни лингвистик прагматиканинг имплекатив (яширин) мазмун турларидан бири бўлган тағмаъно сифатида талқин этиш мумкин. Ёзувчи асарларида киноя кўпроқ қаҳрамон тилидан берилган. Бунда субъект нутқий мулоқот вазиятида, асосан, баландроқ ижтимоий мавқеда туради, нутқий фаолият давомида унинг интеллектуал ва эмоционал устунлиги аён бўлади. Кўринадики, киноя субъекти нутқидаги мулоқот ва этник қоидаларга риоя

---

<sup>32</sup> Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2001. – Б. 191.



қилган ҳолда тил тизимининг ифода воситаларидан фойдалана олиш адибнинг маҳоратига боғлиқ.

Эркин Аъзам ижодида “Пақананинг ошиқ кўнгли” киноқиссаси алоҳида ажралиб туради. Киноқиссада дунё тарихида босқинчилиги ва зулмкорлиги билан ном қозонган Ленин, Сталин, Гитлер кабиларнинг пақаналигига ишора қилиш орқали пародия даражасига олиб чиқилган. Унда Ленин, Сталин, Гитлер каби тарихий шахсларнинг прототипи шартли қилиб олинган ҳамда уларнинг пақаналиги бўрттириб кўрсатилган. Пародиянинг асосий хусусиятларидан бир – воқеа-ҳодисани бўрттириб кўрсатишдир. Чунончи: “... *Шахсан ўртоқ Сталинни даволаган (қизиқ, нимасини даволаган экан – қоқшол қўлиними, бужур бетиними, пакана бўйиними ё бедаво миясиними?) табиби калоннинг амри (таржима орқали, албатта) билан бемор, яъни Пакана шу ернинг ўзида, йўлакда қип-яланғоч бўлиб ечинади*”<sup>33</sup> ёки “*дафъатан миясига бир фикр урилади: не-не зотларни таъмирлаган бу мўъжизакорнинг ўзи пакана, собиқ Пақанадан ҳам пакана-ку!*”<sup>34</sup>. (Э.Аъзам, *Пақананинг ошиқ кўнгли*). Кузатилганидек, асар киноя, пародия, парадокс, халқона сўз ва иборалар, қочиримларга жуда бой. Асарда пародиянинг тарихий шахс ва адабий қаҳрамонларга хос пародия тури учрайди. “Пақананинг ошиқ кўнгли” киноқиссасида собиқ “доҳий”ларнинг пақаналиги пародия қилинган бўлса, “Тули-гули”да эса “доҳий”нинг каллигини пародия остига олган. Бунда ўша даврнинг раҳбари Н.Хрушчевга ишора қилинганлиги яққол сезилиб туради. Асарда мустабид тузумнинг носоғлом муҳити, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг сохталашиб кетаётганлиги, ёмон иллатларнинг тобора авж олиб бораётганлиги киноявий тарзда лисоний бирликлар воситасида акс эттирилади. Ушбу асарни адибнинг ижодидаги киноявий услубнинг энг ёрқин намунаси сифатида баҳолаш мумкин.

Тадқиқотчи М.Қўчқорованинг таъкидлашича, “адиб томонидан ўйлаб топилган “ўтмиш сарқити – каллик”, “калликка маҳкум этилганлар”,

---

<sup>33</sup> Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ кўнгли. – Т.:Маънавият 2001. – Б. 48-49.

<sup>34</sup> Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ кўнгли. – Т.:Маънавият, 2001. – Б. 53.

“калхона”, “собик каллар”, “катта ёшли каллар”, “катта каллар”, “каллик иллоти”, “кал подшо”, “Мўмин кал” каби лисоний бирликлар узлуксиз халқа мисоли бир-бирига уланиб, қиссада рамзий-халқали-киноявий образлиликни вужудга келтирган”<sup>35</sup>. Умуман, асардаги рамзийлик, киноявийлик остида жамиятнинг, миллатнинг кечаги кунига оид аччиқ ҳақиқатлар тасвирланган.

Эркин Аъзам киноқиссаларида киноя шаклидаги лисоний бирликлар ижтимоий-маънавий мазмунга эга образли ва таъсирчан бадиий тил воситаларидан бири сифатида қўлланилади. Ёзувчининг ўзига хос услуби борки, у киноявий тасвир воситалари орқали фикрни вульгар, қўпол шаклда эмас, балки бир мунча силлиқ, маданий либос кийдирилган ҳолда баён этади. Адиб киноқиссаларида мазкур восита орқали захархандалик, пичинг, аччиқ кулги ва ҳатто, аламли туйғулар ўзига хос кўринишда акс эттирилади. Масалан, “Пақананинг ошиқ кўнгли” киноқиссасидаги: *“Кейин... озгина можаро бўлди – номига, оқибати – шаҳарда кичкина, қишлоқда кичкина тўй бўлди. Кейин тўнғич қизлари тугилди. Ширингина, талпинчоқ. Кейин - яна, яна. Хуллас, бир вақтлар **нодон** қиз башорат қилмиш – ишқилиб, бахтли бўлсак бўлди”* (Э.Аъзам, *Пақананинг ошиқ кўнгли*). Парчада Пақананинг хотинига нисбатан – нодон салбий мазмун ифодаловчи киноя прогрессив ҳолда амалга оширилган. Киноқисса сўнгида Пақананинг ўтмиши, ҳаёт чизгилари кўздан кечирилиши натижасида унга берилган салбий сифатларнинг акс маънода киноя усули билан қўлланганлиги маълум бўлади ҳамда китобхон онгида бу ҳолат регрессив ҳаракат қила бошлайди. Бунда китобхон кўз ўнгида бориға қаноат қилиб, уч фарзанднинг келажагини ўйлаган ҳақиқий – ақлли ўзбек аёли қиёфаси реаллашади.

Ёзувчи юмористик характердаги киноқиссаларида кўпроқ лингвистик бирликлардан ассоциатив усулда фойдаланган. Масалан, “Пақананинг ошиқ кўнгли” каби киноқисса номини билдирган сўзларнинг киноявий мазмун касб этгани ёзувчи услубининг ўзига хослигини яққол кўрсатган. Библионим

---

<sup>35</sup> Кўчқорова М. Эркин Аъзам насри ва киноявий бадиий шартлилик //Эркин Аъзам бадиий олами: Илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами. – Т.: Турон замин зиё, 2014. – Б.87.

сифатида келтирилган бу киноя орқали персонажларнинг маънавий ҳамда жисмоний қиёфасига ишора қилинади. Айниқса, ёзувчининг “Пақананинг ошиқ кўнгли” киноқиссасида Пақананинг ташқи қиёфаси, кўринишига берилган таъриф киноя воситасида ниҳоятда оригинал тасвирланган: *Ҳаммабало шундаки, у ўзи ҳақида бошқача фикрда эди. Ўзини барваста-ю басавлат деб билмаса-да, ҳарқалай, ҳийлагина улугвор ҳисобларди. (Кўнглида, албатта) Юрганда жуссасига яраша пилдирабгина юрмай, салмоқ билан, бутини йиртгудек йирик-йирик қадам ташлар, гапирганда маврид-бемаврид сўлиш олиб, салмоқ билан таъсирчанликка интилибми ёки диққатни тортиш учунми худди махфий бир синоатни очаёгандай пичирлаб гапирар эди.*<sup>36</sup> (Э.Аъзам, Пақананинг ошиқ кўнгли). Ёзувчининг маҳорати қисса экспозициясидаёқ киноявий усулдан унумли ва ўринли фойдаланганлигидадир.

Эркин Аъзам киноқиссаларида ўз қаҳрамонларининг феъл-атворидаги камчиликларни, маънавий-ахлоқий савиясининг қашшоқлигини, айти бир вақтда уларнинг руҳий ҳолатини очиб бериш учун лексик бирликлар сифатида воқеланадиган вульгаризмлардан моҳирона фойдаланади. Улар нутқда салбий муносабатларни “кучли” ёки “кучсиз” даражада ифодалаш орқали прагматик маъно касб этади. Маълумки, “кучли” шаклда ифодаланувчи лексик бирликларга ҳақорат ва қарғиш вульгаризмларини киритамиз. Эркин Аъзам киноқиссаларида ҳам қарғиш билан алоқадор сўзлар (яшшамагур) билан бир қаторда кўплаб “қолип” ҳолига тушиб қолган иборалар учрайди. Масалан: *Лаънати Рамазон! Ўзинг тушган чоғга мени ҳам тортмоқчи бўлибсан-да? Номард, чайқовчи! (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).* Дўстининг анойи – содда, гўл эканлигидан ор қилган қаҳрамон, доимо Рамазонни тергаб, ўзгалар сингари бўлишга ундайди. Бирок Рамазон ишонувчан, соддалигининг ортидан муаммоларга ўралашиб юради. Терговга келган жўра эса биринчи сўроқдаёқ Рамазоннинг шаънига *лаънати, номард, чайқовчи* дея ҳақоратли сўзларни ёғдирадики, бу хатто терговчига

---

<sup>36</sup> Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ кўнгли. Қиссалар. – Т.:Маънавият, 2001. – Б. 5-6.

малол келади. Ушбу вульгаризмлар персонажнинг характерини ёритиш билан бирга вазиятдаги рухий ҳолатини ҳам ёрқин ифода этади.

Ҳар қандай нутқий ҳодиса маълум бир мақсад асосида намоён бўлади. Сўзловчи нимадир ҳақидаги ўз муҳокамаларини баён қилиш ниятида тингловчини бирон-бир нарсага ишонтириш, маслаҳат бериш, ваъда бериш ёки таклиф этиш каби мақсадида фикр алмашади. Коммуникантнинг муносабати ва ҳолати – мазкур грамматик шаклнинг ўзига хос маънода қўлланишига сабаб бўлган асосий омил бу – прагматик омилдир.

Грамматик маънонинг нутқий воқеланишини соф лисоний омиллар билан чеклаб қўйиш мумкин эмас. Грамматик маъно нутқий системада лисоний табиатли унсурларга тегишли ҳодиса сифатида қаралади. Унинг воқеланиш хусусиятлари лисоний ва нолисоний (шахсий, прагматик) унсурлар билан узвий алоқадорликда ўрганилади.

Адабиётларда юклама ҳақидаги қўидаги таърифлар учрайди: “Юкламалар айрим сўз ёки гапга турли маъно оттенкаси бериш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлардир”<sup>37</sup>. “Юклама гап мазмунига ҳар хил қўшимча маъно киритиш, айрим гап бўлақларини кучайтириш учун хизмат қилади”<sup>38</sup>. “Юкламалар ёрдамчи сўзлар разрядига тааллуқли бўлиб, айрим сўз ёки гап бўлақларидан бири билан ишлатилади ва фикрнинг баъзи модаллик хусусиятини ифодалаш учун хизмат қилади”<sup>39</sup>. Келтирилган таърифлардан маълум бўладики, айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно бериш учун хизмат қиладиган лисоний воситалар – бу юкламалардир. Юклама ҳақидаги таърифлар ҳар хил бўлса ҳам, аммо мақсадга мувофиқ деб охирги таърифни олса бўлади, негаки таърифда юкламаларнинг вазифаси ва ифодаси (сўз ё қўшимча) тўлиқ келтирилган.

---

<sup>37</sup> Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент, 1980. – Б. 7-24.

<sup>38</sup> Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 180.

<sup>39</sup> Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент, 1980. – Б. 26-27.

Ш.Шоабдурахмонов 1957 йилги нашрда *-гина* юкламаси ҳақида: “а) от, олмош, сон, *-(u)б* ли равишдош ва кўмакчилардан сўнг келиб айириб кўрсатиш, чегаралаш маъносини англатади: *...шу кўчанигина «каменная» дейишади.* б) ҳолат равишларидан сўнг келиб, ҳаракатни айириб кўрсатади: *Ширинтой салқинга ўтиб, саватни ерга оҳистагина қўйди.* в) аниқ феъллардан сўнг келиб, ҳаракатни айириб кўрсатиш мазмунини ва шу билан бирга деган маънони англатади: *Салим ўқийдигина эмас, ўқитади ҳам.* Эслатмалар: 1) *-гина (-кина, -қина)* сифатларга қўшилиб келганда, юклама ҳисобланмайди. Бундай чоқда уларни “субъектив баҳо” аффикси деб қарамоқ керак. 2) отларга қўшилиб келиб, эркалаш, кичрайтириш маъносини англатмоғи ҳам мумкин. Бундай чоқда у урғу олади ва аффикс ҳисобланади. Ўзидан кейин эгалик ҳам қабул қилади: *болагинам каби*”.<sup>40</sup>

Морфологияда ана шу хил ходисаларни ўрганган Ш.Шаҳобиддинова шундай ёзади: “Деярли ҳар бир категория таркибида икки кутбни ташкил этувчи зиддиятли томонлар билан бир қаторда уларни бирлаштирувчи, боғловчи учинчи томон ҳам мавжуд бўлиши кўринади. Бу учинчи томон турлича шаклланиши мумкин. Масалан, сон маъносининг юзага чиқишига эътибор берсак. Маълумки, сон миқдор маъносини махсус ифодаловчи морфологик категория – сон категорияси мавжуд. Шу билан бирга, сон маъноси бошқа категориялар, жумладан, эгалик категорияси мазмунида ҳам мавжуд. Ўзбек тилида бирлик ва кўплик сон ажратилади. *[-лар]* кўпликни ифодалайди, бу аниқ, бироқ *[0]* шароитга қараб бирлик ва кўпликни ҳам ифодалайверади. Эгалик шаклларида *-(u)м, -(u)нг* бирликка, *-(u)миз, -(u)нгиз* кўпликка ишора қилса, *-(с)и* бирликка ҳам, кўпликка ҳам ишора қилаверади. Демак, *-(с)и* (сон маъносига кўра) бирлик *-(u)м, -(u)нг* ва кўплик *-(u)миз, -(u)нгиз* кутбини боғловчи оралик ҳолат – оралик учинчи бўлиб, бу оралик учинчи алоҳида шаклга *-(с)и* эга. Сон категорияси шакллари муносабати эса ғоят қизиқарли бўлиб, *[0]* бир вақтнинг ўзида ҳам кутбий, ҳам оралик

<sup>40</sup> Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент, 1980. – Б. 7-24.

шаклдир. Демак, бу ўринларда қарама-қаршиликлар қураши ва бирлиги қонунининг энг яққол тажаллисини кўриш мумкин. Умуман олганда, бир хил хусусиятга эга шакллар деярли барча категориялар таркибида учрайди.”<sup>41</sup>

Ш.Шоабдурахмонов 1980 йилги нашрларда: “-гина юкламаси: а) мустақил сўзлар (от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш ва айрим феъл формалари ҳамда айрим кўмакчилар) билан, туфайли, учун, шунинг учун, сўнг келиб, айириб кўрсатиш, чегаралаш маъноларини билдиради: *Сўнагул арзон бўлса ҳам шинамгина паст пошнали бир туфли олиб кийди.* б) предмет ёки ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлардан сўнг келиб предмет ёки ҳаракат белгисини айириб кўрсатиш билан бирга ўша белгида камликни, кучсизликни ҳам ифодалайди. *Шипи паст, деворлари юпқа, торгина дўконхона. Ўзи ҳам кўркамгина*”. Бу ўринда сифатлардаги шакл ясовчими ёки юкламами? Чунки айрим адабиётларда сифатлардаги -гина юкламага киритилмаган.<sup>42</sup> М.Содиқова ҳам: “Сифатларга қўшилиб келган -гина юклама ҳисобланмайди, бундай чоқда уларни субъектив баҳо ифодаловчи аффикс деб қарамоқ керак. Одатда, юкламалар сўз таркибида ҳамма хилдаги аффикслардан кейин келади” деб сифатлардаги -гина шаклини юклама санамайди.<sup>43</sup> У.Турсунов ва Ж.Мухторовлар: “-гина юкламасини сифатларга, баъзан отларга қўшилиб, суйиш маъносини билдирувчи -гина аффикси билан аралаштирмаслик керак” деб -гинанинг омонимлигини уқтиради.<sup>44</sup> Шу адабиётда равишларда шакл ясалиши ҳақида гапирилганда, -гина равишлардаги ҳаракат ва ҳолат белгисининг кучсизланганлигини, таъкидланганлигини англатиши айтилади: *Комила қошларини чимириб, ўртоғининг биллагини секингина чимчилади.* Отлардаги -гина шаклидан сўнг қўшимча қўшилса (болагинамни), модал шакл, -гинадан олдин қўшилса

---

<sup>41</sup> Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2001. – Б. 41.

<sup>42</sup> Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент, 1980. – Б. 7-27.

<sup>43</sup> Содиқова М. Сифат. Ўзбек тили грамматикаси. 2-жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 45-47.

<sup>44</sup> Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 180.

(боламнигина), бу юклама ҳисобланиши аниқ, бироқ сифат ва равишларга кўшилган шаклни фарқлаш мураккаб.

Ш.Шаҳобиддинова “умумий грамматик маъно тил бирлигининг минглаб турли хил матнда юзага чиқадиган ва бевосита кузатишда берилган хусусий (нутқий) грамматик маъносининг умумий йиғиндиси бўлмай, хусусий грамматик маъно негизида ётган, унга нисбатан диалектик умумийлик вазифасини ўтайдиган маъно”<sup>45</sup> сифатида қайд этади. Грамматик маънонинг нутқий воқеланишида унинг прагматик хусусиятлари намоён бўлади. Бу ҳолатни Эркин Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси” асари матни орқали ҳам кузатишимиз мумкин. Чунончи, *-гина* юкламаси 19 марта, *-ми* юкламаси 10 марта, *-чи* юкламаси 12 марта, *-ку* юкламаси 18 марта, *-а* юкламаси 2 марта, *-я* юкламаси 3 марта қўлланилган. Қуйида ушбу юкламаларнинг прагматик хусусиятларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Эркалаш, суюш, ардоқлаш каби маъно нозикликларини ифодаладиган *-гина(-кина)* кўшимчасини олган сўз шакллари қуйидаги парчада алоҳида таъкид олиб, прагматик қиммат касб этган: *-Сенгинанинг жонгинангга тегишга! -дейди у ва баттар гашингизни қўзгамоқчидек, белингиздан маҳкам кўтаради, айлантиради. -Ҳа, жўрамдан-да, жўражонимдан-да. (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).*

*- гина* кўшимчасининг персонаж нутқида такрор қўлланиши эркалаш маъносининг, ижобий муносабатнинг даража сайин ортиб боришини кўрсатади. Бу эса персонаж руҳий ҳолатининг ёрқин ифодасига хизмат қилади. *Сенгина* сўзида таъкид ва эркалаш маънолари уйғунлашган бўлса, *жонгинангга* сўзида эркалаш маъноси янада кучайган. Натижада персонажнинг ўша руҳий ҳолатдаги қиёфаси яққол акс этади. Қаҳрамоннинг жест ва мимикалари ушбу нутқни тўлдириб, поэтик такрор (*жўрамдан, жўражонимдан*) кучли ҳиссий таъсирни юзага келтирган. Умуман, ушбу

---

<sup>45</sup> Шаҳобиддинова Ш. Айрим кўшимчаларнинг мавқеи хусусида // ЎТА. – Тошкент, 2000. – №5. – Б. 29.

хикояда шеърга хос лиризм, оҳангдошлик, айрича пафос мужассам. Унда кадрийат, инсонийлик куйланганидек таассурот қолдиради.

Дона сон юклама олиб, чегаралаб, айириб, доналаб, камайтириб кўрсатиш маъносини ҳам ифодалайди:

*-Ўйлашимча, буни энди фақат икки киши – иккаламизгина тушунадиганга ўхшаймиз: сену мен”.....*

*-Беш ой давомида ундан учта хат келди. Аммо... учаласи ҳам биттагина сўздан иборат: “Чантриморэ!” Вассалом. (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Ушбу нутқ парчасида -гина юкламаси айириш-чегаралаш маъносини ифодаламоқда. “Обрўинг бузилади”. “тўкилади эмас, “бузилади”! Рамазоннинг гапи, Рамазонгина шундай дейиши мумкин!*

*Ана сизга – Ра-ма-зо-он!*

Бу юкламалар айрим нарса ва ҳодисаларни бошқалардан ажратиш, ҳаракатни чегаралаш учун қўлланилади. -гина аффикс юкламаси ўздан олдинги сўзга қўшиб ёзилади: *Уйга Рамазонгина келмади, холос. Ўктам индамади, фақат юрагида тўлқинланган меҳр билан онасига тикилди.*

Баъзи юкламаларни бир-бири билан алмаштириш мумкин (Бойсунга **фақат** Рамазон бора олмади. - Бойсунга **фақатгина** Рамазон бора олмади. - Бойсунга **Рамазонгина** бора олмади. - Бойсунга **ёлғиз** Рамазон бора олмади.). Бу билан маъно ўзгармайди, чунки улар синоним юкламалардир.

Юкламаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сўзларга ёки гапларга сўроқ, таъкид, кучайтирув, айириш-чегаралаш, ўхшатиш каби қўшимча маъноларни беради ва функционал “боғлаш” белгисига нисбатан беқарор, ўзгарувчан саналади, яъни “боғлаш” белгиси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

*Ажабо, Тош мен билан тезгина хайрлашди-да, унга хавфсираб қарай-қарай зипиллаганча кинотеатрга кириб кетди.*

Гўё ёрдамчиси мазмунидан ўхшатиш ёки чоғиштириш маънолари англашилган содда ва қўшма гаплар таркибида иштирок этади. Содда гаплардаги вазифасига кўра кўпроқ юкламаларга яқин туради:



*Гўё бу ерда бўлаётган гапларнинг унга сира алоқаси йўқ – тўпланганларни шунчаки кулдириши, мароқлантириши лозим, холос.*

Гўё ёрдамчиси кўшма гапларда содда гап қисмларини бириктирувчи грамматик воситаларнинг бири сифатида хизмат қилади, яъни кўшма гапдаги вазифасига кўра содда гапдаги вазифасидан фарқли ўлароқ, у фақат юкламагина эмас, балки боғловчи-юклама саналади:

*Илжайди! Гўё қамоққа эмас, бир йиллик томошага, дунё бўйлаб сайру саёҳатга кетяпти!*

Таъкид юкломалари: -ку, -да, -у, -ю. Гапда ифодаланган бирор воқеани таъкидлаш учун қўлланилади:

*1. – Ҳа?! – дедим ҳовлиқиб, таҳлика билан.*

*– Келдим.*

*– Қандай? Ҳали, ҳали... вақт бор-ку?*

*2. – Нега айбинг бўлмас экан? Чайқовчи! Бизда беғуноҳ одамни қамамайди. Унақа қонун йўқ.*

*– Мана, мени қамади-ку? Э, у ердаги одамларнинг гапини эшитиб турсанг, биронтасиниям тирноқча айби йўқ. Лекин – бор, бор!*

*3. Эсангиз қотиб жеркиганингиздан кейингина бир тиржайдию яна азалги товуши билан – шангиллаб гапира бошлади.*

Маълумки, -да юкломаси ўзбек тилида экспрессив-эмоционаллик маъносини ифодалаши мумкин. Қуйидаги мисолда “жўрамдан-да, жўражонимдан-да” сўзи таркибида -да юкломасини қўллашдан асосий мақсад дўстини таъкидлаш эмас, балки унга бўлган шахсий ижобий муносабатни ифода этишдан иборат. Бу нутқ парчаси қуршовида ўша дўстидаги ўзига хос қобилиятини, ҳеч кимга ўхшамайдиган, бошқалардан фарқли деган мазмунни бериш мақсадида фойдаланилган бўлиб, бу фақат нутқ жараёнидаги ўзига хос алоҳида интонация билан воқеланган.

*//– Сенгинанинг жонгинанга тегшига! – дейди у ва баттар гашингизни қўзғамоқчидек, белингиздан маҳкам кўтаради, айлантиради. – Ҳа, жўрамдан-да, жўражонимдан-да!//*

Қуйидаги мисолда эса айнан *-да* юкламасининг киноявий салбий муносабат ифодалашдаги ўрнини текширамыз.

*//1.– Майли, жўра, буюм бир гап-да.*

*2. – Қаёқда эдинг?*

*– Э, юрибмиз-да.//*

Бунда “*бир гап-да*”, “*юрибмиз-да*” сўз бирикмаси таркибида қўлланган *-да* юкламаси орқали салбий хусусиятлар, ироник муносабат ифодаланмоқда.

Сўроқ юкламалари: *-ми, -чи, -а, -я, наҳотки*. Бу юкламалар турли сўз туркумларига қўшилиб, сўроқ маъносини билдиради. Баъзан сўроқ маъносидан ташқари таажжубланиш, ҳайратланиш маъноларини ҳам ифодалайди.

Сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий келиб чиқиши, ҳаётда, жамиятда тутган ўрни, нуфузи, даражаси унинг ижтимоий мавқе белгилайди. Унинг нутқида қўлланилган лексик бирликлар орқали воқеланади. Чунончи *-ми* аффикс юкламаси ҳам сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий мавқени нутқда реаллаштиради. *-ми* аффикс юкламаси ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади, *-чи, -а, -я* юкламалари эса ўзидан олдинги сўздан чизикча билан ажратиб ёзилади:

*1. “Ўл-а, – дедим ичимда, – шундай пайтда менинг шеъримга бало борми, ўзингни ўйласанг-чи! – лекин худбинлик устун келди: – Ўқибди-я, ўша ерда ўқибди-я!”*

*2. У бир пайт кўзини қисинқираганча нима деб қолди денг:*

*– Ҳозир Новосибирск поезди келади, ҳайё-ҳуйт деб Барнаулга жўнаворсам-чи?*

*3.– Тур энди, кўча айланайлик, – дейди у “янгиликлари”ни айтиб тугатгач. – Сени би-ир лагмонга тўйдирай, тўрт тийинлик “думба-жигар” сомсадан еявериб ошқозонинг калла-почага тўлиб кетгандир. Менга қара, тўрт тийин-тўрт тийин йиғиб, шу сомсачига бир ҳайкал қўйсаларинг-чи, а? Маслаҳат-да буюм. Бешёгонинг ў-ўртасига! Татиган тузингга товон-да.*

*4. – Ўвв, келмайсанми мана бундоқ!*

*5. Кўз олдим қоронгилашиб кетди. Ишга кирганимга бир йил ҳам тўлгани йўқ, Малика билан тўйимиз ўтган ёзда бўлган, у ҳозир уйда ўтирибди – ўгилми, қизми кутяпмиз. Шундай бир пайтда... Нега? Нима сабабдан?*

Киноявий мазмун ифодалаш усули субъектив муносабатнинг бир кўриниши бўлиб, кўпроқ суҳбатдошга нисбатан танқидий қараш ва шу асосда яширин салбий муносабат билдиришдан иборат бўлади. Эркин Аъзам асарларида киноя фақат истехзоли кулгини воқелантирувчи бадий тасвир воситаси эмас, балки катта бир ижтимоий-маънавий мазмунга эга образли ва таъсирчан бадий тил воситаларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ёзувчининг индивидуал услубида киноявий тасвир воситалари фикрни вульгар, кўпол шаклда эмас, балки бир мунча силлиқ, маданий либос кийдирилган ҳолда баён этади. Адиб асарларида мазкур восита орқали заҳархандалик, пичинг, аччиқ кулги ва ҳатто, аламли туйғулар маълум қобикқа ўралган ҳолда акс эттирилади.

Мулоқот жараёнида фикрлар фақат вербал воситалар билан эмас, нутқ вазиятига кўра новербал воситалар билан ҳам ифодаланади. Ўзбек тилида новербал воситаларнинг социопрагматик тадқиқи билан махсус шуғулланилмаган. Аслида новербал воситалар сўзловчи ва тингловчининг ўзаро бир-бирларини яхшироқ англашда катта аҳамиятга эга.

## 2.2. Киноқиссаларда новербал воситалардан фойдаланишнинг социопрагматик хусусияти

Дунёда кишилар ҳар хил тушуниладиган турли типдаги ахборотлар билан ўзаро мулоқотга кириша олади. Фикр ифодалашда оғзаки нутқ етакчилиги қилади. Оддий сўзлашув жараёнида суҳбатдошларнинг ҳис-туйғулари, жест(одат)лари ва манера(ҳолат)лари муҳим рол ўйнайди. Рухшунослар таъкидлашича, ўзаро мулоқот жараёнининг 60-80% новербал воситалар ҳисобига ва фақатгина 20-40% ахборот вербал воситалар ёрдамида алмашилади. Ушбу маълумотлар инсонлар бир-бирларини ўзаро тушунишлари учун новербал мулоқот аҳамияти устида бош қотиришга, инсон жестлари ва мимикаси маъноларига алоҳида эътибор қаратишга ундайди, шунингдек, ўзимиз англамаган ҳолда суҳбатлашадиган бу ўзига хос тилни тушуниш санъатини эгаллашга хоҳишни вужудга келтиради.

НOVERбал тилнинг ўзига хослиги шундаки, унинг намоён бўлиши бизнинг онг ости импульсларимиз билан шартланганлиги, бу импульсларни сохталаштириш имкони мавжуд эмаслиги одатий вербал мулоқот каналидан кўра ушбу тилга кўпроқ ишониш имконини беради.

Ҳар қандай мулоқотнинг муваффақияти суҳбатдош билан ишночли алоқани ўрната олишга боғлиқ бўлиб, бу алоқа фақат сиз нимани гапираётганингизгагина эмас, балки ўзингизни қандай тутаётганингизга ҳам боғлиқ. Айнан шунинг учун суҳбатдошнинг манераси, позаси ва мимикасига, шунингдек, жестларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мимика ва жестлар тилини тушуниш суҳбатдошнинг позициясини аниқроқ аниқлаш имконини беради. Жестларни ўқий туриб, сиз қайта алоқани амалга оширасиз ва у ишдаги мулоқот жараёнининг яхлитлигини таъминлайди, жестлар мажмуаси эса бундай алоқанинг муҳим таркибий қисмидир. Ўзингиз гапираётган ахборот қандай қабул қилинаётганлигини тушуна оласиз: маъқулланыптими ёки инкор этиляптими, суҳбатдош очиқми ёки ўз қобилигига яширинганми, ўз-ўзини назорат қиляптими ёки зерикаптими.

Жестлар ва тана ҳаракатлари тилини билиш нафақат суҳбатдошни яхши тушуниш, балки у томонидан эшитилган ахборот унда қандай таассурот уйғотганлигини у ҳали мазкур масала юзасидан муносабат билдирмасиданок сезишга ёрдам беради. Бошқача айтганда, бундай сўзсиз тил сизни ҳолатни ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик бўйича, натижага эришиш учун бирор чора қўллаш лозимлиги бўйича огоҳлантириши мумкин.

Буларнинг барчаси шериклар, суҳбатдошлар ва ҳамкасблар билан ўзаро муносабатларда муайян натижаларга эришишни истасангиз новербал, яъни сўзсиз мулоқотнинг айрим жиҳатларини ўрганишингиз лозим деган хулосани вужудга келтиради.

Суҳбатдошни ҳолат, мимика ва жестлар асосида ўрганиш кинесика соҳасига алоқадор. Дунё бўйича асосий коммуникацион жестлар ўзаро фарқланмайди. Инсонлар хурсанд бўлганларида табассум қиладилар, хафа бўлганларида хўмраядилар. Бош силкитиш деярли бутун дунёда розилик ёки тасдиқни ифодалайди. Елкани қисиш жести универсал жест намунаси бўлиб, инсон ниманидир билмаслиги ёки гап нима ҳақида кетаётганлигини тушунмаслигини англатади.

Вербал тиллар маданиятга кўра ўзаро ажралиб турганидек муайян миллатнинг новербал тили бошқа миллатнинг новербал тилидан фарқланади. Қайд қилиш жоизки, нисбатан кенг тарқалган жест яқинлашиш ёки тактик алоқадир. Тегиниш, энг аввало, мулоқотдаги шерикка нибатан ҳиссиётларни ифодалайди. Қўпол ва оғриқли алоқа агрессия ва тазъийқ билан кечади. Майин ва оғриқсиз алоқалар шерикка нисбатан ишонч ва симпатиядан далолат беради.

Нолисоний ахборотни қабул қилишнинг сезиларли даражада ноэркинлиги ва ғайриихтиёрийлигидан (ғайришуурий) унинг реципиенти (бу ҳам сезиларли онгсиз даражада) мурожаатнинг лисоний мазмунидан кўра кўпроқ нолисоний мазмунига ишонишга мойилдир<sup>46</sup>.

---

<sup>46</sup> Асмолов А.Г., Фейгенберг Е.И. Некоторые аспекты невербальной коммуникации: за порогом рациональности // Психологический журнал. – 1989. – Т. 10, № 6. – С. 54.

Ҳар қандай учрашув ва хайрлашувнинг бевосита атрибути қўл сиқишдир. Ушбу ҳолат ахборотга бой бўлиши мумкин, айниқса, унинг интенсивлиги ва давомийлиги. Қуруқ қўллар билан амалга оширилган жуда қисқа муддатли ва енгил қўл сиқиш бепарқликдан далолат бериши мумкин. Аксинча, давомли қўл сиқиш ва жуда нам қўллар ҳаяжондан далолат беради. Бироз чўзилган ва табассум ҳамда илиқ нигоҳ билан кечувчи қўл сиқиш дўстона муносабатни намоён этади. Агар қўл сиқилганда бошқа одамнинг қўли тўлиқ қамраб олинса ва қафт пастга қараса, бу ҳукмрон қўл сиқишдир. Агар қафт юқорига қаратилиб, қўл узатилса, бу бўйсунувчи қўл сиқишдир. Тўғри, лекин букилган қўл билан қўл сиқилса, ҳурматсизлик белгисидир. Унинг асосий маъноси – масофани сақлаш ва тенгсизлик ҳақида эслатишдир. Бармоқ учлари билан қўл сиқиш мулоқотдаги шерикни ўзига қулай масофада сақлаш хоҳишини англатади. Икки қўллаб қўл сиқиш самимийлик ва туйғуларнинг чуқурлигини ифодалайди. Қўл ва тана ҳаракатлари инсон ҳақида кўп маълумотларни бера олади. **Биринчидан**, уларда инсон организми ҳолати ва бевосита эмоционал реакциялар намоён бўлади. Бу инсон темпераменти ҳақида хулоса қилиш имконини беради. **Иккинчидан**, реакциялар, тана ҳолати ва ҳаракатлари инсон характерининг кўплаб қирраларини ифодалайди: ўзига ишонч, қобикқа ўралганлик ёки эркинлик, эҳтиёткорлик ёки кескинлик. **Учинчидан**, ҳолат ва жестларда инсон томонидан ўзлаштирилган маданий нормалар намоён бўлади. **Тўртинчидан**, жест ва ҳолатга шартли рамзий маънолар юклатилади. Шу тариқа улар аниқ ахборотни узатишга қодир.

Альберт Мейерабиан қайд қилганидек, ахборот алмашинуви вербал воситалар орқали 7%, овоз воситалари орқали 38%, новербал воситалар орқали эса 55% амалга ошади. Профессор Бердвиселл инсонлар мулоқотида новербал воситаларнинг ҳиссаси борасида ўхшаш тадқиқотларни амалга оширди. У кун давомида инсон ўртача 10-11 дақиқа давомида гапиришини, ҳар бир гап кўпи билан 2,5 секунд давомида талаффуз қилинишини аниқлаган. Мейербиан сингари у ҳам ахборотнинг 35%дан камроқ қисми сўз

воситасида, 65%дан ортиғи эса новербал мулоқот воситалари орқали берилишини қайд қилган<sup>47</sup>.

Кўпчилик тадқиқотчилар сўзлар ахборотни узатиш учун, айна вақтда новербал канал ўзаро муносабатларни “муҳокама қилиш”да, айрим ҳолларда сўзли мулоқот ўрнида қўшилиши ҳақидаги фикрга қўшиладилар. Масалан, аёл киши эркак кишига оғзини ҳам очмасдан шундай нигоҳ билан қараши мумкинки, бунда унинг муносабати мутлақо аниқ ифодаланади.

Эркин Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси”, “Пакананинг ошиқ кўнгли” ва “Хонадон эгаси” киноқиссаларида сўз билан ифодаланмаган, новербал воситалар асосида мулоқотга киришилган ўринлар кўплаб учрайди:

1. *Қизлар (яна қиқирлашиб).* Қўрқамиз, қўрқамиз! *(Бир-бирига гап бермай, талашиб)* Еб қўясиз-де! *(Иккинчиси)* Опқочиб кетсангиз-а? *(Учинчиси)* Ҳа, бизларни кинога оптушмоқчимисиз?

2. Шамшодбек *(бош чайқаб).* *(маъноси: Йўқ, тушунмадим.)*

3. У **бўйинини қийшайтирганча мунғайибгина** турарди. Хукмни эшитиб аста бошини кўтарди, нимадандир хижолат чеккан мисол ғалати илжайди! **Илжайди!** *(маъноси: Гўё қамоққа эмас, бир йиллик томошага, дунё бўйлаб сайру саёҳатга кетяпти!)*

4. Шамшод бошидаги газета-қалпоғини олиб ерга уради. *(бу ҳолат гапирмасдан ўз муносабатини ифодалашни англатади.)*

5. У с т а. Кирма-қўй! *(Оғир тин олиб.)* Ажаб иш қилди-да раҳматли. Бу ёқда мен қолиб, олдин кетди-юборди!

6. Ш е р з о д *(ҳайрон бўлиб).* Дадасининг, Фаҳриддин акамнинг.

7. Н о д и р *(ўйлангандек бўлиб).* Сизнинг!

8. Л а т о ф а т *(хижолатомуз илжайиб).* Бундай кунларга қолишимизни ким билибди, дада?! *(У баланд иморат зинасидан тушиб келаётган Нигора келинга сирдошларча қўл силкиб қўяди-да, тагин отасига*

---

<sup>47</sup> Алберт Мехрабян. Оғзаки бўлмаган алоқа. Чикаго: Алдине-Атхертон, 1972 - ИСБН 0-202-30966-5.

юзланиб.) Куёвингиз уйнинг тараддудида. Наримон акам балки озроқ ёрдам қилар, нима дедингиз?

9. Л а т о ф а т (*қизалоқдек бир эркалик билан*). Дада-а, Шерзодингиз хол-жонимга қўймапти. Нодирда аллақандай бир қўл компьютери бормишми-ей, шуни талашигани талашган.

10. Ф а з л и д д и н (*титраб, саросимада гап тополмай Нигорага қарайди*). Дадам... дадам қанилар?

11. Н и г о р а (*“қўйинг, қўйинг, эшитмасинлар” деган каби жонсарак қўл тўлғайди*). Орқадаги беҳининг остига бориб мизғиш одатлари бор...

12. Л а т о ф а т. Шундай қил, акажон! Пулингдан гулхан ясаб, бир ўзинг исиниб ўтирасан кейин!.. (*У кетатуриб, нажот кутган каби у ён-бу ён аланглайди.*)

13. Н а р и м о н (*хижолатомуз илжайиб*). Бир оғиз ҳазиллашиб балога қолдим-а, дада!

14. У с т а (*энтикиб*). Ҳазилга ўхшамайди-ку, ўғлим...

15. У с т а (*алланечук мунгайиб*). Керак, ўғлим, керак. (*У аравасини секин орқага тислантириб, бояги хилватига қараб кета бошлайди.*)

16. Н а р и м о н (*завқланиб*). Чиройлиси кўп, Нигор, лекин сендақаси битта, ягона!<sup>48</sup>

Бутун дунёда коммуникацион жестлар бир-биридан фарқ қилмайди. Инсонлар бахтли бўлган вақтида табассум қилади, хафа бўлганларида хўмрайдилар, жаҳллари чиққанда жаҳлдор нигоҳ билан қарайдилар.

Айрим жестларнинг келиб чиқишини илк жамоатчилик даврларидан кузатишимиз мумкин. **Иржайиш** (тишининг оқини кўрсатиш) рақибга ташланиш вақтида сақланиб қолади ва замона инсони томонидан бошқанинг устидан кулганда ёки ўз нафратини ифодалаганида қўлланилади. **Табассум** дастлаб таҳдид рамзи бўлган, бугунги кунда эса бошқа дўстона жестлар уйғунлигида мамнунлик ёки дўстона муносабатни билдиради.

---

<sup>48</sup> Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ кўнгли. Киноқиссалар. – Т., 2012. – Б. 34.



Вербал тиллар бир-биридан маданиятга кўра фарқлангани каби бир миллатнинг новербал тили бошқа бир миллатнинг новербал тилидан ажралиб туради. Муайян бир жест маълум бир миллат томонидан умумқабул қилинган бўлиб, аниқ бир талқинга эга бўлиши ва айни вақтда бошқа бир миллатда ҳеч қандай маъно англатмаслиги ёки мутлақо қарама-қарши маъно ифодалаши мумкин.

Тана мулоқоти (тана тили, бадан тили) – сифатида фикрлар, ҳис-туйғулар, эмоцияни онгли равишда узатиладиган тананинг турли қисмларининг позициялари ва ҳаракатларнинг аломатлари, яъни юз ифодалари, имо-ишоралар, гавда ҳолатлари (позалар), юриш ва бошқаларни ифодалайди<sup>49</sup>.

Бундай паралингвистик воситалар дастлаб 1644 йили Англияда Д.Бульвернинг “Нутқ ва мулоқот қилувчи имо-ишора ҳаракатларини ифодаловчи қўлнинг табиий тили ва хронологияси” номли асарига тадқиқ қилинган.<sup>50</sup> Жестларни сўзловчининг миллий ўзига хослигини ҳисобга олмай талқин қилиш қандай англашилмовчиликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун жестлар ва тана тилининг маъноси ҳақида хулоса чиқаришда олдин инсоннинг миллий мансублигини ҳисобга олиш зарур.

Паралингвистика (юнон тилида “*para*” – атрофида ва “*linguistics*” – лингвистика сўзларидан олинган) – 1) нутқий алоқада вербал воситалар билан бирга қўшимча ахборот бериш учун мўлжалланган новербал (вербал тилга оид бўлмаган) воситаларни ўрганишни ўз ичига олган тилшунослик бўлими; 2) нутқий мулоқотда фойдаланиладиган новербал воситалар

---

<sup>49</sup> Николаева Т. Невербальные средства человеческой коммуникации и их место в преподавании языка // Роль и место страноведения в практике преподавания русского языка как иностранного. – М., 1969; Колшанский Г. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974; Конецкая В. Социология коммуникации: учебник. – М., Междунар. ун-т бизнеса и управления, 1997; Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Академнашр, 2012; Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Т.: Фан, 2008; Алиев И. Педагогика ва психология. – Т., 2012.

<sup>50</sup> Басова А., Егоров С. История сурдопедагогика. – М., 1984. – С. 21.

умумийлигига айтилади<sup>51</sup>. Тилшуносликнинг ўзаро алоқа-аралашувда имо-ишора, мимика, нутқ вазияти каби омилларни ўрганувчи соҳаси<sup>52</sup>.

Французларнинг жестлар тили анча экспрессив (бўёқдор). Француз нимадандир ғайратланса, учта бармоғининг учини бирлаштириб, лабларига олиб боради, иягини юқори кўтариб, хавога нафис ўпични юборади. Агар у кўрсаткич бармоғи билан бурнининг асосини қашласа, “бу ерда бир гап бор”, “бу одамга ишониб бўлмайди” деб огоҳлантирган бўлади.

Баъзи манбаларда тил муносабатларининг бундай элементларини *тана тили* деб номлаш учрайди<sup>53</sup>.

Италияликнинг кўрсаткич бармоғи билан бурнини уриши “Эҳтиёт бўлинг, олдинда хавф бор, улар ниманидир мўлжаллаган” деган маънони англатади. Аммо шу жест Голландияда “Мен маст” ёки “Сен паст”, Англияда эса конспирация ва сирлиликни англатади.

Бармоқнинг енгил у ёқдан бу ёққа ҳаракатлантирилиши АҚШда, Италияда енгил танбеҳни, таҳдид ёки насиҳатни англатиши мумкин. Голландияда ушбу жест рад этишни англатади. Агар ушбу жест билан ҳукм чиқарилмоқчи бўлса, кўрсаткич бармоқни бошнинг ёнида ҳаракатлантириш керак. Биз мулоқот жараёнида ўнг ёки чап қўлга аҳамият бермаймиз. Аммо Яқин Шарқда эҳтиёт бўлинг: пул ёки совғани чап қўл билан бировга узата кўрманг. Бу орқали сиз суҳбатдошингизни ҳақорат қилган бўласиз.

Ўзбекларда ҳам бошқа халқларда қўлланилмайдиган бир қанча тана ҳаракатлари орқали фикр ифодалаш одатлари бор:

**Қўлни кўксига қўйиш.** Асосан, миннатдорлик белгиси, бундан ташқари, мамнунлик, узр сўраш, илтимос каби сўзсиз ифодаланадиган маъноларни ифодалаб келади.

---

<sup>51</sup>Ярцева В. Большой энциклопедический словарь. 2-е издание. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. – С. 367.

<sup>52</sup>Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 79.

<sup>53</sup>Момынова Б., Бейсембаева С. Қазақ тіліндегі ым мен ишараттың қазақша-орысша түсіндірме сөздігі. – Алматы: Қазақ университеті. 2003. – Б. 3.

Овоз чиқариб салом берилганда ҳам доимо қўл юрак томонда, кўкрак устида бўлади. Бу бошқа миллатларда бошқача.

**Бошни олдинга ирғиш.** Олдига чақириш, тушунганини англатиш маъноларини англатади. Масалан, ҳиндларда бошни икки ёнга қимирлатса, шу маъно англашилади.

Умуман ҳар қандай маданиятда носамимийлик жестлари одатда чап қўл билан боғлиқ, негаки ўнг қўл “маданийлашган”, у керак ишни қилади, чап қўл эса соҳибининг сирларини ошкор этиб, хоҳлаганини қилади. Шунинг учун агар суҳбат жараёнида чапақай бўлмаган суҳбатдош чап қўл билан жестлар қилса, катта эҳтимол билан у ўйлаётган нарсасини гапирмаяпти ёки содир бўлаётганларга нисбатан салбий муносабатда.

Баъзан жестдаги арзимас ўзгариш ҳам унинг маъносини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Турли маданиятли халқларида суҳбатдошлар ўртасидаги оптимал масофа хусусида турлича тасаввурлар мавжуд. Масалан, немислар 60 сантиметрдан яқин бўлмаган масофада туриб, суҳбат олиб борадилар. Араблар учун эса бу масофа мулоқот учун жуда узоқ.

Ўзаро нотаниш араб ва немиснинг суҳбат жараёнини кузатсангиз, биринчисининг тобора яқинлашишга интилишини, иккинчисининг эса ўзининг олиб қочишини кўришингиз мумкин. Бу ўринда немиснинг араб хусусидаги таассуротларини билмоқчи бўлсангиз, унинг босим ўтказувчилигини, яқин алоқалар ўрнатишга даъвогарлик қилаётганлиги айтади. Араб эса ўз суҳбатдошини кибрли ва одамови сифатида баҳолаши мумкин. Иккаласи ҳам бу ўринда хато мулоҳаза қилади, зеро ҳар иккаласи учун ҳам мақбул мулоқот масофаси бузилган.

Турли халқлар мулоқот жараёнида қарашларни ҳам турлича ишлатадилар. Бу масала билан шуғулланган этнопсихологлар инсоният цивилизацияларини иккига ажратишган: “контактли” ва “контактсиз”. “Контактли” маданиятларда қараш суҳбат ва мулоқотда муҳим аҳамиятга эга, жумладан яқин масофа каби. Бу маданиятларга араблар, лотин америкаликлар, Европа жануби халқлари киради. Иккинчи гуруҳ, яъни

“контактсизлар”га ҳиндлар, покистонликлар, японлар ва шимолий европаликлар киради.

Японлар суҳбатлашганда суҳбатдошининг бўйнига қарайдилар. Тўғри нигоҳ улар фикрича, одобсизликдир. Бошқа халқларда эса, масалан, арабларда суҳбатдошнинг юзига қараш шарт. Болаларга ёшлиқдан юзига қарамай гаплашиш одобсизлик деб ўргатишади.

Ўзбекларда ҳам фарзандлар одатда, ота-онасининг кўзига тик қарамасдан ерга қараган ҳолатда суҳбатлашади. Хусусан, аёл киши ҳам номахрам (эридан бошқа) кишиларнинг кўзига қарамасдан суҳбатлашади.

Шу тариқа суҳбатдошига кам қарайдиган суҳбатдош “Контактли” маданият вакилларига носамимий ва совуқ бўлиб туюлади, “контактсиз” суҳбатдошга эса “контактли” хира, тегажоқ ва ҳатто, безбет бўлиб туюлади. Аммо кўплаб халқларда ёзилмаган қонун, ўзига хос табу бор. Унга кўра, бошқа одамни синчковлик билан кузатиш, айниқса, нотаниш одамни.

Инсоннинг кийими (ранги ва услуби) новербал мулоқот усулларида бири бўлиши мумкин, негаки у инсоннинг моддий аҳволи ва кайфияти хусусида ахборот бера олади. Масалан, қизил рангли кийимдаги инсон кучли, фаол ва импульсив шахс, ҳаётдаги лидер ва курашчи сифатида таассурот қолдириши мумкин. Сарик кийимдаги инсон мулоқотга киришувчан, интеллектуал, ўзгаришларга тайёр. Яшил кийимдаги шахс – туганмас қувват ва иродага эга мулоҳазакор профессионал. Кўк рангдаги – олдида турган муаммони ҳал қилишга қодир доно сиёсатчи. Сиёҳ рангли кийимдаги инсон яхши зеҳн ва ижодий қобилиятларга эга инсон.

Рангга муносабат ва уни қабул қилиш ҳар бир мамлакатда турлича бўлиб, ҳатто миллий-маданий ўзига хослик ҳам мавжуд. Чунончи уни ҳам ишбилармон мулоқотида ҳисобга олиш зарур.

У ёки бу мамлакатдаги севимли ранглар, одатда, миллий байроқда акс этади. Америкада қизил ранг муҳаббат, сарик – ривожланиш, яшил – умид, ҳаворанг – садоқат, оқ – поклик, тинчлик, хотиржамлик, қора эса мураккаблик ва фавқулодда вазият рамзи сифатида англанади. Австрияда

яшил ранг нисбатан машхур; Болгарияда тўқ яшил ва малла ранг; Покистонда –зумрад, яшил, Голландияда эса оловранг ва ҳаворанг. Шарққа яқинлашган сари ранг рамзийлигига кўпроқ эътибор бериб борилади. Масалан, Хитойда қизил ранг саҳийлик ва жасоратни, қора- ҳақгўйликни, оқ эса европаликлар томонидан поклик ва авлиёлик рамзи сифатида умумқабул қилинганидан фарқли ўлароқ ёлғон ва инсофсизлик сифатида ассоциацияланади.

Ўзбекларда ҳам мовий ранг – тинчлик ва осойишталик, яшил ранг – яшариш ва тириклик рамзи; айрим ҳолатларда сариқ – айрилиқ рамзини ифодалайди. Қизил рангни кўпинча таъқиқ маъносида ёки ҳашамат маъносида тушунади. Қора ранг ўзбекларда мотам маъносини ифодаласа-да, айрим ҳолатларда улуғворликни ҳам англатади.

Қизиғи шундаки, эркакларнинг иш кийимига қўйиладиган талаб деярли барча мамлакатларда бир хил: қора ёки кулранг костюм, оқ ёки кўк кўйлак, тонга кўра бўйинбоғ, ялтиратиб тозаланган туфли, қиммат соат... Бироқ ишбилармон аёлга нисбатан бу қоидалар амал қилмайди, ҳар бир давлатда ҳар бир тадбиркор аёл қандай кўриниши кераклиги борасида ўз тасаввурлари бор.

Шу ўринда А.Нурмонов бир тилдан иккинчи тилга маълум матнни ўгиришда фақат шу халқ (миллат) тилини билиш билан кифояланиб қолинмай, балки уларнинг ўзларига хос муомала маданияти, имо-ишораларини билиш кераклигини таъкидлаган эди<sup>54</sup>.

Ишбилармон инглиз аёллари улар ҳақидаги ўта расмий деган фикрдан биров фарқ қиладилар, бироқ қатъий этикет қоидаларига риоя қиладилар. Ишбилармонлик учрашувларида улар кескин бўлмаган ранглардаги костюмни афзал кўрадилар. Имкон қадар камроқ ювелир буюмлари, яхши макияж.

---

<sup>54</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Академнашр, 2012. – Б. 212.

Немис аёллар либосда бироз консерватив. Сокин, бироз зерикарли классикани, тинч рангли гаммани афзал кўрадилар. Қатъий ишбилармонлик турмаги. Минимум тақинчоқлар.

Француз аёллари либосларни яхши ажратадилар. Классикага риоя қилсаларда, курук эмас, “муайян шарм билан”: эlegant костюм ёнига енгил шарфча, модага мос, дид билан танланган тўғнағич...

Итальян аёллари юқори сифатли ва нозик дидли экспрессив ва экстравагант ишбилармонлик кийимларини танлайдилар. Қимматбаҳо тақинчоқлар, ёрқин ва илиқ ранглар палитраси.

Ишбилармон испан аёллар кўпинча либосда оқ ва қоранинг ёки қора ва қизилнинг олтин билан безалганини ишлатадилар. Грек аёлларига эса пастель тонларидаги оқиб турувчи ишбилармонлик қомати яқинроқ.

Ўзбек ишбилармон аёллари ҳам миллий руҳ аралашган замонавий қиёфада кийинадилар. Расмий доирада фаолият кўрсатадиган аёллар тўқ кўк ва қора рангни танлайди. Тақинчоқлар ҳам минимум, ҳашаматли бўлмаган даражада танланади.

Шу тариқа, кўриш мумкинки, ҳар бир мамлакатда новербал мулоқот меъёр ва қоидалари ҳақида ўз тасаввурлари мавжуд. Бу ўзига хосликларни билиш нафақат хатоларнинг олдини олиш, балки суҳбатдошда яхши таассурот қолдириш ҳамда у билан узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш имконини беради.

### 2.3. Эркин Аъзам киноқиссаларида новербал воситаларнинг прагматик тавсифи

Мулоқотга киришар эканмиз, биз нафақат сўзлар воситасидаги ахборотни тинглаймиз, балки бир-биримизнинг кўзларимизга қараб, овоз тембрини, интонацияни, мимикани, жестлар орқали ҳам бир-биримизни англаймиз, ўзаро суҳбатлаша оламиз. Сўзлар бизга мантикий ахборотни узатса, жестлар, мимика, овоз ушбу ахборотни тўлдиради.

А.Нурмонов: “Ўзбекларда субститутив функция бажара оладиган имо-ишоралар ҳар қандай информацияни ифодаламайди; уларнинг вазифа доираси ниҳоятда чекланган; асосан кундалик оғзаки аралашув услуби билан боғлиқ”, – деб уқтиради<sup>55</sup>.

М.Саидхонов эса “Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар” номли асарида коммуникатив жараён учун хизмат қилувчи маълум ахборотни узатиш воситаларидан бўлган рамзлар, шартли белгилар, морзе тили, ишоралар ва бошқа бир қанча воситалар борки, улар ичида тил табиий, шу тил соҳиблари учун тушунарли, тайёр ҳолдаги алоқа воситаси саналишини айтиб, ишоралар, мимика, овоздаги турли ҳолатлар ва гавда ҳаракатлари алоқа-аралашув вазифасини бажаришдан қатъи назар коммуникацияда иккиламчи восита вазифасини бажаришини таъкидлайди.<sup>56</sup>

Вербал хабар билан бирга кечувчи новербал сигналлар уларни такрорлаши (айниқса туйғуларни ифодалаганда), аниқлаштириши (жестлар), ўрнини босиши (сўзлардан қочиш вақтида) ёки уларга қарама-қарши бўлиши мумкин. Новербал сигналлар мустақил маънони ифодалаш, вербал хабарни тўлдириш учун, шунингдек, иштирокчиларни жумлалар алмашинув вақти, коммуникатив акт тугаши, ишончсизлик ёки ноқулайликнинг юзага келиши ҳақидаги хабар билан таъминлаш, вербал мулоқот жараёнини бошқариш учун ишлатилиши мумкин.

---

<sup>55</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Академнашр, 2012. – Б. 161.

<sup>56</sup> Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. –Т.: Фан, 2008. – Б. 3,18.

Айрим олимларнинг фикрига кўра, новербал мулоқот тилшунослик фанининг бир қисми сифатида тадқиқ этилиб, компонентлар сони қуйидагича:

1. Паралингвистика (*новербал мулоқотнинг овоз кодлари*);
2. Кинесика (*имо-ишора ҳаракатлари*);
3. Окулексика (*кўз ҳаракатлари*);
4. Аускультация (*инсонларнинг овоз оҳанги*);
5. Гаптика (*инсон гавда қисмига тегиниш суҳбати*);
6. Гастика (*озик-овқат ва ичимликлар белгиси ёки таъм билиш*);
7. Ольфакция (*ҳид билиш орқали мулоқот*);
8. Проксемика (*мулоқот майдони*);
9. Хронемика (*мулоқот вақти*);
10. Системология (*инсонни ўраб турган атроф-теварак*).<sup>57</sup>

НOVERBAL мулоқот одатда ўз-ўзидан пайдо бўлади. Кўпинча, ўз фикрларимизни сўзлар кўринишида шакллантирамиз, бизнинг ҳолатимиз, мимикамиз ва жестларимиз онгимиздан ташқарида беихтиёр пайдо бўлади. Гарчи новербал мулоқот кўпинча онгсиз жараён бўлса-да, бугунги кунда у анча ўзгартирилган ва керакли натижага эришиш учун муваффақиятли назорат қилиниши мумкин. Новербал тил ёрдамида ўз ҳисларимизни ифодалаймиз: муҳаббат ва нафрат, устунлик ёки тобелик, ҳурмат ёки ҳурматсизлик. Ичимизда бўлмаган новербал сигналларни, ҳисларни атайин узатиш – қийин, деярли имконсиз жараён. Айнан шунинг учун артистлар суратга олиш жараёнларида образга киришишга ва узатишлари керак бўлган ҳисларни бошдан кечиришга ҳаракат қиладилар.

Ахборотни узатишда асосий ўринни ўзбекларда ҳам юз мушаклари ҳаракати (мимика) ўйнайди. Масалан:

1. Горизонтал чизиқлар кўзларни максимал даражада очганда (кўтарилган қошлар) – ғайратланиш, иложсизлик, ишончсизлик, ниманидир тушунмаслик ёки бирданига тушунилганда;

---

<sup>57</sup> Крейдлин Г. Невербальная семиотика. – М.: Новое литературное обозрение, 2002. – С. 22.



2. Пешонадаги, бурун устидаги чизиқлар “иродавий чизиқлар” кўйидагича талқин қилиниши мумкин:

- а) қатъиятлилиқ, курашга тайёргарлик, қаршилиқ, ўжарлик;
- б) диққатлилиқ;
- в) ҳаракат, ғазаб, жаҳлни талаб этувчи ҳаяжон;
- г) ички зиддиятни қайта ишлаш.

Бир вақтнинг ўзида вертикал ва горизонтал чизиқлар “эҳтиёж чизиқлари” деб аталади, яъни ички қандайдир бир эҳтиёж, изтироб ва иложсизлик, ички оғир ҳолатни ифодалайди. Юз мушакларининг ҳаракати кўзларнинг фаоллиги (қараш, яъни визуал контакт) билан чамбарчас алоқадор бўлиб, асосан у орқали белгиланади.

Тўлиқ очиқ кўзлар очиқлик белгиси, биров ёпилган, “қовоқлар осилганроқ” бўлса, қизиқишнинг йўқлигидан далолат.

Бошнинг ўзи ҳам мулоқот жараёнида фикрларни суҳбатдошга сўзларсиз етказиб бериш вазифасини бажара олади. Айниқса, драматик асарларда қаҳрамонлар томошабинга воқеани фақат сўзлар воситасида эмас, бутун тана ҳаракатлари орқали ҳам ифодалаб берадилар. Томошабинга, асосан, ҳолат орқали кўрсатиб бериш кўпроқ таъсир қилади. Жумладан, киноқиссалар ҳам фақат ўқувчилар эмас, актёр, режиссёр ва томошабинларга мўлжаллаб ёзиладиган асар бўлгани учун унинг матнида ҳам тана ҳаракати орқали мулоқот қилиш асосий масала ҳисобланади. Баъзан бир пайтнинг ўзида ҳам новербал ҳам вербал воситадан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилади:

1. Шамшодбек (*бош чайқаб*). Йўқ, тушунмадим.
2. Найнов (*нима деярини билмай*). Ман қаттан билий!
3. Найнов (*баттар ажабланиб*). Йў-ўқ.
4. Дадил (*тўрхалтасига қўл чўзиб*). Бўпти, сенга руҳсат.
5. Қиз (*ҳамон ўша самимий табассум билан*). Қани, юрмайсизми?
6. Қиз (*самимий кулиб*). Нега бормас эканман?<sup>58</sup>

---

<sup>58</sup> Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ кўнгли. Киноқиссалар. – Т., 2012. – Б. 39.

Қуйидаги мисолда эса, қахрамон сўз орқали ифодалаб бўлмайдиган ҳолатларни тана орқали, юз ҳаракатлари орқали томошабинга англатади.

1. Дадил (*хахолаб қулиб*). Бало экансан. Тўғриси, бунинг ҳеч қандай давоси йўқ, ҳеч нарса фойда ҳам бермайди. Масалан, менинг қилмаган илму амалим қолмади: укол ҳам олиб кўрдим, ҳовучлаб витамин ҳам ичдим, турникка ҳам осилдим, қоплаб сабзи ҳам еб кўрдим... Фойда қилган-қилмаганини, мана, ўзинг кўриб турибсан! Уни буни қўй, қанчасан? Биру эллик бўлсанг кераг-а? (*Э.Аъзам, Пақананинг ошиқ кўнгли*).

2. Кассир Аёл. Хув ановини кўряпсанми? (У рўпарадаги афиша тахтасига осиглиқ “Ўн олти ёшга тўлмаган болалар кириши тақиқланади” деган ёзувга **ишора қилади**)

3. Шамшод (*йигламсирагандек*). Мен ёш бола эмасман, беринг тўртта билет!

4. Кассир аёл. Бор-бор, бошши қотирма!

5. Шу пайт унинг кўзи қаршидаги айвондан чиқиб келаётган Шамшодга тушиб, лабини тишлаб қолади. Шамшодбек борасолиб челакни оҳак-поҳаги билан деворга қараб улоқтиради. (бу ҳолатлар орқали ҳам мулоқот қилиш мумкин. Бу ҳаракатлар ҳам маъно англатади.)

6. Шамшод бошидаги **газета-қалпоғини олиб ерга уради**. (бирор сўз айтмасдан мазкур ҳаракатни содир этиш ҳам анъанага айланган. Кўп ҳолатларда битта маънони англатади.)

7. Қиз (*қўл соатига қараб олиб*). Бўпти. Кетдик.

8. Қиз ўрнидан туради. Унинг бўйини кўрган Шамшодбек хангу манг бўлиб, иккиланиб қолади: қиз ниҳоятда хушқомат ва айни замонда ниҳоятда бўйчан!

9. Шамшодбек. Мен... мен... (*У жойидан жилолмай туриб қолади*)

10. Шамшодбек (*шалвираб*). Бўйнинг нима алоқаси бор?..

11. Дадил (*баттар дадиллашиб*).

12. Дадилбек (*энсаси қотгандек*). Айтамыз, айтамыз. Бирортаям амма-холангиз қолмайди, Гуличка, хотиржам бўлинг! Қани, кетдик. Время – деньги!

13. Дадилбек. Шамшодбек! Оғайни! (*Шифтга ишора қилиб*) Ановини олиб қўй, уят бўлади. Қавмимизга доғ солади-я, дўст!

14. Шамшодбек (ердан кўз узмай). Кечир, оғайни.<sup>59</sup>

Мулоқот қилганда икки томонламаликка (ҳамжихатликка) интиладилар ва агар у таъминланмаса, дискомфортни ҳис қиладилар. Эсда тутиш керак, инсон фикрини энди шакллантираётган бўлса, четга қарайди, фикр тўлиқ тайёр бўлганида суҳбатдошга қарайди. Мураккаб нарсалар ҳақида гапирилганда суҳбатдошга камроқ қаралади, қийинчилик бартараф этилгандан кейин кўпроқ қаралади.

Новербал сигналлар нисбатан аниқ ва тўғри тасаввур ҳосил қилишимизга ёрдам беради. Жестларнинг кўплигини кузатар эканмиз, кўп нарсани билиб олишимиз мумкин: инсонларнинг ҳолати, уларнинг муносабати, уларни қуршаб турган вазият. Баъзан жестлар инсон гапираётган ахборотга мувофиқ келмайди. Кейинчалик маълум бўладикки, жестлар тўғри эди. Ишбилармонлик таъсири амалиётида суҳбатдошларнинг, шерикларнинг турли ички ҳолатларини акс эттирувчи бир нечта асосий жест ва ҳолатларни қайд қиладилар.

Новербал сигналлар ёрдамида қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

- 1) сўз билан ифодаланган ахборотни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки инкор этиш;
- 2) ахборотни онгли ва онгсиз равишда узатиш;
- 3) ўз ҳис-туйғуларини ифодалаш;
- 4) суҳбатнинг кечишини бошқариш;
- 5) бошқаларни назорат қилиш ва таъсир кўрсатиш;
- 6) сўзлардаги камчиликларни тўлдириш.

---

<sup>59</sup> Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ кўнгли. – Б. 48-49.

Биров билан суҳбатлашганимизда биз унинг мимикасини, жестларини кўрамиз. Улар бизга суҳбатдошимиз нимани ўйлаётганини ва ҳис қилаётганини юзага чиқаради. Ўзимизнинг новербал тилимизни бошқариш орқали ўзимиз хоҳлаган образни ярата оламиз. Вербал воситалар билан бир каторда новербал воситалар ҳам мулоқотнинг самарали бўлишини таъминлайди. Умуман, новербал воситалар айрим нутқ вазиятларида сўзламоқчи бўлган кишининг мақсадини олдиндан намоиш қилиб қўйиши мумкин, шунинг учун бундай воситалар ҳақида зарур маълумотларга эга бўлмаслик, суҳбатдош ёки ҳамкор билан мулоқотнинг кўнгилдагидек бўлмаслигига, самарасиз ҳаракатга сабаб бўлиши мумкин. Новербал воситаларни социопрагматик имкониятлари вербал воситалардан кам эмас.

## Боб бўйича хулоса

1. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг самарали бўлишида фақат сўзларга асосланган воситалар орқали фикр ифодалаш етарли бўлмайди. Мулоқот жараёнида новербал воситалар ҳам фаол иштирок этади. Буни айниқса, ўқувчилардан ташқари томошабинларга ҳам мўлжаллаб ёзилган киноқиссалар матнида бевосита учратиш мумкин.

2. Социолингвистика, социопрагматика соҳалари новербал воситалар орқали суҳбатлашиш ҳолатини махсус илмий тадқиқ этиш билан ҳам шуғулланиши лозим. Зеро, инсонлар оддий сўзлашув жараёнида бир-бирларини асосан, кўз карашларидан, юз ҳолатидан, ҳатто ўзбек хонадонларида рўмолнинг қандай ўралгани ва дўппининг қандай кийилгани ҳам мулоқотга катта таъсир кўрсатади.

3. Юкламалар нутқимизнинг чексиз имкониятларини янада бойроқ, ифодаларимизнинг янада аниқроқ ва гўзалроқ бўлишини, жумлаларнинг ранг-баранглигини таъминловчи муҳим воситалардан. Юкламалар кўпинча мустақил ишлатилмайди, бирор сўзга тиркалиб, ранг-баранг маъноларни ифодалайди. Нутқнинг коммуникантларга боғлиқ равишда ихтисослашувини таъминлаб беради. Сўзловчи ва тингловчи нутқининг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида юкламалардан унумли ва ижодий фойдаланиш Эркин Аъзам асарлари ўзига хос юмористик баён услуби, кинояли тили, кутилмаган бадий ечимларга эгаллиги билан ажралиб туради. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатиб турибдики, нутқий мулоқотнинг кўп қирралилиги социопрагматик хусусиятлари билан боғлиқ.

4. Новербал воситалар ҳам мулоқотнинг самарали бўлишини таъминлайди. Улар айрим нутқ вазиятларида сўзламоқчи бўлган кишининг мақсадини олдиндан намоиш қилиб қўйиши мумкин, шунинг учун сўзловчи новербал воситалар ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиши керак, акс ҳолда, суҳбатдош ёки ҳамкор билан мулоқотнинг кўнгилдагидек бўлмаслигига, самарасиз ҳаракатга сабаб бўлиши мумкин. Новербал воситаларни социопрагматик хусусиятлари махсус ўрганишни тақозо қилади.

5. Ўзбек мулоқот маданиятида ҳам имо-ишоралардан вазиятга кўра фаол фойдаланилади. Кўпинча, жамоат жойларида, овоз эшитилмайдиган даражада, ёки шовқин кўп бўлган ўринларда, ё бўлмаса, гапириш таъқиқланган вазиятларда новербал воситалардан унумли фойдаланиш мумкин. Шу маънода бадиий матнлар, хусусан, Эркин Аъзам киноқиссалари матнида новербал воситаларининг қўлланилганлиги билан боғлиқ ҳолатлар тадқиқи ҳам лисоний, ҳам нолисоний имкониятларни ўрганишга хизмат қилади.

### III БОБ. ЭРКИН АЪЗАМ КИНОҚИССАЛАРИДА ГРАММАТИК МАЪНОНИНГ НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИДА ПРАГМАТИК ОМИЛЛАР

#### 3.1. Киноқиссаларда грамматик маънонинг нутқий воқеланиши

Бадий матнда лисоний воситаларнинг нутқий воқеланиши масаласи кейинги йилларда атрофлича тадқиқ этилмоқда. Айниқса, нутқий ихтисослашувга сабаб бўлувчи киноқиссаларда тил имкониятларидан фойдаланишда ўзига хослик борки, уни алоҳида ўрганиш лозим. Бу борада, энг аввало, тил ва нутқ диалектикасига доир янги ёндашувларга эътибор қаратиш лозим. Профессор Р.Сайфуллаева диалектика ҳар қандай ўрганиш манбаида, борлиқдаги ҳар бир нарсада икки жиҳат борлигини таъкидлайди ва уни қуйидаги икки томонли категориялар асосида системалаштиради:

Умумийлик - алоҳидалик

Моҳият - ҳодиса

Имконият - воқелик

Сабаб – оқибат.

Биринчи жиҳат (уни тегишли категорияларнинг бош ҳарфлари асосида қисқача УМИС деб атаймиз) нарсаларнинг бевосита кузатишда берилмаган субстанцияси бўлиб, ақлий, идрокий усул билан англанади.

Иккинчи жиҳат эса (АХВО – алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат) УМИСнинг воқеланиши бўлиб, уни тадқиқотчи, ўрганувчи киши сезги аъзолари ёрдамида ҳис қила олади.

Ҳар бир нарсада УМИС турлари (умумийлик, моҳият, имконият, сабаб) яхлит ҳолда мавжуд бўлади ва АХВО турлари биргаликда (алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат) яхлит ҳолда воқеланади. Масала моҳиятини яққолроқ тасаввур қилиш учун ҳаммага тушунарли бўлган ҳаётий бир

далилга мурожаат қилишимиз мумкинлигини таъкидлайди<sup>60</sup>. Грамматик маънонинг нутқий воқеланиши ҳақида гап кетганда, аввало, грамматик маъно ҳақидаги илмий мулоҳазаларга ҳам муносабат билдириш лозим. Бу борада ҳам Р.Сайфуллаева ва Б.Менглиевларнинг ёндашувлари ўзига хос илмий асосга эга. Олимларнинг фикрига кўра, грамматик маънонинг бевосита нутқни шакллантириши деганда шуни тушуниш лозимки, лисоний бирлик грамматик маънодан холи қилинса, у нутқ учун тайёр бўлмай қолади. Масалан, [бола] лексемасининг луғавий маъноси нутққа грамматик маъно воситасида киради. Унинг келишик, сон, субъектив баҳо, ҳоким ёки тобе узвийлик, қайси гап бўлаги эканлиги каби грамматик маънолари лисоний сатҳда йўқ. Демак, лексема луғавий маъноси устига ана шу грамматик маъно қаватланса, у нутқ таркибига кира олади. Бундан англашиладики, грамматик маъно нутқда тўғридан-тўғри воқеланаверади. Бунга морфологик шаклнинг грамматик маъноси асосида амин бўлиш мумкин.

Бу борада Ш.Раҳматуллаевнинг юқоридаги фикрларни тўлдирувчи мулоҳазалари мавжуд: “Грамматик маъно, одатда, мавҳум тушунчадан иборат бўлиб, шу хилдаги бошқа тушунчалар билан бирга сўзнинг лексик маъносига қўшимча тарзда ифодаланади, гап қурилиши системасида сўзнинг вазифаси ва ўрнини белгилайди. Масалан, келишик шакллари отнинг бошқа сўзлар билан синтактик алоқасини кўрсатади, унинг гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазифаларида келишини таъминлайди.”<sup>61</sup>

Грамматик маъно умумлашма табиатга эга деганда унинг жуда кўп лисоний бирликларга бирдай тегишли, умумий эканлиги назарда тутилади. Масалан, мустақил сўз туркумларининг грамматик маъноси жуда катта миқдордаги сўзлар учун умумий. Энди грамматик маънони ифодаловчи

---

<sup>60</sup> Сайфуллаева Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006. – 391 б.

<sup>61</sup> Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Олий ўқув юрт. филология фак. талабалари учун дарслик. / У. Турсунов, А. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев; Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 399.



воситалар ва уларнинг нутқий воқеланиши масаласига тўхталамиз. Ўзбек тилида грамматик маъно ифодалашнинг қуйидаги воситалари мавжуд:

- 1) аффиксал восита;
- 2) соф номустақил ва номустақил вазифадаги сўз;
- 3) сўз тартиби;
- 4) такрор;
- 5) оҳанг;
- 6) синтактик қолип.

Эркин Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси” киноқиссаси мисолида грамматик маънонинг нутқий воқеланишини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Ҳар қандай грамматик маъно нутқий воқеланганда бошқа услубий маъноларни ҳам ифодалашга хизмат қилади. Айниқса, келишик, эгалик, шахсон категориялари бадиий матнларда турли прагматик маъноларни ҳам рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Отларга хос бўлган сон категорияси грамматик кўплик маъносидан ташқари нутқда турли маъноларни ҳам ифодалаб келади.

*//Худо омадни ҳам ўлчаб, мисқоллаб берар экан. У бир кетса... ҳаммаси кетар экан. Рамазонни қамалган, деб Тошга мақтаганимда **фаришталар кафтларини** кенг ёзиб, “Омин!” демоққа шайланиб туришган экан: Рамазон қамалди!// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Ажратиб кўрсатилган сўзлар таркибида келган *-лар* аффикси икки хил маъно ифодалаб турибди. Биринчи ҳолатда соф кўпликни кўрсатиб турган бўлса, иккинчи ҳолатда соф кўплик эмаслиги кўриниб турибди, зеро жуфт нарсалар мантиқан ҳам кўп ҳисобланмайди.*

*// Пастда улар икки киши экан, купеда эса тўсатдан биттаси зойиб бўлиб қолибди.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Олмош сўз туркумига кўшилиб келганда ҳам турли грамматик маъноларни ифодалайдиган кўплик кўшимчаси бу ўринда ҳам ўз грамматик вазифасини бажариб келган. Инсондаги жуфт аъзоларни ифодаловчи сўзлар аслида кўп ҳисобланмай, уларга кўшилиб келган грамматик кўплик кучайтириш маъносидаги услубий*

вазифани бажариб келмоқда. //Овоз келган тарафга қарасам – Рамазон!  
Кўллари орқада, икки соқчининг ўртасида ёпиқ машина томон кетяпти,  
кўзлари чақнайди: “Э-эй, шеърингни ўқидим...”//

Грамматик маънони ифодаловчилар орасида кўплик шаклининг алоҳида ўрни бор, у нутқий вазият тақозосига кўра ҳар хил услубий маъно оттенкаларини билдиради. Масалан, кўйидаги жумлада кўлланилган -лар аффикси кўпинча бажариб келган жамлик ва умумийлик маъносидан ҳам бошқачароқ вазифада келаётганини кўриш мумкин.

//– Бўпти, сизга рухсат, – деди терговчи чақирув қозоғига имзо чекиб бераркан, совуққина бир оҳангда. – Иложи бўлса, уйдагиларга хабар қилиб қўйсангиз – келаси жумада суд.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Аслида, бу ерда кўплик кўшимчаси оила аъзолари, қариндошлар, асосан, ота-она ёки хотин ва бола-чақани англатади. Агар “Дилдораларникига бордик” дейилса, умумийлик тушунилади, чунки уй Дилдора ва унинг қариндошлари учун умумий. “Бизникига Дилдоралар келди” деганда эса, жамлик маъноси фарқланади. Аммо юқоридаги ўринда ҳар иккисидан ҳам бошқача услубий маъно ифодаланмоқда.

Кўпликни ифодаловчи грамматик воситалар жой номларини англатувчи сўзлар таркибида ҳам кўп кўлланилиб келади. Бу ўринда ҳам соф грамматик кўплик назарда тутилмайди. //Пештоқига “Қизлар билим юрти” деб ёзилган бинонинг зинапоясига Шамшодбек, елкасида этюдник, ўтган-кетган талаба қизга суқланиб қараб турибди.// (Э.Аъзам, Пакананинг ошиқ кўнгли). Ҳар ҳолда мантиқий жиҳатда -лар аффиксини кўллаш зарурати бор.

-лар аффикси турдош отларга кўшилиб келганда кўпинча соф грамматик маъно ва ўз вазифасини бажаради. Аммо нутқий вазият матннинг умумий кайфиятида бу кўплик маъносига яна баъзи услубий маъно оттенкалари кўшилиб кетади: //Судга икки кун қолганда – куюдори ҳиди анқиб турган костюмига урушида олган медалларини тақиб Рамазоннинг отаси ва совхозда шофёрлик қиладиган акаси етиб келди.// ҳар ҳолда бу ўринда медалларнинг

*кўплигидан ташқари, улар билан гурурланиш маъноси ҳам нутқий вазият тақозосига кўра англашилиб турибди.*

Грамматик воситалар ўрин-жой маъносини англаувчи сўзлар билан бирга қўлланганда ўз грамматик маъносини сақлаб туради: *//Эски маҳаллалардан бирининг марказидаги турли-туман дўконлар орасида кўримсизлиги ва пачоқлиги билан яққол ажралиб турган антиқа дўконча.//* Доналаб саналмайдиган нарса-буюмларни англаувчи сўзларга қўшилиб келган -лар аффикси хил, тур ва нав маъноларидан бирини ифодалаб келади. *//Пастқамгина бир жойда кулгили қўнқайиб турган бу дўкончанинг пештоқиға ваҳимали қилиб “Туркана дорилар дўкони” деб ёзилган. Дўконнинг шифтиға ҳар турли гиёҳу зироат одамнинг кулгисини қистатадиган даражада аралаш-қуралаш қилиб осиб ташланган.// (Э.Аъзам, Пакананинг ошиқ кўнгли).* Худди шу қоидага бўйсунадиган сўзлар қуйидаги мисолда ҳам қўлланилган. Фақат бу ерда кўплик шакли охирги сўзга қўшилиб келмоқда. Масалан: *//бир боғ оддий пиёз, бир даста исиріқ, маккажўхорининг попилдириги, каттакон ошқовоқ, кунгабоқарнинг “рапида”си, “қирқ оғайни” қалампир, бир боғ беда, бир боғ гумай ва бошқа аломат нарсалар. Негадир ёввойи эчкининг каттакон қайрилма шохию бир жуфт амиркон маҳси ҳам бор//.* Бу ерда даста, боғ каби ўлчов сўзлари кўплик шаклининг қўлланилишига имкон бермайди.

Инсон қўли билан ясалган айрим нарса-буюм отларига ҳам грамматик кўплик қўшилганда уларнинг жуда ҳам сон жиҳатидан мўл эканини эмас, бирдан ортиқлигини англатади. *//Пештахтада ҳам шу аҳвол. Қир-чир халтачаларда зираворчи чоллар бозорда сотиб ўтирадиган жамики зироатдан бор бунда.//*

Грамматик таълимотларга кўра, мустақил сўз туркумларининг отлашиши барча мустақил сўзлар доирасида кузатилади, бироқ олмошларнинг ҳамма маъно тури ҳам бундай имкониятга эга эмас. Нутқ вазиятида айрим кўрсатиш олмошларининг отлашиб отларга хос бўлган грамматик категорияларини олиши мумкин: *//– Шунингизни ўзи бошдан эркалатиб юбордингиз-да, ота!*

*Оёзига кишан уриб бўлса ҳам, тўйни бошлаш керак эди. Бу муттаҳамга нима етишмасдики, бизни бундай шарманда қилиб ўтирибди!!!* (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Мазкур ҳолат нутқда ўзига хос услубий, прагматик маъно касб этади.

Одам сўзи шахс отини ифодалаб, саналиш имконияти бўлганда унга кўшиладиган *-лар* аффикси грамматик кўпликни билдиради одатда, аммо кўйидаги нутқий вазиятда грамматик маънодан ташқари яна бошқа социопрагматик муносабатлар ҳам англашилади: //– *Жўранг қип-қизил галча экан, – деди судга бирга борган ёзувчи дўстим қайтишда. – Ўзини ўзи қаматди. – Чеховнинг “Ёвуз ниятли киши” ҳикоясидаги Дениснинг ўзгинаси-я! Ўқиганда шунақа одамлар борлигига ишонмаган эди...//* (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Аслида, бу ўринда *-лар* аффикси моҳиятан ортикча. Негаки, сўзловчи бунга ўхшаган одамлар деб, айнан Рамазонни назарда тутмоқда, чунки у бундан бошқа ўзини ҳайратлантирган одамни кўрмаган.

Нарса-буюмларга қўшилиб келган кўплик қўшимчаси аниқ саналиш имкони бўлган кўп миқдорни англатиши маълум, бироқ нутқий шароит унинг кўплик маъносига эмас, маънавий қувват, ижтимоий мавқени ошириш каби қўшимча маъно оттенкаларига диққатни қаратади: // *Бутун суд давомида у ишни ҳарчанд енгиллаштиришга уринмасин (отанинг кўкрагидаги медаллар, онанинг оғир ётгани тўғрисидаги справкаю бошқа ижобий қозғоларнинг хизмати тўфайли бўлса керак), айбланувчининг ўзи унга сари баттар чалкаштирар, чигаллаштирар эди.//* (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Инсондаги жуфт аъзоларни англатувчи аъзолар бирлик шаклида қўлланганда ҳам иккала аъзо баравар тушунилади, аммо баъзи нутқий вазиятлар кўплик аффиксни қўллашни ва бу орқали маънони муайян даражада кучайтиришни тақозо қилади: // *Сочи тап-тақир олинган, эғнида – ётган жойидаги аллакимнинг ола-була, ёқаси очиқ бачкана кўйлаги, кўлларини орқага қилганча бурчакда алланечук кулгили тарзда қўққайиб турибди.//* Аслида мазкур ўринда кўлини орқага қилганча, деб ифодаланиб кетилса ҳам бўларди, матн, нутқ шароити бунга имкон беради.

Қуйидаги мисолларнинг биринчисида ҳам грамматик кўплик қўлланилишига унчалик қатъий талаб мавжуд эмас: // *Гўё бу ерда бўлаётган гапларнинг унга сира алоқаси йўқ – тўпланганларни шунчаки кулдириши, мароқлантириши лозим, холос.* // Ажратиб кўрсатилган иккинчи сўзда отлашган сифатдошнинг отга хос грамматик маънони ифодалаб келаётгани англашилади. Навбатдаги мисолда яна жуфт аъзоларни ифодаловчи сўзлар билан қўлланган грамматик кўплик кучайтириш маъносини ифодалаш учун ишлатилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин: // *Саволни тушунмагандек кўзларини пирпиратиб, хонадаги йигирма чоғлиқ одамга бир-бир қараб чиқади, сўнг шифтга тикилган кўйи шундай бир гапни айтиб юборадики, судья кўзойнагини қўлга олиб бақрайиб қолади; гоҳ елкасини қисади, гоҳ бошини чангаллайди. Бошқалар ҳам шундай.* // (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Киноқиссада соф грамматик кўпликни ифодалаган ўринлар ҳам мавжуд. Мазкур нутқий вазият Рамазонга маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатаётган кишиларнинг миқдорни ифодалаш мақсадида кўплик қўшимчаси қўлланилганини яққол англашиб турибди. // *Рамазоннинг ўзи эса менга қараб хижолатомуз илжайиб қўяди. Тергов беравериш жонига текканми ёки бирга ётган тажрибали шерикларининг турли-туман йўл-йўриқлари гангитиб ташлаганми, хуллас, уни қандайдир жин чалгани аниқ эди.* //

Эркин Аъзам киноқиссаларида лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланиши турли асарларида турлича эканлигини таҳлил жараёнида аниқлаш мумкин. Отларга хос бўлган грамматик категориялар отлашиш натижасида турли сўз туркумларига қўшилиб келаверади, бироқ “Пақананинг ошиқ кўнгли” киноқиссасида ўзгача маъноларни ифодалашга хизмат қилган.

*//Шамшод. Ҳа, қизларжон, бир минутга мумкинми сизларни?*

*Қизлар ўгирилиб қараб, баттар қиқирлашади.*

*Қизлардан бири. Бизларни чақиряпсизми?*

*Шамшод. Сизларни, сизларни!* // От сўз туркумига қўшилиб турган (қизларжон) кўплик қўшимчаси соф грамматик маъно ифодаламоқда, бироқ олмошларга қўшилганда бирида ҳурмат, иккинчисида грамматик жиҳатдан

ортиқчалик бор. Энди грамматик кўплик шакли феълларга хос бўлган шахсон маъносини ифодаловчи морфологик шакл билан ҳам омонимлик ҳосил қилади:

*//Қизлар. Ҳи, нима гапингиз бор эди?*

*Шамшод. Қўрқманглар, бу ёққа келинглар.//*

Нутқда алоҳида қўлланганда ҳам кўпликни ифодаловчи биз кишилик олмошига кўп ҳолларда **-лар** аффикси қўшилиб келади. // ...*(яна қиқирлашиб)*. Қўрқамиз, қўрқамиз! *(Бир-бирига гап бермай, талашиб)* Еб қўясиз-де! *(Иккинчиси)* Опқочиб кетсангиз-а? *(Учинчиси)* Ҳа, бизларни кинога оптушмоқчимисиз? //

Нутқда яна шундай вазиятлар борки, муайян қоидалар бир кишига ҳам кўп кишига ҳам бирдек тегишли бўлиши мумкин. Масалан, мулоқот жараёнида “Бола билан кириш таъқиқланади”, “Бола учун алоҳида тўлов қилинади” каби ёрлиқларни учратиш мумкин, шундай бўлса-да, жуда кўп ҳолатда **-лар** аффикси қўшиб ишлатилиш қоидага айланган. //КАССИР АЁЛ. Ҳув ановини кўряпсанми? *(У рўпарадаги афиша тахтасига осиглиқ “Ўн олти ёшга тўлмаган болалар кириши таъқиқланади” деган ёзувга ишора қилади)//*

Жамият аъзолари тилда мавжуд бўлган грамматик қоидаларга ҳар доим ҳам бирдек риоя қилавермайди. Доналаб санаб бўлмайдиган жисмларни англатувчи отлар кўпликда қўлланилмайди, аммо кучайтириш маъносида сўзловчилар ишлатаверади: *//Бу орада навбатдагилар уни коптокдек қилиб четга чиқариб ташлашади. Бўйинбоғи қийшайган, сочлари тўзгиган Шамшодбек, бояги қизларга кўринмаслик учун ўзини одамлар орасига уриб, қочиб кетади.//* Қиз, одам сўзлари, шунингдек, барча отлашган сўзларда соф грамматик маъно бирламчи бўлади.

Якка ҳолда турганда ҳам жамликни, кўпликни ифодалайдиган жамловчи отлар(халқ, армия)га грамматик кўплик қўшилмаслиги керак, бироқ нутқий вазиятга кўра қўлланаверади: *//Деворга ёндош ҳавозанинг устида турган радиоприёмник ҳам, худди ўчакишигандек, буй хусусида сўзлайди: “Маълумки,*

японлар бошқа халқларга нисбатан бирмунча паканароқ келади...”// Худди шундай қуйидаги мисолда ажратиб кўрсатилган япон халқи бирикмаси юқорида келтирилган японлар сўзи билан бир хил грамматик маъно ифодаламоқда: //Шамшодбек бирдан сергак тортиб, югуриб бориб радионинг товушини баландлатиб қўяди: “Шунга қарамасдан, **япон халқи** ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги ва зукколиги билан жаҳонга машҳур. **Япон олимлари** миллатнинг бу табиий нуқсонини бартараф этиши мақсадида турли илмий изланишлар қилиб, бу борада баъзи натижаларга ҳам эришдилар.// (Э.Аъзам, Пакананинг ошиқ кўнгли). Ҳатто, япон олимлари бирикмаси нутқий вазиятга кўра японлар шаклида қўлланилиб, бу ўринда - лар аффикси олим сўзини ҳам ифодалай олади. Грамматик кўплик маъносини ифодалаш асосан, турдош отлар зиммасига тушадиган бўлса ҳам, баъзан умумийлик маъносини ҳам билдириб туради: //Шуниси қизиқки, бу юртнинг сартарошлари ҳам ана шу ватанпарварона ҳаракатдан четда қолмай, ўзларича унга улуш қўшмоқдалар. Жараённи ифодаловчи отлар ҳар доим ҳам грамматик кўплик шаклида бўлавермайди, аммо нутқий вазият тақозо этса, анъанага айланиб қолган жумлалар таркибида келиши мумкин: // Улар миждознинг соч-соқолини олиб бўлгач, икки чаккасидан сиқиб, бўйинини юқорига чўзиб-чўзиб қўйишни урф қилганлар. Кузатишларга қараганда, япон сартарошларининг бу одати ижобий натижалар бермоқда...” (Э.Аъзам, Пакананинг ошиқ кўнгли). Натижа сўзига қўшилиб келган қўшимча кўпликдан ташқари унинг турларини билдираётган бўлиши мумкин.

Грамматик кўпликнинг инсон аъзолари билан боғлиқ ифодалари турличадир. Инсондаги якка аъзоларга хос бўлмаса ҳам қўшилади, жуфт аъзолар ҳам, аслида, қабул қилмаслиги керак, бироқ сўзловчи нутқий талаби билан қўлланаверади: //Шамшодбек қўлидаги чўткани бир чеккага улоқтириб, айвондаги девор ойнанинг олдига келади, бармоқлари билан қовоқларини икки ёнга тортиб, кўзини худди японлардек қисиклаштирилади, “Токио-мокиё!” дея хитоб қилади.// (Э.Аъзам, Пакананинг ошиқ кўнгли).

Қовоқ ҳам жуфт аъзо саналади, аммо *-лар* аффиксининг ишлатилиши бу ўринда грамматик жиҳатдан мажбурий эмас.

Белгиланган грамматик қоидалардан мустасно ҳолатлар кўп. Шахсонни ифодаловчи *-сиз* 2-шахс кўплик маъносини ифодаловчи грамматик шаклдир. Аммо нутқ вазиятида гўё бу камлик қиладигандек *-лар* аффикси ҳам қўшиб ишлатилади: //Суддан кейин худди бир мўъжиза рўй бериб, “Кечирасизлар, ҳазиллашган эдик, Рамазонжон кеча тугилган чақалоқдек беғуноҳ экан”, дея озод қилиб юборадиган каби, ҳовлидаги тут тагида тўдаланиб турган эдик, тасодифан Тошга кўзим тушди.// (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Аслида, жумла мазмунан киноявий характерда бўлгани учун ҳам иккинчи шахс-сон қўшимчаси ёрдамга келиб турибди.

Ўзбек тилида ҳам грамматик кўпликда қўлланилмайдиган шакллар каторида мавҳум отлар мавжуд. Бироқ мулоқот жараёни услубий маъноларни ифодалаш зарурати мазкур қўшимчани олишни тақозо қилади: //Зариф ака. Бу бола бўлса бу ёқда не-не умидлар билан девор оқлаб ётибти...// Бу ўринда умиднинг миқдори эмас, у билан боғлиқ барча туйғулар ифодаланмоқда.

Макондан ташқари замон маъносини ифодаловчи отларга, отлашган бошқа мустақил сўз туркумларига ҳам грамматик кўплик белгиси қўшилмаслиги керак, бироқ сўзловчилар томонидан фаол тарзда қўлланаверади. Бу меъёрий ҳолатга айланиб улгурган, ҳар ҳолда нутқ вазиятига боғлиқ бўлган жиҳатлар ҳам бор: //Бир ҳафталик бетайин, бемаъно куйди-пишдилар оқибати – шанба кунлари тургим келмай, тўшакда узоқ чўзилиб ётаман, гангиб, карахт ётавераман, кутиб – ниманидир, кимнидир...// (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Шанба куни тургим келмайди, дейиш билан шанба кунлари тарзида ифодалаш мазмунан анча фарқ қилади. Ойнинг барча шанбалари, ёки йилнинг барча шанбалари, ё бўлмаса, шанба ва якшанба кунлари – дам олиш кунларини англатиши мумкин.

Гапда сўз турли маънони ифодалаш мумкин, унинг қўлланилиш ўрнига қараб грамматик воситанинг вазифасига баҳо бериш мумкин: //- “Кейин,



кейин”... - Судьянинг энсаси қотди. - Ҳайда-аров! Бу гаплар ҳаммаси мана – ишингизда ёзилган. Сиз бизга айтинг: аввал ҳам қилганмисиз шу ишни?// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Бу ўринда судья нуқтаи назари билан айтганда, гаплар – маълумотлар маъносида келмоқда, у нутқий шароитга кўра иқрор, эътироз, шикоят, тухмат, айблов каби маъноларни ҳам ифодалаши мумкин. Бу ерда Рамазоннинг таржимаи ҳоли, берган кўрсатмалари ҳаммасини -лар ифодалаб турибди.

Матн замон маъноларини, вақт мазмунини ифодалаб турганда у билан боғлиқ мисоллар ҳам кетма-кет келаверади: //Оқшомлари эшиги оғзидаги супада, гўё ҳеч ким эшитолмайдиган бир куйни тинглаётгандек, кўзлари чала юмуқ, мудраб-чайқалиб ўтирарди. Қиш кунлари ер музлаганда биз унга сув сепиб, кўча оғзида Шоди гарангнинг ишдан қайтишини пойлардик.// Оқшом сўзига кўшилиб келаётган -лар аффикси кўпликни эмас, такрорийликни, ҳар оқшом маъносини ифодалаб бермоқда. Юқорида инсон аъзоларига грамматик кўпликнинг муносабати ҳақида фикр билдирилган эди. Кўз сўзи ҳам аслида грамматик жиҳатдан кўп сонни билдирмайди. Нутқ, мулоқот талабига кўра, услубий вазифа нуқтаи назаридан кучайтириш маъносида қўлланилмоқда: //Шоди гаранг алпонг-талпонг жойидан туриб, қулоқчинига қараб чопарди. Сўнг кўзларини олайтириб, бизга нўписа қила-қила ҳовлиси томон юрар, ҳаял ўтмай, чопони барини олмага тўлдириб чиқар ва уни қорнинг устига қубба шаклида териб қўйиб, ўзи уйига кириб кетар эди.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). ...кўзини олайтириб, деганда ҳам иккала бир хил ўзгаришдаги кўз тушунилади. Маънони кучайтириш мақсадида кўп ҳолатларда шундай қўлланилади.

Меваларни англатувчи отлар кўпинча хил, тур ва нав маъноларини ифодалайди, баъзан нутқий талабга кўра аниқ миқдорни билдирмаса-да, кўпликни ҳам англатиб туради //Биз битта-битта сирпана бориб, **олмаларни** қўйин-қўнжимизга жойлаб, “Чантриморэ! Чантриморэ!” дея сурон солганча кўча бошига қайтардик.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Олмани қўйнига жойламоқ билан олмаларни қўйинга жойламоқда аниқ фарқ сезилади,

шунинг учун бу ўринда хил ё нав эмас айнан кўплик ифодаланмоқда дейиш мумкин.

Нарса-буюмларга нисбатан қўлланган кўплик шакли, шубҳасиз, грамматик жиҳатдан сонни ифодалаб келади. Масалан, расм, қалам, дафтар... *//Шу иссиқда қамалиб олиб ижод қиляпман, де! Маладес, маладес! (Девордаги расмларга қизиқиш билан кўз ташлаб олиб) У қулочларини кенг ёзиб яқинлаша бошлади.// (Эркин Аъзам, “Пақананинг ошиқ кўнгли”)* Қулоч сўзи грамматик кўплик шаклини олса ҳам, олмаса ҳам ўзгармаган битта лексик маънони ифодалай олади. Баъзан қўшилганда қўшимча услубий маънони англашиб келади.

Отлашган сифатдошларга қўшилиб келадиган морфологик кўрсаткичлар отлардаги каби амал қилади: *//-Менга қаранг, Ҳайдаров, уч чамадон ва икки қути билан қўлга тушгансиз-ку? Қолганлари кимники эди бўлмаса?//* Бу ўринда соф грамматик кўплик ифодаланмоқда.

Шахс отларига қўшилиб келувчи грамматик шакллар баъзан ҳурмат (дадамлар), баъзан кўплик (акаларим) баъзан бир жамоага тегишлилик маъносини ҳам англатади: *//-Демак, улар бошқа шахсга тегишли бўлган. Орган одамлари кузатаётганини сезиб, у сизга ташлаб қочган, шундайми? А, Ҳайдаров?*

- *Шундай... Э, йўқ-йўқ, меники эди, меники!// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).* Кўп ҳолатда одам сўзи бирликда ишлатилади (илм одами, орган одами). Кўплик шаклида ҳам баъзан соф грамматик кўплик, баъзан услубий маънода қўлланиб туради.

Иш, қилиқ, гап-сўз кабилар санаш қулай бўлмаган, кўпликни аниқ ифодаламайдиган тил бирликлари бўлиб нутқ жараёнида *-лар* аффиксини қабул қилган ҳолда турли қўшимча маъноларни ифодалайди: *//Қилаётган ишларимдан кўнглим тўлмайди, ҳаммаси кўзимга майда, арзимасдек туюлади. -Ўлгинг келган бўлса шундай қил, милисага тутиб бермаган ҳам номард! - дедим аччиқланиб. Лакалов қилиқлари, гап-сўзлари яна бирпасда кўнглимга урган эди.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).* Айниқса, гап-

сўз жуфт отига кўшилиб турган кўшимчалар бошқа лексик маънони ифодалашга ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маконни ифодаловчи birlikларга кўплик кўшимчаси кўшилганда белгиланган жой ва унинг атрофлари назарда тутилган макон англашилади: // *Рамазон, бошни қотирма, қаёққа кетсанг кет, жўра! Илтимос, энди бу ёқларга қадам боса кўрма!* // (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*).

Макон маъносини ифодаловчи отларга кўшилган грамматик кўплик ҳам баъзан кўплик, баъзан шу жой ва унинг атрофини англантишга хизмат қилади: // *Бизда шундай бир олма бор, Бойсуннинг олмаси, “жайдари олма” деймиз. Бошқа жойларда битмайди унақаси. Ўзи кўримсизроғ-у, лекин шундай ширин, шундай ширин, есангиз...!* // (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Бу ўринда бошқа жойда битмайди бирикмаси билан бошқа жойларда битмайди бирикмаси ўртасида деярли фарқ йўқлигини кўриш мумкин.

Матн мазмунидан кўришиб турибдики, олма сўзининг морфологик шакллари грамматик кўпликни билдирмаяпти, барча олма навлари ҳақида гап бормоқда: // *Зўр олма-да лекин. Бу, ҳозирги олмаларингизнинг бари бузилиб кетган. Ҳар балони пайванд қилавериб айнитиб юборишган-да. Фақат бизларда қолган унақаси. Мен ўзим олмани унча яхши кўрмайман. Есам – кўнглим айнийди.* // (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Аслида, бизларда қолган бунақаси тарзида ишлатиш ҳам нутққа путур етказмайди, -лар аффикси бу ўринда ҳам социопрагматик маъно ифодалашга, сўзловчининг ички туйғулари, олам ва одамга муносабати доирасида ифодаланмоқда.

Ўзлик олмоши одатда барча морфологик шаклларни эгалик кўшимчасини олгандан сўнг қабул қилади. Қуйидаги мисолда мустасно ҳолатда кўплик шаклини тўғридан тўғри қабул қилмоқда: // *Ҳа-а, демак, олма ўзларингизники, уйдан олиб келгансиз?!*

Кўплик кўшимчасининг шахс отларига муносабати ҳақида олдин ҳам тўхталган эдик: // *Ие, ишонмасангиз, ана – отам ўтирибди, акам ўтирибди, жўраларим – сўранг! Ка-атта олмazorимиз бор! Ё тўрт кило олмага ҳам справка олиб келайми? Балки қизларининг ташвишини қилгандирсан, эрсиз*

қолади шўрликлар деб?!// Ажратиб кўрсатилган барча ўринларда шахс отлари соф грамматик кўпликни ифодалашга хизмат қилмоқда.

Юқорида келтирилган кўшимча маънолардан ташқари *-лар* аффикси кишилик олмошларига ҳам баъзан кўшилиб келиши мумкин. 2-шахс бирликдаги кишилик олмошига кўшилганда хурматсизлик, беписандлик, мағрурлик, нафратланиш маъноларини ифодалаб келади: //Унисини сенлар биласан, гапга бойсанлар. Кап-катта одам, кўзига ёш олиб гапирганда ишонмай бўладими? Сочлари ҳам оқ эди... Майли, жўра, энди пушаймоннинг фойдаси йўқ – бўлгани бўлди, бўёғи синди.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Сочлари сўзи таркибидаги кўплик кўшимчаси ҳам муҳим грамматик вазифа бажараётгани йўқ. Кучайтириш маъносини ифодаламоқда, холос.

Кишилик олмошлари от ўрнида қўллана олгани билан отга хос бўлган эгалик кўшимчасини қабул қила олмайди, бироқ кўплик шаклини олиши мумкин: //- Айтиб эдим, терговда минг марта такрорладим. Терговчи эшитгиси ҳам келмади. “Сенларнинг ҳамманг шунақа тулкисан!” деди.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Таъкидлангани каби салбий муносабатларни ифодалашга хизмат қилади.

Бадий асарларда, оддий сўзлашув нутқида ҳам кўплик шаклидан, асосан, маъно кучайтириш, фикрни таъсирчан қилиш мақсадида фойдаланиб келинади: //Ўйини ҳам ўзига ўхшаган эди: гоҳ тиззаларига шапатилай-шапатилай давра бўйлаб кавказчасига йўргалаб кетади. ...қизга қараб кулади, йиглайди, нўписа қилади, ёлворади: энди мағрур, пурвиқор, кейин яна тушкун, гамгусор, яна изҳор, илтижо... Чапак, олқишлар...// (Э.Аъзам, Пакананинг ошиқ кўнгли). Ажратиб кўрсатилган сўзларда қўлланилган грамматик воситалар ўз вазифасидан ташқари нутқнинг таъсирчанлиги оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Умуман, мустақил сўз туркумларининг деярли ҳаммасига турли вазиятларда кўшилиб келадиган *-лар* аффикси грамматик маънонинг нутқий воқеланишида энг фаол қўлланувчи морфологик воситадир. Ёзувчи Эркин Аъзам асарлари матнида у соф грамматик кўпликдан ташқари умумийлик,

жамлик, хурмат, алоқадорлик, биргалик, яқинлик, кучайтириш, мавҳумлик, тахмин ва энг асосийси, нутқий вазиятга кўра хурматсизлик, менсимаслик, манманлик каби бир қатор услубий маъноларни ҳам ифодалашга хизмат қилган.

### 3.2. Эркин Аъзам киноқиссаларида ёрдамчи сўз туркумларининг прагматик воқеланиши

Бадиий асарлар, айниқса, ҳажвий руҳ мавжуд бўлган асарларда сўзловчининг ички муносабатини ифодалаб берувчи асосий тил бирликлари булар – ёрдамчи сўзлардир. Нутқ учун гап шаклланишида мустақил сўз туркумлари асосий вазифани бажаради, ёрдамчи сўзлар фақат сўзни сўзга ёки гапни гапга боғлаш вазифасини бажариши ҳақида илмий тасаввур ҳукмрон. Аслида ёрдамчи сўзлар, хусусан, юкламалар бу борада нутқнинг мулоқотнинг, сўзловчи мақсадини маълум қилувчи, кайфиятини белгилаб берувчи, қисқаси, ҳал қилувчи воситадир. Ёрдамчи сўзлардан айнан юкламаларнинг социопрагматикада бажарадиган вазифалари баъзан айрим мустақил сўз туркумлариникидан юқори бўлади.

Ёзувчи Эркин Аъзамнинг “Пақананинг ошиқ кўнгли” киноқиссасида ёрдамчи сўз туркумларининг прагматик имкониятларини ўрганиш орқали ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига ҳам баҳо бериш мумкин бўлади.

Нутқда сўроқ олмошлари сўрашдан бошқа яна кўплаб модал муносабатларни ифодалаб келади: //– *Ўша-я! – У кўрсатгич бармоғи билан кекирдагини “кесиб”, “Нима, одам ўлдирганми?” демоқчи бўлди.*

*“Ўл-а, – дедим ичимда, – шундай пайтда менинг шеъримга бало борми, ўзингни ўйласанг-чи! – лекин худбинлик устун келди: – Ўқибди-я, ўша ерда ўқибди-я!”*// (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Агар мазкур жумлаларни юкламаларсиз ўқисак, айтилмоқчи бўлган фикр ифодаланади, аммо муносабат маълум бўлмай қолади. Юкламалар суҳбатдошга нисбатан ишонч ёки ишончсизлик, ҳайрат ёки эътиборсизлик маъноларини билдиради, англатади. Буларсиз ўзаро мулоқот таъсирли ва самарали бўлмайди.

Юкламалар сўзловчи ва тингловчига бир-бирини тўла англаш, айтилаётган фикрларга холис муносабатини билиш имконини беради. Қуйидаги мисолларда сўроқ ва таъкид, кучайтирув юкламалари иштирок этмоқда. // *Ота туриб-туриб мендан нолий кетди:*

– *А, жиянжон-а, сиз-ку ўқиган, эслироқ эдингиз, жўрангизни йўлдан қайтармабсиз-да! Нима касофат урдики...// -а, -ку, -да юкламалари орқали сўзловчи тингловчига, унинг хатти-ҳаракатига баҳо бермоқда ва афсусланиш, ачиниш, таъкидлаш, масъулиятни эслатиш каби бир қатор маъноларни ифодалаб келмоқда.*

Сўроқ юкламаси нутқда сўрашдан ташқари шубҳа, гумон, ишончсизлик, иккиланиш каби маъноларни ҳам ифодалаб келади: *//– Тўйдан қочиб келиб эди. Тоғасининг қизига кўнгли йўқми, тўйдан гап очдингиз – ўқишни баҳона қилиб, Тошкандга жўнайди. Армиядан қайтганидан бери шу аҳвол. Уёқда энаси оғир ётибди, “Улимнинг мавридгинасини кўрмай кетадиган бўлдим-да”, деб чирқиллагани чирқиллаган. Бозор бормоқ тугул оғзидагини эплаб ютолмайдиган боланинг бу ишини қаранг энди!// (Э.Аъзам, Анойининг жайдарни олмаси). -да кучайтирув-таъкид юкламаси ўз фикрини тасдиқлаш, тақдирга тан бериш, иқрор бўлиш каби маъноларни ҳам ифодалаб келади.*

Исталган жумладан иштирок этаётган юкламани олиб ташлаб қайта ўқисангиз фикр қолади, бироқ муносабат йўқолади: *//Шамшодбекнинг қулоғи остида Дадилнинг серзавқ овози янграйди: “Безор қилиб юборишди-я! Наргиза, Феруза, Муҳайё, Гули, Дили... Э, хуллас, Раъно деганининг ўзидан бешта!”//* Бу ўринда нима бўлгани айтилмоқда, шу билан бирга, бўлаётган воқеа унга қандай таъсир қилгани ҳам билдирилмоқда.

*-да юкламаси барча ўринларда бир хил маъно ифодаламайди. Масалан, куйидаги жумлани олайлик: //Лаънати Рамазон! Ўзинг тушган чоҳга мени ҳам тортмоқчи бўлибсан-да? Номард, чайқовчи!//* Бу ерда юклама тасдиқлаш, ишонч ҳосил қилиш, амин бўлиш маъноларини ифодалаб турибди.

**-ю** юкламаси кўп ҳолларда боғловчи вазифасини бажаради. Мазкур жумлада ҳам синтактик бирликларни ўзаро боғлаб келмоқда: *// Терговчи унга анчайин бир кўз ташлади-ю қайтиб қўлимга тутқазди, синовчан тикилиб сўради:*

– *Оғайнингиз аввал ҳам чайқовчилик билан шуғуланармиди?*

*Шунда оғзимдан чиққан гап учун ўзимни ҳеч қачон кечирмасам керак:*

– *Шугуланган бўлса бордир, мен қаёқдан билай? У огайним эмас, шунчаки ҳамқишлоқ, ҳамшаҳармиз.*// -ми юкламаси эса асосан сўроқ маъносини ифодалаётган бўлса-да, сўзловчининг тингловчи руҳиятини ўрганишда бир восита бўлиб хизмат қилмоқда.

-ми сўроқ юкламаси -ку кучайтирув таъкид юкламаси билан бир жумлада бирга келиб прагматик маъно ифодаламоқда: // – *Шунақами? У сизни огайним, яқин огайним, деди-ку?! Ҳозир олиб келсам, огайним эмасан, деб юзига айта оласизми?*// (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Адресатга адресант томонидан уни синаш, текшириб кўриш учун илмоқли саволлар беришда қўлланилган.

Ундов сўзларнинг адабий тилда қўлланиладиган вариантлари кўпчиликка маълум, аммо айрим бадиий асарларда қаҳрамоннинг қайси ҳудудга мансублигини англатиш учун шева вариантлари ҳам ишлатилади: //– *Айбланувчи Ҳайдаров! Эсингизни йиғиб олинг. Ё тоб-побингиз йўқми? Қаерингиз оғрияпти, айтинг, суд мажлисини тўхтатайлик.*

– *Эби, нимага? Соппа-соғман.*

– *Шунча нарсани огайниларингизга олиб бораётган экансизлар-да?*

– *Йўз-э, мен уларга тўрттагина олма олган эдим, бўлди. Қуруқ бормайин деб.*// (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Ундов сўзлар ва юкламалар нутқда кўпинча ёнма-ён қўлланиб муҳим муносабатларни ифодалаб келади.

Тергов жараёнларига доир нутқий актлар мазмунида сўроқ олмошлари, кучайтирув таъкид ҳамда сўроқ, гумон юкламалари кўп қўлланилиши билан характерланади: //– *Узум билан анор-чи? Уларни сотмоқчи бўлгансиз-да?*

– *Нега сотаман? Ахир у... Биласизми, мен Барнаулга...*

– *Э, Барнаул, Барнаул!.. Олмани қаердан олдингиз?*// (Э.Аъзам, *Анойининг жайдари олмаси*). Тергов жараёни акс этгани боис юкламалар ҳам миқдор жиҳатдан кўп қўлланган. Сўзловчининг нутқида, асосан, сўроқ ва гумон маъносини англатувчи грамматик воситалар, тингловчида эса, кучайтирув таъкид юкламалари нисбатан кўпроқ қўлланмоқда. Ҳатто бу нутқий вазиятда адресант сўроқ юкламасини ҳам тасдиқ маъносида ишлатмоқда.



Адресантнинг адресатга бераётган маълумотларига юкламалар орқали кўшимча маънолар қўшилиб кетмоқда. Ўз фикрини таъкидлаш, тасдиқлаш маъносида *-да* юкламасидан фойдаланилган. Мазкур юкламанинг боғловчи вазифасида келиши ҳам нутқ вазиятида учрайди. Мазкур юклама турли ўринда турли маънолар ифодалаб келади:

– *Қаерингиз нимаси? Чорбоғдан-да. Кузда боринг, чорбоғимизда тўлиб ётади, ерга тўкилиб.*

– *Ўша ёқдан олма кўтариб келиш шартмиди? Совгага экан, Тошкентдан олақолсангиз бўларди-ку? (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).* Бу ўринда *-ку* юкламаси ҳам ўзига хос прагматик маъно касб этмоқда. Яна *-да* юкламасига тўхталадиган бўлсак, қуйидаги мисолда инкорнинг маъносини кучайтириш билан бирга ўз юртининг олмаси афзаллигини асослашга уриниш ҳам англашилади.

– *Бу ернинг олмаси бўлмайди-да, тахир, дорининг таъми келади.*

Сўроқ юкламаси ҳамма ўринларда ҳам сўроқ маъносини ифодалайвермайди: *Кечқурун уйда Рамазоннинг отаси билан акасини хўб кутдим, мендан домангир бўлишганми ёки бу кўргиликдан гангиб Бойсунга жўнаворишганми – келишмади.* Бу ўринда сўрашдан кўра, гумон маъноси, қолаверса, ўз ички ҳиссиётларига таянганлиги маълум бўлиб турибди.

Тилшуносликда юкламалар ва боғловчилар ўртасида айрим ўринларда чегарани аниқлаб бўлмай қолади. Бунга нутқий вазият ва прагматика сабаб бўлиши мумкин. Назаримизда, *-да*, *-у* ёки *-ю* юкламалари тилда бир грамматик маънода, нутқий вазиятларда эса иккала грамматик, қолаверса, услубий маъноларда қўлланаверади: *Жоним чиқади, Рамазонни сўкаман, сўкаман-у, ажабо, кўргим келади уни, кўргим!* Бу ерда *-у* боғловчи вазифасида келаётгани сабабли унда кўшимча маъно оттенкалари йўқ. Зидлаш маъносида, лекин, аммо боғловчилари ўрнида келмоқда.

Эркин Аъзам содда гаплар тузишнинг устаси ҳисобланади, ўз асарларида фикр, тасвир ифодалашда, асосан, содда йиғиқ гаплардан фойдаланади, айниқса, шундай гаплар билан юкламалар бирга қўлланса,

таъсир кучи янада ошиши аниқ: *Қиз (яна эрмаклаб). Мен-а? Сизга-я? Буни қаранг-а! Кетма-кет сўроқ юкламалари қўлланилган бўлса-да, бу ўринда таажжубланиш маъноси бирламчи эканлигини кўриш мумкин.*

Негадир бадий матнларда *-ми* сўроқ юкламаси ўз вазифасидан кўра кўпроқ бошқа, иккиламчи функцияларни бажаришини кузатиш мумкин, айрим ҳоллардагина сўроқ маъносини ифодалайди: *//Айбланувчи Ҳайдаров Рамазон, олдин ҳам шу иш билан шуғулланганмисиз? – деб сўрайди судья.//*

Тил воситалари нутқда шундай комбинацияларда алмашиб келадик, бундай ҳолатда юкламалар ўзгача маъно муносабатни ифодалай олади: *//Вей, сен бу, туппа-тузук рассом экансан-ку, а?//* Мулоқот жараёнида бундай вазиятда жумла охиридаги *-а* сўроқ юкламаси қўлланмаса ҳам, суҳбатдошдан муносабат билдириш мантиқан сўралади. *-а* юкламаси қўлланганда эса жавоб бериш шarti пайдо бўлади.

*-ку* юкламаси таъкид ва кучайтирувдан ташқари нутқий вазиятларда эътироз билдириш, фикрни рад этиш маъноларини ҳам ифодалайди. Ифодалаганда ҳам енгил, суҳбатдошга оғир ботмайдиган даражада: *//– Қандай? Ҳали, ҳали... вақт бор-ку?*

*– Қочдим-да, жўражон, сени кўргим келди.//* – Ажратиб кўрсатилган юклама жумла мазмунига тасдиқ, таъкид, кучайтириш эмас, аксинча, мулойимлик, вазиятни юмшатиш маъноларини кўшмоқда.

Бегуноҳ дўстнинг айбдор дўстга саволлар бериш жараёнида юкламалар ҳам қатъийроқ маъноларни ифодалаётгандек: *//– Ия, дастлабки терговда “Чайқовчилик билан шуғулланмаганман”, деган экансиз-ку?//* Дўсти томонидан яна суриштирилаётган Рамазон фикр ифодалашига кўра гўё ялтоқланаётгандек кўринади: *– Шуғулланмаганман-да ўзи.*

Рамазоннинг кейинги гапида келган *-да* юкламаси ҳам худди шу оҳангни ифодалашга, шу вазифани бажаришга хизмат қилмоқда: *//– Оқлашди, жўражон, оқлашди, – дея тинмай қиқирларди у. – Айбим йўқ эди-да ўзи.//* (*Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси*).

Судьянинг расмий нутқи ҳам бироз ўзгариб, айбдорни қўллаётгандек таассурот қолдиришига ҳам *-чи* юкламаси сабаб бўлиб турибди: //– *Ука, тушунсангиз-чи, биз сизга ёрдам қилмоқчимиз. Яхшилаб ўйлаб, тўғриси айтинг. Тақдирингиз ҳал бўляпти, ахир!* (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Жумла сўнгида келаётган *ахир* сўзи мулоқот вазиятига қараб икки вазифани бажариши мумкин, бу ўринда кириш сўз вазифасида келиб, адресатнинг ўзи айтаётган фикрига билдираётган ички муносабатини намоён қилиб келмоқда.

Рамазон дўстининг олдида ўзини айбдор ҳис қилаётгани учун ўша нутқ вазиятида *-ку* юкламаси ҳам унчалик қатъийлик касб этмаган эди. Виждони тозалиги, бировнинг айбини бўйнига олиб тургани учун адолат пешвоси олдида ўзини айбдор ҳис қилмаётган эди, шунинг учун ҳам жавоблари дадилроқ эшитиларди:

*//– Опажон, бир марта кечиринг!*

*– Мен сизга “опажон” эмасман!*

*– Ўзингиз “ука” деяпсиз-ку, мен нима дейин сизни? Отингизни билмасам, фамилиянгизни билмасам...//* (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).

Дўстининг саволларига жавоб бераётган жараёнда жумлани майинлаштирган грамматик воситалар нутқ вазияти ўзгаргач, бошқа маъноларни ифодалай бошлади: // *Мана, ўзимни олайлик, айбим йўқ эди – бор чиқди. Шундай гап-да.* – *Рамазон кафтини тўлдириб нос отди. У қандайдир ўзгариб – жиддийлашибди, чала файласуфга ўхшаб қолган эди: илгари ҳеч бундай гапирмасди.*// Юклама энди тасдиқлаш, таъкидлаш ва руҳий хотиржамликни ифодалаб келмоқда.

Савол берувчига жавоб берувчининг хоҳиш-истаклари унчалик муҳим эмасди. Дўстининг хатти-ҳаракатлари унга эриш туйлаётгани учун кескинроқ, аччиқроқ гапира бошлайди: // *Сўнг у туйқусдан эски ашуласини эслаб қолди:*

*– Юр, жўражон, икковимиз бир портретга тушайлик!*

*– Шу афт, шу ангор биланми? – дедим кулиб. – Бошқа пайт, бошқа пайт.*

– *Ҳамма жўрангни чақир!*

– *Ҳа, яна бирор ҳунаринг қолганмиди?*

– *Би-ир регистронда ўтирайлик! Кетар жафосига!* // Икки ўринда келган сўроқ юкламаси ҳам сўраш мазмунидан ташқари, ижирғаниш, ёқинқирамаслик, беписандлик маъноларини ифодалаб келмоқда.

Мулоқот ўрни, нутқ вазияти яна ўзгарди. У ерда Рамазоннинг кайфияти дўстиникидан яхшироқ, руҳияти ҳам баландроқ эканлиги гапларидан маълум бўла бошлади: //– *Бор жўранг шуми? Э, бечора! Зиқналигингга борибсан-да. Қўрқма, кармон катта, атаб қўйганини берди!* // ((Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).

Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ички муносабат, яъни уларни боғлаб турувчи алоқанинг қандайлиги вербал нутққа жуда катта таъсир кўрсатади: // *Поезд ҳали келмаган экан, сув ичиш баҳона тагин ресторанга кирдик. Кайфи анча ошиб қолган Рамазон ана шунда дардини ёрди.– Барибир ишонмайсан-да, жўражон, – дея гап бошлади у. – Лекин илтимос: бу сафар ишон!* // (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Юкламаларнинг матнда қандай кўшимча маъноларни ифодалашга хизмат қилиши нутқ вазиятига ҳам кўпроқ боғлиқ.

Ёрдамчи сўзлар орасида мулоқот учун, асосан, юкламаларнинг ўрни ва аҳамияти катта, чунки юкламалар ҳам боғловчи, кўмакчилар бажарган синтактик алоқани таъминлайди, ҳам гап мазмунига муҳим маънолар юклайди: // *Рамазон ўшанда ростдан ҳам Барнаулга жўнаган экан. Поездни кутиб ўтириб, мана шу ерда, ресторанда бир киши билан танишиб қолади.– Ана, айтдим-ку, ишонмадинг, барибир ишонмайсан, – деди Рамазон ҳафсаласи тир бўлгандек, қандайдир мунг билан. – Ҳеч ким ишонмайди.* // Мазкур нутқ вазиятида кўмакчи икки ўринда ҳам бир хил вазифани бажармоқда, восита ва биргалик маъноларини ифодалаб келмоқда. Юкламалар эса, кўплаб маъноларни ифодалай олади. Бир фарқли жиҳати бор: кўмакчиларни жумла таркибидан тушириб бўлмайди, юкламаларни эса, тушириш мумкин. Шунини унутмаслик керакки, туширилганда юклама билан

мулоқот мазмунини, самарасини таъминлаб берувчи катта куч ҳам йўқолиши мумкин.

Қуйидаги мисолда эса, айрим юкламаларни тушириш мумкин, айримини тушириб бўлмайди. Масалан, *-ми* юкламаси туширилса, гапнинг ифода мақсади ўзгариб кетади. *-ку*, *-да* юкламаларини олиб ташласа ҳам, мулоқот давом этаверади, фақат ахборот узатилавергани билан таъсир камаяди: *Нима қилсин – шунча нарса билан қўлга тушганингдан кейин елкангга қоқиб, қўйиб юборсинми? Кимнидир қамаши керак-ку, уларнинг ҳам плани бордир. Ўзи терговиям, камерасиям жонга теккан эди, жўра, э, чўзилиб ётадимми, худонинг буюргани-да, дедим!* (*Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси*). Шунга кўра ҳам, юкламаларни таснифлаш мумкин.

Навбатдаги нутқ вазиятида *-ми* сўроқ юкламаси сўзловчининг кайфиятига, тингловчининг шароитга муносабатига кўра прагматик маъно ифодалашга хизмат қилган: *– Аҳмоқ, тентак! Бир муттаҳамнинг найрангига учи-иб... Одам ҳам шундай анойи бўладими? Мен ўлақолсам ишонмасдим. -ми юкламаси мазкур риторик сўроқ гапнинг асосий ифода воситаси бўлиб турибди.*

Кучайтирув таъкид юкламалари ҳам синтактик муносабатларда иштирок этади, аммо мазкур ҳолатда фақат қўшимча маънолар юклаш вазифасини бажариш учун иштирок этмоқда: *//– Мен ишондим-да, жўражон, нима қилай? “Еттита болам бор, – деди, – еттовви ҳам қиз, – деди. – Учтаси буй етган, узатишим керак, ўзим заводда оддий қоровулман, жигарим касал”, деди. Аҳволини кўрган киши, агар инсон бўлса, ишонарди, мен ҳам ишонибман-да, жўражон!//* (*Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси*). Матн мазмунидан англашилиб турибдики, юкламалар фикрни тўлдириш, иқрорлик, соддалик, ишонувчанлик, кўнглибўшлик маъноларини ҳам ифодалашга хизмат қилмоқда.

Негадир Рамазоннинг нутқида *-да* юкламаси жуда кўп марта қўлланган, шундай бўлса-да турли нутқ вазиятида турлича маъно оттенкаларини ифодалаб келган: мана яна икки ҳолат: *//– Бундай қилсам, уни тутар эди-да?*

*Сўз берган эдим, номардлик бўларди... Дунёни панжарадан ҳам бир кўриб кўйдим-да, зиён қилмас...// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).* Албатта, ажратиб кўрсатилган юклама сўзловчи нутқини беаб турибди, яъни раҳимдиллик, ачиниш, ўз қилган ишидан қониқиш ҳосил қилиш каби маънолар таъсирчанлигини оширмақда.

Айирув-чегаралов юкламалари таҳлил жараёнида учрамади, унга шаклдош бўлган отлардаги кичрайтириш-эркалаш қўшимчаси айрим ўринларда кўзга ташланди. Бунга эътибор қаратилганига сабаб шуки, мазкур восита ҳам отларга, умуман, мустақил сўзларнинг аксариятига қўшилиб турли маъно нозикликларини ифодалай олади: *Рамазон чаккасини кафтига босган кўйи дераза оша перронга тикилиб ўтирарди. Ўйчан, беозор, ҳокисоргина... “Уни хушламаслик, ёқтирмаслик мумкин, лекин ёмон кўриб бўлмайди”, деб ўйладим ичимда.* Бу ўринда -гина эркалаш ва кичрайтириш маъноларини эмас, юкламага хос услубий маънони ифодаламоқда.

-чи юкламаси аксарият ҳолларда суҳбатдошдан берилган саволга жавоб беришни талаб қилиш вазифасини бажаради. Бу вазиятда эса ички қарор, хоҳиш-истакни ифодалаш учун хизмат қилган:

*//У бир пайт кўзини қисинқираганча нима деб қолди денг:*

*– Ҳозир Новосибирск поезди келади, ҳайё-ҳуйт деб Барнаулга жўнаворсам-чи?//*

Рамазон ифодалаган фикрларда айнан -да юкламаси эзгу тасаввурлар, ижобий ҳодисаларни англатиб туради. Суҳбатдошининг нутқида эса, кўпроқ салбий маънога йўналиб кетгандек туюлади: *//Кўнглимда шубҳа уйғонди: “Ўшандаги гап тасодиф эмас шекилли, асли қонида бор экан-да бунинг”. Лекин нима ҳам дердингиз – тирикчилик, бировнинг рўзгорини биров тебратмайди.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).*

Нутқий вазиятлар, суҳбатлашиш макони ва замони ўзгарганда яна грамматик маънони ифодаловчи воситалар кутилмаган маъно қирраларини англатаверади: *// – Э, отамга қавм бўлади, ноқулай.*

*– Буниси-чи?*

– Э, эна жамоатимиздан қариндош...

– Олманг кўп бўлса, давлатга топширвормайсанми бундай қилиб ўтиргунча?// Таъкидлангани каби, -чи юкламаси сўроқни, -ми юкламаси сўроқ билан бирга панд, маслаҳат, тарғибот каби маъноларни кучайтириш вазифасини ҳам бажаради.

Асар қаҳрамони табиатидан келиб чиқилса, қуйидаги жумлалардан кўп маъно ажратиш мумкин, айнан юкламаларнинг ўзи унинг бир неча дунёқарашига оид бўлган тушунчаларни маълум қилади. Сухбатдоши давлатга топширишни маслаҳат берганда қуйидагича жавоб беради:

//– Қарзим борми? Арзон олади!

– Ахир, ҳаммага текин улашяпсан-ку?

– Э, бири хеш, бири табор.

– Сенга бегонаси бормикан Бойсунда? // (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Муҳими шуки, сўроқ юкламалари инкор сўзлар бажариши керак бўлган вазифаларни таъсирлироқ амалга ошира олади.

Мулоқот макони Рамазоннинг қишлоғи эканлиги ҳисобга олинса, бунда фикрлаш, ифода қилиш унинг ҳамқишлоқларига ҳам хос эканини тушуниш мумкин: //“Бемаҳалда сизни безовта қилдик-да, оғажон, овора бўласиз-да”, деб қайта-қайта узр сўрашди, “Илоё бир ўглингиз ўнта бўлсин, барака топинг”, дея роса алқашди. (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).

Ёзувчи ўзининг “Пакананинг ошиқ кўнгли” киноқиссасида ҳам ёрдамчи сўзлардан, хусусан, юкламалардан самарали фойдаланган. Биргина мисол келтириш кифоя: *Доришунос. Боятдан бери неча марта қайтардим-а! Менга қара, анови кунни топиб берганим фойда қилмадимми?* (Э.Аъзам, Пакананинг ошиқ кўнгли). Аслида **-а** сўроқ юкламасидан сўнг сўроқ белгиси қўйилиши керак, бироқ унинг ифодалаётган маъноларидан қайси бири устун бўлса, ўша инобатга олинади, назаримизда.

### 3.3. Эркин Аъзам киноқиссаларида алоҳида олинган сўзларнинг социопрагматик хусусиятлари

Тилшуносликда мустақил сўз туркумлари ва у билан боғлиқ грамматик маънолар устувор ҳисобланади. Бироқ ёрдамчи ва алоҳида олинган сўзлар гуруҳи нутқий вазиятларда коммуникатив алоқанинг янада таъсирли ва самарали бўлишига замин яратади. Ўзбек тилида сўзловчи тингловчига муайян нутқий шароитда бирор фикр ёки маълумотни етказётганда мустақил сўзлар воситасида ахборот беради, аммо ўзи узатаётган ахборот, ё бўлмаса, қабул қилаётган ахборотга ички муносабатини намоён қилишда ундов ва модал сўзлар муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида олинган сўзларнинг бажарадиган вазифалари кўпроқ прагматика билан боғлиқ. Прагматика америкалик олим Чарльз Пирс томонидан барча билим соҳаларини бирлаштирувчи фан сифатида қаралган семиотика доирасида юзага келди ва ривож топди.<sup>62</sup>

Ўзбек тилида киноқисса жанридаги асарлар матни социопрагматик жиҳатдан тадқиқ этилмаган эди. Эркин Аъзамнинг бир қатор киноқисса жанрига доир асарлари мавжуд бўлиб, ёзувчининг тилдан фойдаланиш услуби бутунлай ўзига хосдир. Киноқиссаларни социопрагматик таҳлил қилишда, асосан, алоҳида олинган сўзлар гуруҳи таҳлилга тортилди. Ёрдамчи сўзлардан ташқари ундов сўзлар ҳам инсоннинг ички муносабатини ифодалашга хизмат қилади:

*//Кассир аёл. Бор-бор, тошингни тер!*

*Шамшод. Ие, нега?..*

*Бир пайт қандайдир шангиллаган овоз қулогимга чалинди:*

– *Э-эй, шеърингни ўқидим – газета берар экан!// Ие, эй ундовлари сўзловчига ўз фикрини айтиш баробарида бу ҳол унда қандай таассурот қолдирганини ҳам билдириш имконини беради.*

---

<sup>62</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 96.



Ундов сўзлар сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқотнинг самарали бўлишини таъминлаб беради. Аслида ундов сўзларсиз ҳам фикрни ифодаласа бўлади, бироқ адресант ва адресат бир-бирини тўла маънода тушуна олмайди. Ўзаро келишув, ҳар бир суҳбат иштирокчисининг вазиятга, масалага ички муносабатини билмай туриб керакли хулосаларга келиб бўлмайди:

– *Ие!* – *дедим фигоним чиқиб.* – *Ҳа, тутсин эди, қамасин эди – қилмишига яраша!* **Вой** *аҳмог-эй, сўз берган эмиш!* Бу ўринда ундов ва модал муносабатга эга бўлган тил бирликларнинг аҳамиятини яққол сезиш мумкин.

Модал сўзлар сўзловчининг ўзи ифодалаётган фикрга, вазиятга, ўртага қўйилган масалага муносабатини билдиради: //– *Отимни билишингиз шарт эмас. Мен сиз учун – гражданин судьяман!*

– *Мен ҳам гражданман.*

– *Йўқ, сиз энди – айбланувчисиз, айбдорсиз!*

– *Мен... айбдорман?! Айбдорман, кечиринг...// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).* Бу ўринда йўқ сўзи муносабатни ифодалаяпти, кечиринг ундов маъносида айбига иқрорликни англашиб турибди.

Қуйидаги мисолларда ундов сўзлар сўзловчининг ҳис-туйғуларини ифодаламоқда: *Камтарлигини қаранг бун!* (*Бизга таниш расм олдида тўхтаб*) – *Ҳа?! – дедим ҳовлиқиб, таҳлика билан.*

Ўзбек тилида барча унли товушлар матн мазмуни, нутқий вазиятлар тақозосига кўра ундов маъносида кела олади. Бироқ, **о** унлиси ҳис-туйғу ифодачиси сифатида нисбатан кам келади. *У, Ў, И, Э, О, А* унлилари ўзига хос ҳис-туйғуларни ифодалаб келади, масалан, *У-у-у*. Оғрик, қийинчилик, ҳайратланиш; *Ў* – буйруқ-хитоб ундови бўлиб, миллий менталитетга кўра кўпинча, эр-хотиннинг муносабатларига оид нутқ вазиятларида қўлланилади. Хотин эрининг исмини айтмаслик учун, эр эса кайфиятига кўра, таби хира пайтларда чақириш учун ишлатади. Бундан ташқари, мулоқот жараёнида суҳбатдошини менсимаслик маъносини ҳам билдиради. *И* – чўзиб айтилганда огоҳлантириш, эсидан чиққан нарса ёки ҳодисани эслаб қолиш каби ҳиссиётларни ифодалайди. *Э* – афсусланиш, эсдан чиқиш ёки ундаш ва

чақириш маъноларини англатади. О – эса ҳаваси келиш, роҳатланиш, //О-о, мана буниси зўр экан аммо! Юрадиган қизингми? Қойи-ил! // (Э.Аъзамов, Анойининг жайдари олмаси). Шахсга нисбатан бўлса, маҳорати ёки гўзаллигига қойил қолиш, нарса ва ҳодисаларга нисбатан бўлса, таъми, хиди, кўринишининг ёқиб қолиши кабиларни ифодалаб келади.

А – ундови бақириб йиғлаш, биров чақирганда жавоб қайтариш, рус тили таъсирида боғловчи маъносида ҳам қўлланиб туради, масалан, зидлов боғловчилари ўрнида:

//– А, ҳозиргина нима дедингиз?

– Шузулланмаганман, десам... ишонасизми?// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси). Ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи воситалар ўзаро мулоқотнинг таъсирли, самимий бўлишини таъминлайди, аммо бу ҳам ўз ўрни билан содир бўлади:

//– Уф-ф... Айтинг-чи, шеригингиз ким эди?

– Шеригим, шеригим... билмайман... йўқ эди.

– Қанақа ишни?

– Уфф! Чайқовчилик-да! // Уфф ундов сўзи сўзловчининг вазиятга норози муносабатини, ҳорғинлик, бир ишни такрорлайверишдан толиқиш маъноларини билдиради.

Айрим модал муносабатни ифодаловчи бирликлар, ундовлар сўзловчилар нутқида одатга айланиб қолиши мумкин:

//– Йў-ўқ... Э, қилганман, қилганман

– Пулини нега олмаяпсан?

– Э, отамга қавм бўлади, ноқулай.

– Буниси-чи?

– Э, эна жамоатимиздан қариндош... // Э – ундови “Анойининг жайдари олмаси” киноқиссаси қаҳрамони Рамазоннинг ҳар учдан бир сўзида такрорланавериши бу рефлексга айланиб қолганини англатади.

Айрим ундов сўзларнинг синонимлари бирдан ортиқ бўлади. Муаллиф бадий асарда оддий сўзлашувда қўлланиладиган вариантларидан кўпроқ

фойдаланади: //Носини тупургач, енгил тортгандек қўл силтаб, давом этди:  
– **Майли**, бу гаплар ҳозир бeфойда, барибир ишонмайсан. Кейин бир кун  
ҳаммасини айтиб бераман.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).

Ҳис-ҳаяжонни ифодалайдиган ундовлар асар сюжетида кам учрайди.  
Муаллиф ўз қаҳрамонининг ички туйғуларини яна-да ёрқинроқ ифодалаш  
учун, унинг қайси қавм, қайси ҳудудга мансублигини ҳам англашиш учун  
ҳатто ҳис-ҳаяжон ундовларининг ҳам ўша муҳитга мосроғини танлаган: //Гоҳ  
қўлларини икки ёнга силжитганча кифтларини қимирлатиб, **“Ҳа-а, ҳу-у!”** дея  
қийқиради, ҳайқиради, сакрайди, иргишлайди: гоҳ жилмаяди, гоҳ ҳазилга  
қовогини уюб олади: дуч келган қизни рақсга тартади, ажабки, у ҳам  
нозланиб ўтирмай пешвоз чиқиб бораверади.// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари  
олмаси). Аслида мазкур ундов сўзлар кишининг маданиятини ҳам ифодалаб  
туради.

Ёзувчи ижодида русча, инглизча ундов сўзлар кўп қўлланилади.  
Шулардан бири “Анойининг жайдари олмаси” асарида: //Рамазон кетди.  
Поезд ўрнидан қўзгалганда перрон бўйлаб бир ҳайқирик янгради:  
**“Чантриморэ-э!” “Каламакаторэ”** бўғзимда қолди – айтолмадим. Поезд  
энди тўхтамайди, уни на мен, на Рамазон тўхтата олади: Рамазон эса  
кетди, жўнаб кетди, энди келмайди!// (Э.Аъзам, Анойининг жайдари олмаси).  
Мазкур ундов сўз асарнинг асосий сўзларидан ҳисобланади. Бу сўзни  
эшитганда қаҳрамонлар ўз ёшликлари, қишлоғи, ўтмиши ва у билан боғлиқ  
ҳамма нарсани эслайди.

Таъкидлангани каби, халқ тилида айрим ундов сўзлар анъанага айланиб  
қолган. Бўлар-бўлмасга ҳам ишлатилавериш одати ҳам учрайди. Айниқса,  
чекка қишлоқларда. Рамазон худди шуларнинг вакили. Унинг нутқида ҳам  
ундов сўзлар тез-тез такрорланиб туради: //Хотинимни уйғотиб, **“Туриб  
қарасанг-чи!”** дедим. Нариги хонага чиқиб, қизимдан хабар олган хотиним **“Э,  
қўшинининг боласи-ку!”** деди. **Ўша заҳоти хотиржамгина уйқуга кетибман.**

*Нега бундай, Рамазон?*

– Э, э, жўражон! – дея юзи ёришганча ўрнидан туриб кетди у. – Ўзим ҳам Барнаулни кўзлаб турувдим, сендай маслаҳатчига зор бўлиб. Нима қилай, жўра, ер билан битта тўкилиб ётибди.// Иккала ўринда ҳам э ундови бир хил маънода қўлланмоқда. Бунга яна мисол келтириш мумкин: //– *Ҳеч ким ёрдам бергани йўқ, ўзимиз... э, ўзим! Нима, чамадон кўтариб юриши қийинми? Ичида тўрт-беш килогина олмаси бор эди, холос.*// Сўзловчи ўзим, деб ишлатса ҳам бўлар эди, аммо у масалага ўзининг муносабатини ҳам ифодалайди.

Айрим феъл сўз туркумига доир сўзлар ундов сўзлар туркумига киритилмаса-да, нутқда улар модал муносабатни ифодалашга хизмат қилмоқда: // – *Бўпти, бўпти, ишондик. Демак, сиз уйингиздан тўрт-беш кило олма олиб, ўша ўзингиз айтгандек, ҳеч жойда битмайдиган антиқа олмадан олиб, бирга хизмат қилган оғайниларингизни кўриб келгани Барнаулга жўнагансиз.*// Демак модал сўзи фикрнинг хулосаланишини англашиб турибди, *бўпти* эса мавзунини, масалани, моҳиятни тушунганликни ифодаламоқда. Бу модал муносабат, яъни вазиятга ўз ички муносабатини билдириш воситаси ҳисобланади.

*А* – ундови таъкидлаганимиз каби, рус тили таъсирида зидлов боғловчилари ўрнида қўлланиб турибди, бироқ бу ҳам айнан боғловчи мақомида эмас: // *Биттагина чамадон билан, биттагина! А, қолган нарсалар кимники эди – узум, анор?*// Мазкур ундов сўзнинг этимологиясини ўрганиб чиқиш лозим, балки соф ўзбекча бўлиши ҳам мумкин.

Бадий матнларда, айниқса, киноқиссаларда модал сўзларга кам эҳтиёж сезилиши маълум бўлди. Фикрлар, муносабатлар асосан юкламалар ва ундов сўзлар воситасида ифодаланмоқда: // *Унинг олдида ўзимни айбдор сезаман. Тўғри, у кўп гашимга теккан, мени кўп галваларга қолдирган; балки муттаҳамдир, чайқовчидир, лекин барибир – жўрам! Жўрам ётибди. Қамоқда. Қанақа жой экан у?*// Ажратиб кўрсатилган сўз фаол қўлланилувчи модал сўз ҳисобланади. Сўзловчи ўз фикрининг ростлигини билдириш учун шу кириш сўздан фойдаланмоқда.

Фикрнинг хулосаланиши, тугашили англатувчи модал сўзлар кўп қўлланилади, аммо араб тилидан ўзлашган вариантлари онда-сонда ишлатилади: //Беш ой давомида ундан учта хат келди. Аммо... учаласи ҳам биттагина сўздан иборат: “Чантриморэ!” **Вассалом.**//

Ундов сўзларнинг гап таркибида баъзан кириш сўз бўлиб келиши назарий маълумотлар орқали маълум. Қуйидаги мисолда ҳам ундов сўз прагматик маъно ифодаси учун хизмат қилмоқда: //Зариф ака. **Ҳа**, хотин, мурод ҳосил бўлдими? Ёки: Ота кўрган одамига нуқул бир гапни такрорлайди: **Ҳа**, шошманг. У сиз ҳақ.// Бу ўринда олдингисига қараганда сал бошқачароқ вазифа бажарганини кўриш мумкин. Яъни иккинчи мисолда сўзловчи ўзи айтаётган фикрига ўз ички муносабатини ифодаламоқда. Дастлабки ўринда эса, ундов, хитоб маъноси устунроқ.

Ўзбек тилида **вой** ундови нутқ вазиятига кўра турли маъноларни ифодалаб кела олади. Деярли барча ҳис-туйғуларни англатиши мумкин:

//*Н и з о р а*. **Вой**, Латофатхон, қўйинг энди, ўзингизнинг акангиз-ку! Биласиз, сал чарчаганлар... // (Э.Аъзам, Хонадон эгаси). Бу ўринда вой ундови эрқаланиш маъносини ифодалаб келмоқда.

Аслида вой ундови, асосан, аёл кишиларнинг нутқида учраб, турли ҳис-туйғуларни билдиради. *Л а т о ф а т*. **Вой**, энди шуниям... Аёлларга хос бўлган вазиятни юмшатиш йўли. Бу ўринда ундов сўз хотин кишининг кечинмалар ифодачиси бўлиб келмоқда.

Кутилмаганда содир бўлган воқеа ёки ҳодисадан таъсирланиш натижасида ҳосил бўладиган ҳис-ҳаяжон: *А з и з а* (ловиллаб). **Вой-вой**, мен... Нигорахон билан бирпасгина... Қачон? Қачон?.. Нигорахон, сиз айтинг, мен ахир...// (Э.Аъзам, Хонадон эгаси). Бу ундов сўзнинг яна бошқа талаффуз вариантлари ҳам мавжуд бўлиб, сўзлашув нутқида қўлланилади: *Н а р и м о н* (хомуш, дардчил овозда). *Кеча раҳматли ойим тушимга кирибдилар...* *Н и з о р а* (ташвишланиб). **Вай**, ёмонроқмиди?.. вай бу – вой ундовининг фонетик жиҳатдан ўзгаргани. Бунда ҳам ачиниш, бировнинг дардиган шерик бўлиш ёки ҳамдард бўлгандек кўриниш маъноларини ифодалайди.

Мазкур ундов сўз ҳам халқ тилида жуда кўп қўлланилавериб анъанага айланиб қолган, ёки инсон кўп вақт ташвишли, ҳис-туйғулар жўш урадиган вазиятларни, ёки қайғули, оғриқли кунларни ўтказса ҳам, бундай ундовларни қўллашга ўрганиб қолади: *Л а т о ф а т. Бу кишимнинг кўзларига ҳозир ҳамма ўғри! Сиз ҳам, хотинингиз ҳам, манови Шерзодгина ҳам – ҳамма!*

*А з и з а (олдинга ўтиб). Вай, мен нима қипман?*

Яна бир мисол келтирамиз: *Н а р и м о н (бетоқатлик билан). Чироқни ёқ, чироқни! Н и з о р а (чинқириб). Ва-а-ай!.. (Э.Аъзам, Хонадон эгаси).* Бу ўринда эса, тўсатдан кўрқишни ифодалайди.

**Вой, вай** шакллари ундов сўз эканлиги аниқ бўлди, сўзлашувда кўп учрайдиган *вей* сўзи эса, бутунлай бошқа ундов сўз ҳисобланади: **Вей, сен бу, туппа-тузук рассом экансан-ку, а? Камтарлигини қаранг бунини!** Бу аслида буйруқ-хитоб ундови ҳисобланган **эй** га маънодош бўлиб келади.

Буйруқ-хитоб ундовлари ундалмалар билан бирга келганда, ундов сўзлар киритмага айланиб қолади: *Ф а з л и д д и н. Ўв бола, ўпкангни бос! Боймисан, баттармисан, барибир укамсан! Мен сени кўтариб катта қилганман, ҳа!*

Ҳис-ҳаяжон ундови турли муносабатларни ифодалаши мумкин, салбий қарашларни ифода қилувчи ундов сўзлар жумланинг мазмунини маълум маънода ўзгартира олади: *Доришунос. Уфф, қўймадинг-қўймадинг-да! Битта зўридан олиб қўювдим, майли, сенга берадиган бўлдимда. (У пештахта тагига энгашиб, бир қутича дори олиб узатади.) (Э.Аъзам, Пакананинг ошиқ кўнгли).* Айрим ундов сўзлар ажабланиш маъносини ҳам ифода қила олади: *Шамшодбек. Ие, бу оддий витамин-ку?* Бу ундов сўз айрим нутқ вазиятларида кескин муносабат билдириш, фикрга қарши чиқиш эҳтимолини ҳам англашиб келади.

Таъкидлангани каби ундов сўзлар сўзловчи фикрини ички муносабат билан бойитади: *Дадилбек. Э бормисан, огайничалиш? Ўзим сўраб келмасам, йўқламайсан ҳам мундоқ! Оббо, сен-эй! Дидинг чакки эмас, болакай! Мендан гап сўрасанг – тўйга айтиб келдим, огайни. Уйланмасак бўлмайдиган бўлиб*

қолди. Бўйдоқлик ҳам жонга тегди. **Хув**, айтувдим-ку, битта ҳурилиқо кетимдан ўлиб юрибди, деб? (Э.Аъзам, Пақананинг ошиқ кўнгли). Ажратиб кўрсатилган сўзлар иштирок этмаса ҳам, фикр ифодаланаверади, аммо муносабат қанақа эканлиги англашилмай қолаверади.

Эркин Аъзам киноқиссаларида қўлланилган ундов ва модал сўзлар социопрагматик жиҳатдан қуйидагича таснифланди, бу бошқа таснифлардан фарқ қилиши мумкин. Бунда тил воситаларининг мулоқот жараёнида ахборот алмашишидан ташқари сўзловчи ва тингловчи орасидаги муносабат, нутқ шароитига, ўзи айтаётган фикрга муносабати инобатга олинган:

**I. Адресантнинг адресатга мурожаат тарзини ифодаловчи буйруқ-хитоб ундовларининг қисса матнида қўлланилиши:**

1. Д а д и л. **Хўй**, гапинг борми? Нега ағраясан?
2. Д а д и л. **Хўв**, чиқмайсанми?
3. Н а р и м о н. Шунини қилмаслигим ҳам мумкин эди-ку! Қарзим борми сизлардан? Айт, қайсиндан қарз эканман? **Хў** Латоф, сен гапир! Ўғлингнинг суннат тўйини кўтарган ким эди, қани?
4. Ф а з л и д д и н. **Ўв, ўв!..** Сиз фақат ҳалол йўл билан топибсизми бунча нарсани?!
5. **Мана**, ниҳоят хонадон аҳли бир жойда жам! Барчаси столни куршаб олиб, ўртадаги мўъжизага кўз тиккан.
6. **Мана**, мен – биру қирқ тўққизман, ўлиб қолганим йўғ-у! (Бекатнинг бир чеккасида турган аллақандай новча йигитга ишора қилиб) **Хўв** анови найновни қара! Худо бўйдан бериб, ақл бермаган! Бори ҳам бўйга уриб кетган-да... Мана, ҳозир қараб тур.
7. **Хўв**, найнов, бу ёққа ке!
8. **Хўв**, келасанми ё ўзим борайми?
9. Н о д и р (*қичқириб*). **Мана**, туш, туш – дарров бувамга йиғлаб боргунча!

10. **Ф а з л и д д и н** (*жаҳл билан унинг қўлидан таклифномаларни тортиб олиб, ҳовлига сочиб юборади*). **Мана!** Борсанг – бор, бормасанг!.. (*У хотинини енгидан судраб, дарвоза томон юради.*)

11. **К а с с и р а ё л.** **Бор-бор,** тошингни тер!

12. **У с т а** (*ташвиш ичида*). **Хай,** эски мактабингда туратурсангчи?..

13. **Шамшодбек.** **Мана,** ўзингиз кўриб турибсиз...

14. **Қани,** боринглар энди, ишдан қолдирдинг одамни.

**II. Сўзловчи ва тингловчининг хис-ҳаяжонини ифодалаган ундов сўзлар:**

1. **Д а д и л.** **Жа-а,** опқочасан-а? (*Шамшоднинг туфлисига ишора қилиб*) Пошна ҳисобига бўлса керак-да?

2. **Д а д и л** (*ҳазил аралаш кесатиб*). Ҳа, яна бир ғайрат қилсанг, баскетболчи ҳам бўлиб кетасан!.. **Ие,** нега тумшаяпсан? Дадил (*Шамшодга, Найновни эрмаклаб, киноя билан*). Бу окам шуни ҳам билмайдилар, мен сенга айтувдим-ку! (*Найновга юзланиб*) Менда гапинг йўқми?

Найнов орқасига қарай-қарай улардан нари кетади.

3. **Ие,** мана, фойтунимиз ҳам келиб қолди.

4. **Л а т о ф а т.** **Ҳе,** уйинг ҳам, пулинг ҳам бошингдан қолсин!

5. **Ўша** зормондага бирин-кетин ташласанг ёки бараварига сакрасанг, нима, суви камайиб қоладими? **Ҳе,** шалпангқулоқлар!

6. **Ф а з л и д д и н.** **Ия,** ким ҳайдайди сени?

7. **Ш а м ш о д.** **Ие,** нега?..

8. **Ф а з л и д д и н.** **Ие,** Наримон, ўзингмисан, укам!..

9. **Д о р и ш у н о с.** **Уфф,** қўймадинг-қўймадинг-да! Битта зўридан олиб қўювдим, майли, сенга берадиган бўлдимда. (*У пештахта тагига энгашиб, бир қутича дори олиб узатади.*)

10. **Ш а м ш о д б е к.** **Ие,** бу оддий витамин-ку?



11. Д а д и л б е к. Э бормисан, оғайничалиш? Ўзим сўраб келмасам, йўқламайсан ҳам мундоқ! **Оббо, сен-эй!** Юрадиган қизингми?

12. **Қойи-ил!** Дидинг чакки эмас, болакай! Мендан гап сўрасанг – тўйга айтиб келдим, оғайни. Бу – анови, иродасиз найновларнинг иши. Сен билан менга ярашмайди. Сталиннинг бўйи қанча бўлган, биласанми? Наполеоннинг-чи?

13. **Ха**, узоққа бормайлик – ўзимизнинг Ленин бобо!... Наридан борса, сену мендан уч-тўрт сантиметргина баланд бўлишган, холос! Аммо дунёни титратган! Билсанг, биродар, жаҳонга донг таратганнинг деярли бари бизни қавмдан!

14. **Ия**, хатто машҳур Чарли Чаплин ҳам ўзимиздан-а, оғайни!

15. **Ахир**, қайси калла билан шу ишга қўл урдинг Каромат Хола.

16. Э, гапирманг, қўшни! ( Овозини пастлатиб) Қиз ҳам кўнувди, онасиям рози эди, келиб-келиб отаси: “Куёвбола армияга бормаган эка-ан!”, деб туриб олса бўладими!..

17. У с т а. **Оббо-о**, ҳозиргина нима дедим-а бунга?! Дадалари курганмиш! (*Андак тин олиб.*) Агар мен сенларга барабар бува бўлсам, бувангнинг бассейни ҳам ҳар иккалангга бирдек тегишли-да, **а, лаббай?**

**Ш. Сўзловчи ва тингловчи нутқида урф-одатга айланиб кетган ундовлар.**

1. Л а т о ф а т (*уни бўйнидан қучиб*). **Раҳмат, буважони!**

2. Л а т о ф а т (*ўглини турта-турта*). Бу ерни ўзингнинг уйинг деб ўйлагансан-да, **а, жувонмарг!..**

3. **Ё тавба!** (*Шамшодга*) Мана шунақа гаплар, оғайни.

4. Ш е р з о д (*йигламсираб*). Ойижон, худо урсин агар, мен у хонага кирганим йўқ! Бир марта ҳам кирганим йўқ, ишонинг!

5. Н и г о р а (*хижолатомуз*). **Узр**, Азиза опа, келган-кетгани сўраганларида мен аҳмоқ билмасдан...

6. **Худо раҳмат қилсин!**

7. **Тавба**, бизни қайтиб жам қилмоқ учун албатта мана шундай мусибат даркормиди денг...

8. Сизга **йўл бўлсин**, ўғлим?

9. **Н и з о м и д д и н** (*қатъий оҳангда*). Кетдим, дада! Мен энди бу уйда қололмайман, кетдим! Бировларга ўхшаб ишлагани, пул топгани... **Хайр**, дадажон! (*У аравачага энгашиб, отасини маҳкам қучиб қўяди-да, дарвоза сари босади.*)

10. Троллейбуснинг эшиги ёпилиб, у секин юриб кетади. Шамшод троллейбуснинг ортидан сеҳрлангандек, илжайиб қараб қолади. Дадил (*троллейбус деразасидан бошини чиқариб*). **Бўш келма**, оғайни!

11. Шамшод. **Ҳах**, тилингизга **шак-кар!** Худди шуни айтмоқчи эдим.

12. **Н а р и м о н**. Тушдим нима, тушмадим нима! Тушсам, еб қўясан мени ҳамманг!

13. **У с т а** (*гангиб*). Латоф, **тўхта!** Эсингни йиғ, қизим!.. (*Низомиддинга кўзи тушиб.*)

14. **Л а т о ф а т**. Ана – бойваччангиздан сўрайсиз у ёғини! (*Бирдан ҳўнгиллаб.*) Ўғри эмишман! Ўзим ҳам, ўғлим ҳам ўғри!..

15. **У с т а** (*бесаранжом*). **Ана холо-ос!..**

16. **У с т а**. **Ие**, бу нима деганинг? Бир қоринга сиққан бир ҳовлига сиғмас эканми?!

**Киноқисса матнида энг кўп қўлланилган “ха” ундов сўзининг нутқ вазиятига кўра ифодалаган маънолари:**

1. **Н и г о р а** (*хайрон*). **Ҳа?** Қаёққа?.. **Н и г о р а**. Ичкарида бўлсалар керак.

2. **“Ҳа**, нима гап, нима гап?” дея унинг орқасидан келган Наримон юкларини апил-тапил девор тубига ташлаб, зинапоя бошидаги чироқни ёқади. Ёқади-ю, даҳшатдан кўзлари олайиб, бир зум қотиб қолади.

3. Армонсиз кетди дўстим, **ха**, беармон. **Ф а з л и д д и н** (*бошини кўтармай, қуруққина*).

4. **Ҳа**, одам кўп бўлди... (*Бир муддат тин олиб, теваракка вазмин кўз ташлаб чиққач, эзгин, аламнок бир товушида*).

5. Н и з о м и д д и н (*ерга тикилиб*). **Ҳа...** ҳозирча...

6. Н а р и м о н. **Ҳа**, ўғрилик қипманми?... Ўғриликми, тўғриликми, ҳамманг тенгшерик бўлиб юрибсан-ку! Буниси етмагандек, энди...

7. У с т а (*ҳанг-манг*). **Ҳа**, қизим, йўл бўлсин? Бунча бақир-чақир, тинчликми ўзи?

8. З а р и ф а к а. **Ҳа**, хотин, мурод ҳосил бўлдими?

9. У с т а. **Ҳа, баракалла!** (*“Тилла” тишли Нодирга ўгирилиб*.)  
Бунинг ойиси, Латофат сенга ким, қани?

10. **Ҳа**, аканг бўйингдан! Кираверинг, кираверинг. Шамшодбек – менинг энг қалин дўстим. Рассом! Мана, чизганларини кўринг.

11. Д а д и л. **Ҳа**, нима қипти, айтамин, обориб кўяди!

12. Ш а м ш о д б е к. **Ҳа**, нима қипти?

13. Ф а з л и д д и н (*ажабланиб*). **Ҳа**, Латоф, қаяққа?..

14. Ш а м ш о д. **Ҳа**, қизларжон, бир минутга мумкинми сизларни?

15. Н а р и м о н. Бор гапни айтиш миннатга кирса, **ҳа** – миннат деяверинг!

16. У с т а. **Ҳай, яшша!**

17. Қовоқларинг шишгандекми, **ҳа**?

18. П о л к о в н и к. **Ҳа**, дурустсиз-у, йигит!

**Социопрагматик вазифа нуқтаи назаридан модал сўзлар киноқиссалар матнида қуйидагича нутқий воқеланган:**

1. **Афтидан**, бировнинг йўлига қаттиқ кўз тиккан.

2. Э, хуллас, **Раъно** деганининг ўзидан бешта! Сен бунақа қилиб лаллайиб юрма, оғайни, тезроқ биттасини топ. Ёки ўзим топиб берайми? (Дарозга гап тасдиқлатиб)

3. Демак, ўша бассейннинг ҳам эгаси – мен, **тўғримми?**

4. Сен нима дейсан, **тўғримми?**

5. Шомларини ўқияптилар **шекилли**.

6. “**Маълумки**, японлар бошқа халқларга нисбатан бирмунча паканароқ келади...” Шамшодбек бирдан сергак тортиб, югуриб бориб радионинг товушини баландлатиб кўяди: “Шунга қарамасдан, япон халқи ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги ва зукколиги билан жаҳонга машҳур.

7. **Демак!.. Демак!..**” дея калласига муштлай-муштлай Наримон жасадни четлаб юкори чиқади-да, Устани бўйнидан кўтариб тиззасига кўяди.

8. Шамшодбек. Жаноб полковник, **ахир**, ўзингиз ўйланг, бу тартиб-қоидалар даққиюнусдан қолган-ку! Нега энди армияда фақат новчалар хизмат қилиши керак? Бизга ўхшаганлар одам эмасми, **нима?!**

9. **Ахир**, бизниям онамиз ўғил қилиб тукқан, отамиз “ўғлим” дейди!

10. Бизниям белимизда белбоғимиз, бошимизда дўппимиз бор, **ахир!** Ёки новчаларгина бу Ватанга фарзанд-у, биздақалар ўғайми?!

11. Ш а м ш о д б е к. **Ахир**, биримизни бўйи паст десак, биримизни нимжонроқ десак, мустақил Ўзбекистонимизни ким ҳимоя қилади, айтинг!

12. Ш а м ш о д б е к. **Тўғрисини айтинг**, мен ёмон одамга ўхшайманми?

13. Қ и з. Нима, юрак бетламаяптими? Унда, **хайр бўлмаса!**

14. Шамшодбек, оғайни, бизниям – Гуличка иккаламизнинг портретимизни бошлаб бир чизиб берасан, **хўпми?**

15. Н а р и м о н. **Йўқ**, ака, мен фақат билай дедим...

Шунингдек, киноқиссалар матнида модал ёки ундов сўзлар сирасига кирмайдиган, аммо сўзловчи ёки тингловчининг ўзаро мулоқоти жараёнида суҳбат натижасига самарали хизмат қилувчи турли муносабатларни ифодалаб келадиган бирликлар ҳам учрайди:

1. Н а р и м о н (*оғир энтикиб*). **Қўйинг**, ака... гапирманг...

2. Ҳамма шу ерда, ҳаммамиз... Ҳув ўша можародан кейин бегоналашиб қолувдиг-а! **Қаранг**, бугун тағин йиғилишиб ўтирибмиз. Худди отамизнинг ўлишини кутиб юргандек...

3. **Қаранг**, шундай оқилу меҳрибон фарзандларни вояга етказди-я!

4. Ш е р з о д. Бува, бува! Бунингиз чўмилгани қўймапти. “Бассейн бизларники, биринчи бўлиб мен сакрашим керак”, дейди, **каранг!**

5. “**Кўрдингми**, Шерзод, ана! Гап бундоқ бўпти-да. **Қани**, Нодирвой, энди – ўзлари!..”

6. Н а р и м о н. Э, **қўйсангиз-чи**, кеннойи, шуям гап бўлдими?! Биздан ҳам қайтгандир ахир! Ака, сиз гапиринг!..

7. Д а д и л. Э, **қизиқмисан**, чойга вақт бор эканми! Бутун Тошкентни тўйга айтиб чиқишимиз керак ҳали!

8. К а р о м а т х о л а. **Қаёқда дейсиз!** Яна ўша эски гап: бўйи ундоқ экан, бўйи бундоқ экан, қуриб кетсин!

9. У с т а. **Қўявер**, бола-да. Уришади – ярашади...

Бундан ташқари, Эркин Аъзам киноқиссалари матнида бошқа ижодкорлар асарларида кўп учрамайдиган айрим ўзлашма ундов сўзлар ҳам қўлланилади. Бу асар қаҳрамони, яъни сўзловчининг ички оламини, маънавияти ва маданиятини ҳам англашиб туради:

1. Ундан Устанинг хитоблари янграётир: “Энди – сен, Нодир! Шалвирама-да, **хей!.. Ҳа, баракалла-а! Маладес!**”

2. П о л к о в н и к. **Ты смотри!** Тузук, тузук.

3. Шамшодбек қўлидаги чўткани бир чеккага улоқтириб, айвондаги девор ойнанинг олдига келади, бармоқлари билан қовоқларини икки ёнга тортиб, кўзини худди японлардек қисиклаштиради-да, “**Токио-мокиё!**” дея хитоб қилади. : “**Чантриморэ-э!**” “**Каламакаторэ**” бўғзимда қолди – айтолмадим.

4. Мен ҳозир, бир минутга... **айн момент!**

5. Ҳ о ж и б у в а. Ҳажга бир марта борилади деган зақун қатта ёзилган экан, калтавой! **Бўл, бўл, давай!**

6. Шу иссиқда қамалиб олиб ижод қиляпман, де! **Маладес, маладес!** (*Девордаги расмларга қизиқиши билан кўз ташлаб олиб*) (*Бизга таниш расм олдидан тўхтаб*) О-о, мана буниси зўр экан аммо!

Ўзбек тилида сўзларнинг бирдан ортиқ маънони ифодалаши контекстда маълум бўлади. Тилнинг социопрагматик имкониятлари ҳам нутқ шароитида, мулоқот жараёнида аниқ бўлади. Шунинг учун жонли нутқ акс этган Эркин Аъзам сингари ёзувчилар асарлари матни лингвистиканинг замонавий аспектларида қанча кўп ўрганилса, тил birlikларининг ифода хусусиятлари шунча кўп очилади.

## Боб бўйича хулоса

1. Эркин Аъзам киноқиссалари матнида грамматик маъноларнинг нутқий воқеланиши ўрганилганда айрим грамматик воситаларнинг бажарилган тадқиқотларда эътиборга олинмаган маънолари аниқланди. Хусусан, от ва отлашган сўзларда доимий ҳисобланган сон категорияси, хусусан, *-лар* кўплик шакли нутқий вазиятларда ундов ва модал сўзлар каби ўз грамматик маъносидан ташқари турли муносабатларни ҳам ифодалай олиши маълум бўлди.

2. Ёрдамчи сўзлар, хусусан, юкламалар адресант ва адресат ўртасидаги мулоқотда, турли нутқий актларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги, асосан, сўроқ юкламаларининг ўз грамматик маъносидан ташқари турли прагматик муносабатларда иштирок этиши, *-ми, -да, -ку, -чи, -а* ва *я* юкламаларининг ҳар бири алоҳида лисоний имконият, прагматик муносабатни қулай юзага чиқарувчи восита эканлиги маълум бўлди.

3. Мустақил сўз туркумлари асосий фикрни ифодалагани билан сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги кўзга кўринмас, аммо муҳим алоқани алоҳида олинган сўзлар гуруҳига кирувчи сўзлар ўрнатади. Айниқса, ундов ва модал сўзларнинг киноқиссалар матнида сўзловчилар нутқи орқали воқеланиши, асар қаҳрамонларининг характери, ижтимоий ҳолати, маданияти, билим даражаси, дунёқараши, воқеликка муносабатидан келиб чиқиб турли кутилмаган социопрагматик моҳият касб этгани таҳлилларда намоён бўлди.

4. Бобда Эркин Аъзам қиссалари матнида қўлланилган лисоний воситаларнинг ифода имкониятлари таснифланган маълумотлар грамматик маъно ифодаловчи бирликлар сирасига кирувчи – кўплик, кичрайтириш эркалаш; ёрдамчи воситалардан боғловчи, кўмакчи ва, асосан юкламаларнинг, шунингдек, ундов ва модал сўзларнинг социопрагматик имкониятларини кўрсатиб турибди. Ёзувчи асарларида энг кўп қўлланган 9 ундов сўзи ўндан ортиқ алоҳида маъноларни ифодалаб келгани аниқланди.

## ХУЛОСА

Тил нутқ воситасида ижтимоий ҳодисага айланиб жамият аъзоларига хизмат қилиш асносида ўзи ҳам турли ифода имкониятлари билан бойиб боради. Кейинги йилларда тилнинг нутққа муносабати, тил воситаларининг нутқий воқеланиши масалаларини ўрганиш оммалашди. Ижодкорларнинг тилдан фойдаланиш маҳорати ҳам алоҳида ўрганилмоқда. Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқотда Эркин Аъзам киноқиссалари тили лингвистик, прагматик ҳамда социопрагматик таҳлил қилиб кўрилганда қуйидаги муҳим хулосаларга келинди:

1. Ёзувчи Эркин Аъзам киноқиссаларида нутқнинг ҳамма учун тушунарли бўлишини таъминловчи лисоний воситалардан самарали фойдаланилган. Матн кенг миқёсдаги ўқувчи ўқишига мўлжалланган, яъни ўқувчи, тингловчи ва томошабин. Бундан ташқари, муаллиф мазкур қиссалар орқали кинорежиссёр, актёрлар билан сўзловчи ва тингловчи сифатида мулоқотга кириша олиши керак. Оддий ўқувчи ҳам тушуна олиши, ўзига хос тарзда тасаввур қила олиши, шунингдек, кинорежиссёр ва актёр уни аниқ ва тиниқ тасаввур эта олиши назарда тутилади. Матндаги бадиий тасвир воситалар шунга кўра танланади.

2. Киноқиссаларда содда гаплардан, тўлиқсиз, бир бош бўлакли гаплардан, киритмалардан, зарур ўринларда шева элементларидан унумли фойдаланиш ўзаро мулоқотнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Асардаги сўзлар, умуман, матн тили ижтимоий жиҳатдан киноқиссага мослашади.

3. Киноқисса билан боғлиқ нутқий актларда, асосан, хабар бериш, сўраш ва буюриш мазмуни устувор, адресант ва адресат муносабатида мулоқотни бошқаришда сўзловчининг воқеликни англаш даражаси ва нутқий шароит муҳим аҳамият касб этади.



4. Киноқиссалар тилини прагматик, лингвопоэтик таҳлил қилиш – матн мазмунини теранроқ англашга, лисоний ҳодисаларнинг социопрагматик имкониятларини янада кенгроқ очишга шароит яратади.

5. Эркин Аъзам киноқиссалари лисоний ҳодисаларнинг воқеланиши, бажарган прагматик вазифалари нуктаи назаридан бошқа насрий асарлардан фарқ қилиши, шунингдек, айрим грамматик воситаларнинг нутқий воқеланиши натижасида тил бирликларининг социопрагматик жиҳатдан ижтимоий ихтисослашуви кузатилди.

6. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг самарали бўлишида фақат сўзларга асосланган воситалар орқали фикр ифодалаш етарли бўлмайди. Мулоқот жараёнида, ўқувчилардан ташқари томошабинларга ҳам мўлжаллаб ёзилган киноқиссалар матнида новербал воситалар ҳам фаол иштирок этиб прагматик вазифа бажаришга хизмат қилади.

7. Мустақил сўз туркумлари гапни ташкил қилишда, фикр ифодалашда муҳим ўрин тутаяди, аммо ёрдамчи сўзларнинг мулоқотни самарали қилишдаги аҳамияти ундан-да юқори. Юкламалар кўпинча мустақил ишлатилмайди, бирор сўзга тиркалиб, ранг-баранг маъноларни ифодалайди. Нутқнинг коммуникантларга боғлиқ равишда ихтисослашувини таъминлаб беради. Сўзловчи ва тингловчи нутқининг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида юкламалардан унумли ва ижодий фойдаланиш Эркин Аъзам асарлари ўзига хос юмористик баён услуби, кинояли тили, кутилмаган бадиий ечимларга эгаллиги билан ажралиб туради. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатиб турибдики, нутқий мулоқотнинг кўп қирраллиги социопрагматик хусусиятлари билан боғлиқ.

8. Эркин Аъзам киноқиссалари матнида грамматик маъноларнинг нутқий воқеланиши ўрганилганда айрим грамматик воситаларнинг бажарилган тадқиқотларда эътиборга олинмаган имкониятлари аниқланди. Хусусан, от ва отлашган сўзларда доимий ҳисобланган сон категорияси, жумладан, кўплик шакли нутқий вазиятларда ундов ва модал сўзлар каби ўз грамматик

маъносидан ташқари турли прагматик муносабатларни ҳам ифодалашга хизмат қилади.

9. Айрим ёрдамчи сўзлар, хусусан, юкламалар адресант ва адресат ўртасидаги мулоқотда, турли нутқий актларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги, асосан, сўроқ юкламаларининг ўз грамматик маъносидан ташқари турли прагматик муносабатларда иштирок этиши, *-ми, -да, -ку, -чи, -а* ва *-я* юкламаларининг ҳар бири алоҳида лисоний имконият, прагматик муносабатни қулай юзага чиқарувчи восита эканлиги маълум бўлди.

10. Ўзбек тилида ҳам модал муносабатларни рўёбга чиқарувчи кўплаб лисоний имкониятлар мавжуд. Асосий сўз туркумлари керакли ахборотни узатса, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги кўзга кўринмас, аммо муҳим алоқани ундов ва модал сўзлар ифодалайди. Асар қаҳрамонларининг характери, ижтимоий ҳолати, маданияти, билим даражаси, дунёқараши, воқеликка муносабати турли прагматик вазиятларда тил бирликларидан фойдалана олиш қобилияти орқали ҳам намоён бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-1947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2993-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи” газетаси. – Тошкент, 2017 йил 25 май.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
4. Мирзиёев Ш. М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

### II. Илмий-назарий адабиётлар

7. Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 1996. – 176 б.
8. Алиқулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. – 6-сон. – Б. 36-37.
9. Аристотель. Поэтика. – Минск: Литература, 1998. – 1064-1112 с.

10. Арутюнова Н. Д. Язык и мир человека. – М., 1998. – 896 с.
11. Арутюнова Н.Д. Вступление. Логический анализ языка. Образ человека в культуре и языке // Отв. ред. Н.Д. Арутюнова, И.Б. Левонтина. – М.: Индрик, 1999. – 424 с.
12. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. – 341 с.
13. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – 2-е изд., испр. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 896 с.
14. Ашурова Д.У. Лексикон как отражение национально-культурной специфики / Язык и культура. Тез. докл. II Междунар. науч. конф. 23-25 сентября 2005. – М., 2005. – 112-113 с.
15. Бабушкин А.П. Концептуальные типы значений. Констрастивные исследования лексики и фразеологии русского языка. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1997. – 330 с.
16. Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961. – 221 с.
17. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 111 б.
18. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М., 1974. – 446 с.
19. Богданов В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1990. – 89 с.
20. Булыгина Т.В. Шмелев А.Д. Языковая концептуализация мира (на материале русской грамматики). – М.: Языки русской культуры, 1997. – 704 с.
21. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. –М.: Русские словари, 1997. – 416 с.
22. Вейсбергер Й.Л. Родной язык и формирование духа // Пер. с нем. –М.: Изд-во Моск. ун-та, 1993. – 223 с.
23. Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. – Москва, 1985. Вып. XVI. – С. 233-250.

24. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Лингвострановедческая теория слова. – М.: Русский язык, 1980. – 320 б.
25. Воркачев С.Г. Культурный концепт и значение / Труды Кубанского государственного технологического университета. Сер. гуманитарные науки. Т. 17. Вып. 2. – Краснодар, 2003. – 268 с.
26. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании / Филологические науки. – 2001. – № 1. – С. 164-166.
27. Галкина-Федорук Е.М. Современный русский язык. Лексика. – М., 1954. – 204 с.
28. Гуломов А. ва бошқ. Она тили. 6-7-синф. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985, 1990, 1994.
29. Гумбольдт В. фон. Характер языка и характер народа. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – С. 370-382.
30. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода / Вопросы языкознания. – Москва. – 1994. – № 4. – С. 17-33.
31. Залевская А.А. Психолингвистический подход к проблеме концепта / Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: Изд-во Воронеж.ун-та, 2001. – С. 36-46.
32. Карасик В.И. Культурные концепты. Языковой: личность: проблемы коммуникативной деятельности. – Волгоград: Изд-во ВГПИ, 2001. – С. 29-39.
33. Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии. Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности. – Волгоград: Перемена, 2001. – 246 с.
34. Карасик В.И., Слышкин Г.Г. Лингвокультурный концепт как единица исследования / Методологические проблемы когнитивной лингвистики: Сб. науч. тр. Под ред. И. А. Стернина. – Воронеж: ВГУ, 2001. – С. 75-80.

35. Кольшанский И.Г. Лингвокультурология в конце XX века: итоги, тенденции, перспективы. Лингвистические исследования в конце XX в. – М.: ИНИОН, 2000. – С. 26-55.
36. Кравченко А.Б. Знак, значение, знание. Очерк когнитивной философии языка. – Иркутск: Иркутской областная типография, 2001. – 216 с.
37. Кубрякова Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика – психология – когнитивная наука. ВЯ, 1994. – № 4. – Москва. – С. 34-47.
38. Кубрякова Е.С. Эволюция лингвистических идей во второй половине XX века (опыт парадигмального анализа). Язык и наука конца XX века. – М.: Российская академия наук. Институт языкознания РАН, РГГУ, 1995. – 227 с.
39. Лаврентьева Н.Б. Лексика и фразеология русских говоров Сибири. – Новосибирск : Наука, 1982. – С. 123-132.
40. Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. Теория метафоры. – М., 1990. – С. 387- 415.
41. Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка. Русская словесность: Антология. – М.: АCADEMIA, 1997. – 282 с.
42. Ляпин С. Х. Концептология: к становлению подхода. Концепты. Язык и этнос: Российская лингвокультурология / Тексты. Сост. С.Г. Воркачев, В.И. Карасик. 2012. – С. 73-99.
43. Мальцев В.А. Эмоция и значение слова / Тезисы докладов Минского госпединститута иностранных языков. XV научная сессия. – Минск, 1963. – С. 226-233.
44. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию // Учебное пособие. – Москва: Наследие, 1997. – 208 с.
45. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – 208 с.
46. Мейлах Б. Сопоставительная литература и эстетика. – Л., 1958. – 199 с.

47. Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида: Монография. – Тошкент: Ниҳол, 2010. – 192 б.
48. Мирзаев М. ва бошқ. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 256 б.
49. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент, Ўқитувчи, 1978. – 267 б.
50. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2010. – 288 б.
51. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – 144 б.
52. Молчанова А.Н. О переносно-образных значениях слов. Аспекты лексического значения / Аспекты лексического значения. Воронеж, 1982. – С. 23-29.
53. Морковкин В.В. Лексическая многозначность и некоторые вопросы ее лексикографической интерпретации / Русский язык. Проблемы художественной речи. Лексикология и лексикография: Виноградовские чтения. IX–X. – М.: Наука, 1981. – С. 71-81.
54. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 15-16.
55. Мусабоев Г.Г. Современный казахский язык. – Алма-Ата: Мектеп, 1959. – 288 с.
56. Нерознак В. П. От концепта к слову: к проблеме филологического концептуализма / Вопросы филологии и методики преподавания иностранных языков. - Омск, 1998. – С. 80-85.
57. Нейматов Ҳ. ва бошқ. Она тили. 7-синф. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 127 б.
58. Нейматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. –Б. 34.
59. Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.

60. Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: Высш. шк., 1982.
61. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 22-129.
62. Ревзин И. И. Модели языка. – М.: Изд-во АН СССР, 1982. – 282 с.
63. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Аспект пресс, 1996. – 275 с.
64. Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2010. – 404 б.
65. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – 396 б.
66. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии // Под ред. А.Е.Кибрик. – М.: Изд. гр. “Прогресс”, “Универс”, 1993. – 654 с.
67. Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва, 1986. Вып. XVII. – С. 170-190.
68. Содиқова М. Сифат. Ўзбек тили грамматикаси // 2-жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1976.
69. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1971. – 291 с.
70. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. – М., 1985. – 336 с.
71. Степанов Ю.С. Константы: словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Языки русской культуры, 1997. – 824 с.
72. Стернин И.А. Концепт и языковая семантика // Связи языковых единиц в системе и реализации. Когнитивный аспект. Вып. 2. – Тамбов, 1999. Вып. 2. – С. 69-75.
73. Тарасов Е.Ф. Проблематика изучения, описания и моделирования речевого общения. В кн.: Лингвистическая прагматика и общение с ЭВМ. – М.: Наука, 1989. – 142 с.



74. Телия В.Н. Метафоризация и ее роль в создании языковой картины мира. Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – С. 173-203.
75. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – 288 с.
76. Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 400 б.
77. Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 180 б.
78. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 3-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 399 б.
79. Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. – Тошкент: Фан, 1975. – 612 б.
80. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 112 б.
81. Ҳақимов М. Ёзувчи ва халқ тили. – Тошкент: Фан, 1971. – 176 б.
82. Ҳамраева Ё.Н. Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари. – Тошкент, 2010. – 129 б.
83. Ҳожиёв А. -гина элементи форма ясовчи аффикс бўла оладими? // ЎТА. – 1978. – №5. – Б. 43.
84. Ҳожиёв А. Семасиология. Ўзбек тили лексикологияси // Махсус мух. А.Ҳожиёв, А.Аҳмедов. – Тошкент: Фан, 1981. – 221 б.
85. Ҳозирги замон ўзбек тили /Ф. Камол таҳр. /. – Тошкент: Фан, 1957. – 528 б.
86. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т. I. – Тошкент: Фан, 1966. – 392 б.
87. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.
88. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 480 б.

### III. Диссертациялар ва авторефератлар:

89. Абдурахмонов Х. Особенности синтаксиса узбекского устного народного творчества: Автореф. дис. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1977. – 48 с.
90. Аликулов Т. Ўзбек тилида полисемантик отлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1963. – 167 б.
91. Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967. – 18 с.
92. Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий кўлланилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарканд, 2002. – 24 б.
93. Кушникова Л.В. Взаимодействие языков и культур в переводческом пространстве: гештальт-синергетический подход: Дис. д-ра филол. ... наук. – Пермь, 2004. – 237 с.
94. Лазарева Э. А. Существительные с орудийным значением и их связи с глаголами: Автореф. дис. канд. филол. ... наук. – Воронеж, 1982. – 23 с.
95. Москальчук Г.Г. Структура текста как синергетический процесс: Дис. д-ра филол. ... наук. – Барнаул, 1999. – 140 с.
96. Мусулмонова Н.Р. Грамматик шаклларда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категориялари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 120 б.
97. Мышкина Н.Л. Лингводинамика текста (Контрадиктно-синергетический подход): Дис. д-ра. филол. ... наук. – Пермь, 1999. – 428 с.
98. Назарова Х. Ҳ.Ҳ. Ниёзий асарларининг тили: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1944. – 114 б.
99. Пюльзю Е.А. Метафорическая лексика в структурно-семантическом аспекте (по материалам севернорусских говоров): Автореф. дис. канд. филол. ... наук. – Петрозаводск, 2008. – С. 22.

100. Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 18 с.
101. Саломов Ғ. Бадиий таржиманинг лексик-фразеологик масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1964. – 124 б.
102. Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2017. – 50 б.
103. Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2015. – 135 б.
104. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 94.
105. Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 21 б.
106. Ширинова Н.А. Ўзбек тилида белги-хусусият ва предметлик маъноларининг фарқланишида градуонимик қаторлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Бухоро, 2008. – 160 б.
107. Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” поэмаси тилининг бадиий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1949. – 128 б.
108. Юнусова З.Қ. Ўзбек тилида луғавий микросистеманинг таркиби ва ривожланиши (Самовий ёритгичлар луғавий гуруҳи асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 140 б.

#### **IV. Тўплам, газета ва журналлардаги мақолаларга ҳаволалар**

109. Lexis // Dictionnaire de la langue française Lexis. – P., 1993. – 393 p.
110. Асқаров С. А.Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – №1. – Б. 19-22.
111. Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. – 608 б.
112. Воробьёв В.В. Лингвокультурология (теория и методы): Монография. – М.: Изд-во РУДН, 1997. – 331 с.

113. Ғиёсов С. Ўзбек тилида субъектив баҳо сифатларининг семик таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. – № 2. – Б. 28-30.
114. Дворецкий И.Х. Латинско-русский словарь // 2-е издание. – М., 1976. –1096 с.
115. Жўрахонов А. Муқимийнинг халқ мақолларидан фойдаланиш маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – №4. – Б. 52-55.
116. Краткий словарь когнитивных терминов. Е.С.Кубрякова, В.З.Демьянков, Ю.Г.Панкрац, Л.Г.Лузина. – М., 1966. – 245 с.
117. Қуронов Д, Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. / Д.Қуроновнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 400 б.
118. Лингвистический энциклопедический словарь // гл. ред. В.Н.Ярцева. – 2-е изд., доп. – М.: Большая рос. Энцикл., 2002. – 709 с.
119. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов.– М., 1960 – 439 с.
120. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар) 1-жилд. – Тошкент, 2000. – 600 б.
121. Тўйчиев М. “Шинелли йиллар” романида халқ мақоллари ва ибораларининг ишлатилиши / Ўзбек фразеологиясидан тадқиқотлар. СамДПИ асарлари. – Самарқанд, 1971. – Б. 84-87.
122. Алберт Мехрабян. Оғзаки бўлмаган алоқа. Чикаго: Алдине-Атхертон, 1972 - ИСБН 0-202-30966-5 .
123. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5-жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б.
124. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-, 2-томлар. – М.: Русский язык, 1981. – 631 б.
125. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.

126. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.

127. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б.

128. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.

129. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 4-жилд. – 2005. – Б. 175.

130. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 5-жилд. – 2003. – Б. 23.

131. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 7-жилд. – 2004. – Б.556.

132. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 11-жилд. – 2005. – Б.608.

133. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 12-жилд. – 2006.– Б.608.

## **V. Бадий адабиётлар**

134. Ёқубов О. Пьесалар. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1968. –152 б.

135. Қоржовов А. Илонғор подачиси. – Тошкент: Tafakkur, 2015. – 288 б.

136. Навоий. Қаро кўзим. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 138 б.

137. Назир Ҳ. «Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштларим» хотира-қиссаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – 152 б.

138. Ойбек. Танланган асарлар 19 жилдлик. Т.5. Қутлуғ қон. – Тошкент: ФАН, 1976. – 416 б.
139. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик, 1-жилд. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 279 б.
140. Орипов А. Ҳайрат. Шеърлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 129 б.
141. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Мерос. – 1993. – Б. 74.
149. Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. – Т., 2001. – 69 б.
150. Эркин Аъзам. Забаржад. Киноқисса. – Т., 2007.
151. Эркин Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. Киноқисса. – Т., 2001. – 233 б.
152. Эркин Аъзам. Сув ёқалаб. Киноқисса. – Т., 2007.
153. Эркин Аъзам. Тангрининг тоши. Киноқисса. – Т., 2018.
154. Эркин Аъзам. Танҳо қайиқ. Киноқисса. – Т., 2001.
155. Эркин Аъзам. Хонадон эгаси. Киноқисса. –Т., 2001. – 53 б.